



**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



*Uzbekistan*

# **СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИ ТУЗИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Х. Ёдгоров, И. Косимов, Г. Парпиева

Baktria press  
Тошкент — 2017

**УЎК 347.9(575.1)**

**КБК 67.410(5Ў)**

**Ў 18**

**Суднинг ҳал қилув қарорини тузиш** [Матн]: амалий қўлланма/ Х. Ёдгоров, И. Косимов, Г. Парпиева — Тошкент: Baktria press, 2017 — 200 б.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Мазкур қўлланма ҳал қилув қарорини тузиш бўйича услубий тавсиялар ва турли тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорларининг шахссизлантирилган намуналарини ўз ичига олиб, судьялар томонидан ҳал қилув қарорларини тузишнинг ягона амалиётини жорий этиш мақсадида тайёрланган.

Қўлланмада ҳал қилув қарорларини тузишда эътибор берилиши лозим бўлган ҳолатлар, низолар бўйича чиқариладиган ҳал қилув қарорлари намуналари келтирилган.

Қўлланма судьялар, адвокатлар, ҳуқуқшунослик соҳасидаги мутахассислар, талабалар ва ҳуқуқшуносликка қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

**УЎК 347.9(575.1)**

**КБК 67.410(5Ў)**

#### **МУАЛЛИФЛАР:**

**ЁДГОРОВ** Холмўмин — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари – фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси

**ПАРПИЕВА** Гулнора — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

**КОСИМОВ** Ихтиёр — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

#### **НАШР УЧУН МАСЪУЛЛАР:**

**САЛАЕВ** Азамат — “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси менежери

**ХОЛБАЕВ** Собир — “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси компонент раҳбари

#### **ТАҚРИЗЧИЛАР:**

**ЭСАНОВА** Замира — ТДЮУ илмий ишлар ва халқаро алоқалар бўйича проректори, юридик фанлари доктори

**ТУРАХУЖАЕВ** Халилулло — Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони масъул ходими

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида бепул тарқатиш учун тайёрланган. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), АҚШ ҳукумати ва БМТ Тараққиёт Дастурининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати материалларидан фойдаланилди. Қўлланмада келтирилган мисоллардаги барча номлар, саналар ва далиллар ўзгартирилган. Ҳар қандай мос келишлар тасодифий ҳисобланади.

Қўлланманинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг [www.supcourt.uz](http://www.supcourt.uz) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг [www.uz.undp.org](http://www.uz.undp.org) интернет сайтыда жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.

Телефон +998 71 239 02 67

ISBN 978-9943-4895-1-6

© БМТ Тараққиёт Дастури, 2017

© Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2017

© Baktria press, 2017

# МУНДАРИЖА

## I-ҚИСМ

### СУД ҚАРОРЛАРИНИ ТУЗИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

<b>1.1. СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ</b> . . . . .	<b>6</b>
1.1.1. Ҳал қилув қарорини қабул қилишда кўриладиган масалалар . . . . .	7
1.1.2. Ҳал қилув қарорининг мазмуни. . . . .	8
<b>1.2. ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЧИҚАРИЛИШИДА АМАЛ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН, ҚОНУНДА БЕЛГИЛАНГАН ҲОЛАТЛАР</b> . . . . .	<b>13</b>
<b>1.3. СИРТДАН ЧИҚАРИЛГАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ</b> . . . . .	<b>14</b>

## II-ҚИСМ

### СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ

<b>2.1. ОИЛА НИЗОЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА</b> . . . . .	<b>18</b>
2.1.1. Суд тартибида оталикни белгилаш ҳамда оталик фактини белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар . . . . .	18
2.1.2. Ота-она ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқи ва мажбуриятлари ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар . . . . .	27
2.1.3. Эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар . . . . .	35
2.1.4. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар. . . . .	43
2.1.5. Эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар. . . . .	49
2.1.6. Эр-хотинни никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар. . . . .	56
2.1.7. Фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар . . . . .	63
<b>2.2. УЙ-ЖОЙ НИЗОЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА</b> . . . . .	<b>68</b>
2.2.1. Хусусийлаштирилган квартирада мулк улушини белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар . . . . .	68

2.2.2. Уйдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар . . . . .	80
2.2.3. Уйдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар . . . . .	91
2.2.4. Уйга киритиш ҳақидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар . . . . .	100
2.2.5. Уйдан кўчириш ҳақидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар. . . . .	110
2.2.6. Уйни бўлиш ҳақидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар . . . . .	121
2.2.7. Уйга эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар . .	131

### **2.3. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА . . . . .146**

2.3.1. Ишга тиклаш ҳақидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар . . . . .	146
---	-----

### **2.4. БИТИМЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА . . . . .155**

2.4.1. Битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар. . . . .	155
2.4.2. Ҳадя шартномасини низолашиши ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар. . . . .	176
2.4.3. Қарз ундириш ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар . . . . .	182

### **2.5. МЕРОС ҲУҚУҚИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА . . . . .186**

2.5.1. Меросхўр деб топиш, мерос улушини белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар . . . . .	186
--	-----

### **2.6. ЗАРАР ЕТКАЗИШДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР . . . . . 192**

**I-ҚИСМ**  
**СУД ҚАРОРЛАРИНИ ТУЗИШ БЎЙИЧА**  
**УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР**



## 1.1. СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Суднинг ҳал қилув қарорини чиқариш билан боғлиқ қонун талаблари Фуқаролик процессуал кодексининг 18-бобида белгиланган.

Бу борада Фуқаролик процессуал кодекси нормаларининг бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан 1998 йил 17 апрелда “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 13-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, унда суд ҳал қилув қарори борасида судларга тегишли тушунтиришлар берилган.

Биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қиладиган қарори ҳал қилув қарори деб айтилади (ФПКнинг 203-моддаси).

Суд ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номидан чиқаради.

Ҳал қилув қарорининг мазмунини ташкил қиладиган масалалар доираси ЎЗР ФПКнинг 206-моддаси билан белгиланган.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида мазмунан ҳал қилинмайдиган даъво талабларининг қисмини киритилишига йўл қўйилмайди. Бу хулосалар ҳал қилув қароридан ажратилган ҳолда чиқариладиган ажрим шаклида ифода этилади. Ҳал қилув қарорлари, буйруқ тартибида юритиладиган ишлардан ташқари барча тоифадаги ишлар бўйича (даъво ишларини иш юритиш, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш) чиқарилади.

Ҳал қилув қарорларини қабул қилишда судьялар ишларни қонун асосида ишнинг ҳолатига мувофиқ, судьяларга четдан таъсир кўрсатмайдиган шароитда ҳал қилишлари лозимлиги тўғрисидаги ФПКнинг 7-моддасидаги талабларга қатъий риоя этишга мажбурдирлар.

Шунинг учун барча ҳолларда ҳал қилув қарори судья томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) қабул қилинади, ёзма равишда тузилади ва судья томонидан имзоланади.

Алоҳида хонада (маслаҳатхонада) ишни кўраётган судьялардан ташқари бошқа шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 13-сонли “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги қарорининг 2–3-бандлари суднинг ҳал қилув қарорини қонунийлиги ва асосийлиги ҳақидаги талабларига тушунтириш беради.

Қабул қилинадиган ҳал қилув қарори қонунуний ва асосли бўлиши шартлиги билан биргаликда тўлиқ, далиллар келтирилган ҳамда даъвогарнинг талаблари ва жавобгарнинг эътирозларига жавоблар баён этилган бўлиши лозим.



### 1.1.1. Ҳал қилув қарорини қабул қилишда кўриладиган масалалар

Ҳал қилув қарорида нафақат далиллар келтирилган бўлиши, балки уларнинг мазмуни очиб берилиши, суд томонидан бошқа далиллар рад этилишининг асослари кўрсатилган бўлиши лозим. Суд ФПКнинг 207-моддасига кўра ишни даъвогарнинг даъво талаблари доирасида ҳал қилади, бироқ суд даъвогарнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур деб топса, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ишдаги даъвогарнинг арз қилган талаблари доирасидан четга чиқиши мумкин. Шу билан биргаликда, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, суд ўз ташаббуси билан даъвогарнинг розилигисиз даъво предмети ва асосини ўзгартиришга ҳақли эмас.

Масалан, никоҳдан ажралиш ҳақидаги ишларни кўришда эр-хотин ўртасида келишув мавжуд бўлмаса суд куйидагиларни белгилайди:

- никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири билаш яшаши;
- вояга етмаган болаларга таъминот бериш учун ота-онанинг қайси биридан ва қанча миқдорда алимент ундирилиши.

Ҳал қилув қарори процессуал ҳуқуқ меъёрларига қатъий риоя қилинган ва шу ҳуқуқий муносабатларга татбиқ қилиниши лозим бўлган моддий ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда чиқарилгандагина қонуний бўлиб ҳисобланади.

Суд иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун қонунда кўрсатилган барча чораларни кўришга мажбур, ҳал қилув қарорида ишнинг ҳолатлари ҳақида баён этилган суднинг хулосалари, тарафларнинг ҳақиқий ўзаро муносабатларига тўғри келмоғи лозим. Ҳал қилув қарорида иш учун ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳамма ҳолатлар баён этилган, тегишли далиллар келтирилган ва иш бўйича аниқланган ҳолатлар ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бўйича тўғри хулосага келинган тақдирдагина, у асосли бўлиб ҳисобланади. Ишнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғрисидаги суднинг хулосаси ҳал қилув қарорида ФПКнинг 56-моддасида кўзда тутилган исботлаш воситаларига кўра асослантирилади. Ҳал қилув қарори ФПКнинг 58, 59-моддаларида белгиланган далилларнинг дахлдорлиги ва исботлаш воситаларига йўл қўйилиши ҳақидаги қоидалар эътиборга олинган ҳолда асослантирилади.

Ишнинг судда кўрилишининг бевоситалилиги ФПКнинг 11-моддасига кўра унинг асосий принципларидан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилув қарори ишни кўрган суд томонидан фақат текширилган далилларга



кўрагина асослантирилиши лозим. Бунда суд ҳал қилув қарорида иш учун аҳамиятга эга у ёки бу ҳолатлар тасдиқланадиган далилларнинг кўрсатиб ўтилиши билан чегараланмасдан, балки бу далилларнинг мазмунини баён этмоғи шарт.

### 1.1.2. Ҳал қилув қарорининг мазмуни

Суднинг ҳал қилув қарори маълум тузилишга ва мазмунга қўйилган талабларни қондириши керак.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 206-моддаси талабларига мувофиқ, ҳал қилув қарори кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Қонун нормасида ҳал қилув қарори тузилишининг қатъий тартиби кўрсатилган бўлиб, судлар қарорни баён этишда белгиланган кетма-кетликка риоя этишлари лозим.

Фуқаролик процессуал кодексига кўра айрим туркумдаги ишлар бўйича иш кўришининг турлича тартиби белгиланган бўлсада (даъво ишлари, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича), уларнинг ҳаммаси бўйича ишни мазмунан кўриб ҳал қилиш ҳал қилув қарори шаклидаги қарор чиқариш йўли билан тугалланиши белгиланганлиги сабабли ҳал қилув қарорини ёзишда ФПКнинг 206-моддасида белгиланган кетма-кетликка риоя қилиниши барча туркумдаги ишлар учун тааллуқлидир.

*Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида* ҳал қилув қарори чиқарилган вақт ва жой, ҳал қилув қарори чиқарган суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлисининг котиби, тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар кўрсатилади.

Ишда иштирок этувчи бошқа шахслар деганда, Кодекснинг 33-моддасига кўра, учинчи шахслар, тарафлар ва учинчи шахсларнинг вакиллари, процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар тан олинади.

Таржимонлар одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ҳисобланиб, ҳал қилув қарорининг кириш қисмида кўрсатишлари қонунда белгиланмаганлигига эътибор қаратиш лозим.

Бундан ташқари, ҳал қилув қарорининг кириш қисмида низо предмети кўрсатилиши лозим. *Агар дастлабки арз қилинган талаблар ўзгартирилган*





*бўлса (масалан, уй-жойни бўлиш ҳақидаги талаблар уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш талабларига ўзгартирилган бўлса), ҳал қилув қарорининг кириш қисмида ўзгартирилган талаблар киритилади.*

Шунингдек, ҳал қилув қарорининг кириш қисмида жавобгар томонидан арз қилинган қарши даъво талаблари кўрсатилади.

Қонунда фуқаролик ишининг қайд рақами ҳал қилув қарорининг кириш қисмида кўрсатилиши белгиланмаганлиги ва мазкур рақам суд фаолияти иш юритувига тааллуқли бўлганлиги сабабли, иш рақамини суд қарорида қайд этиш мажбурий эмас.

*Ҳал қилув қарорининг баён қисмида* даъвогарнинг талаби, жавобгарнинг эътирозлари ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришлари келтирилади.

Мазкур қонун талабидан келиб чиққан ҳолда, агар даъвогар даъвонинг предмети ва асосини ўзгартирса, даъво талабларининг миқдорини оширса ёки камайтирса, жавобгар даъвогарнинг талабини тўлиқ ёки қисман тан олса, бу ҳақда ҳам ҳал қилув қарорининг баён қисмида кўрсатилади.

Фуқаролик иши кўрилишида даъвогар ёки жавобгар иштирок этмаган бўлса (ФПКнинг 139, 174-моддалари), ҳал қилув қарорининг баён қисмида бу ҳолат акс эттирилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмида келтирилган талабга алоқадор бўлган даъвогарнинг тушунтириши, унинг талабига жавобгарнинг эътирозлари баён қилиниши лозим. Агар учинчи шахс мустақил талаб киритган бўлса, бу қисмда учинчи шахсларнинг ҳам иштирок этганликларини ва уларнинг тушунтиришларини кўрсатиш лозим.

Суд амалиётида ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмини ёзишда турли хатолар учрайди. Баъзан қарорнинг бу қисмида ишдаги барча ҳолатларнинг мазмуни, тарафларнинг баёнотлари, ҳеч бир зарурат бўлмаса-да, тўла равишда ёзилган бўлади. Қарорда тарафлар ўртасида даъво қилинаётган нарсани аниқлаш учун зарур бўлган факт ва далилларгина баён қилиниши, яъни даъвогарнинг нимани ва қандай асосга биноан ўша нарсани талаб қилганлиги, жавобгар даъвогарнинг қандай талабларига ва нима учун эътироз билдирганлиги кўрсатилиши лозим.

Ушбу Кодекс 206-моддасининг 4-қисмига мувофиқ, *ҳал қилув қарорининг асослантувчи қисмида* ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалар, суд амал қилган моддий



ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилмоғи лозим. Агар жавобгар арз қилинган талабни тан олса, асослантириш қисмида фақат арз қилинган талабнинг тан олинганлиги ва унинг суд томонидан қабул қилинганлиги кўрсатилиши мумкин.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида барча далилий материалларнинг таҳлили, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалар, ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар кўрсатилмоғи лозим.

Ишнинг судда кўрилишининг бевоситалилиги ФПКнинг 11-моддасига кўра унинг асосий принципларидан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилув қарори ишни кўрган суд томонидан фақат текширилган далилларга кўрагина асослантирилиши лозим. Бунда суд ҳал қилув қароридида иш учун аҳамиятга эга у ёки бу ҳолатлар тасдиқланадиган далилларнинг кўрсатиб ўтилиши билан чегараланмасдан, балки бу далилларнинг мазмунини баён этмоғи шарт.

Агар суд ҳар бир далилларга алоҳида ва уларнинг йиғиндисидида баҳо бериб, тақдим этилган у ёки бу ҳужжатлар, гувоҳларнинг кўрсатувлари, бошқа фактик маълумотлар тарафлар ўзларининг талаб ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларининг тасдиқланмаганлигини аниқласа, у ҳал қилув қароридида бу хусусдаги ўзининг хулосасини ишонарли тарзда асосламоғи лозим.

*Бу борада, хусусан, Пленум қарорининг 6-бандида, ФПКнинг 67-моддасига кўра ҳеч қандай далил суд учун олдиндан аниқланган кучга эга эмаслиги сабабли экспертнинг хулосаси алоҳида исботлаш воситаси ҳисобланмай, барча бошқа далиллар билан биргаликда баҳоланмоғи кераклиги, суднинг эксперт хулосасига қўшилмаганлиги ҳал қилув қароридида ёки ажримда асосланмоғи лозимлиги (ФПКнинг 88-моддаси) кўрсатиб ўтилган.*

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида низоли муносабатни тартибга солувчи моддий ҳуқуқ меъёрлари келтирилмоғи, қонуннинг номи, моддаси, банди, бошқа қонун ҳужжатларининг сони ва қабул қилинган санаси ҳамда процессуал ҳуқуқ меъёрлари кўрсатилмоғи лозим. Зарур ҳолатларда суд Олий суд Пленумининг тегишли қарорларини қўллаши ва бу ҳақда асослантирувчи қисмда акс эттириши лозим.

Ҳал қилув қарори зарур ҳолларда ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи иш муомаласи одатлари, маҳаллий одат ва анъаналарда вужудга келган қонун меъёрлари ёхуд фуқаролик қонунчилигининг умумий асослари ва маъносидан келиб чиққан ҳолда асослаши мумкин (ФКнинг 5, 6-моддалари, ФПКнинг 12-моддаси).



Суд ишни даъвогарнинг арз қилган талаблари доирасида ҳал қилиши, бироқ, суд даъвогарнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур деб топса, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда даъвогарнинг арз қилган талаблари доирасидан четга чиқиши мумкинлиги ушбу Кодекснинг 207-моддасида белгиланган.

Шу муносабат билан, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида суд қайд этилган қонун нормаси асосида арз қилинган талаблар доирасидан четга чиқиш хулосасини асослаши лозим.

Бундан ташқари, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида суд харажатлари, шу жумладан, давлат божи билан боғлиқ масалалар юзасидан хулосасини кўрсатиши лозим.

*Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суднинг арз қилинган талабларни қаноатлантириш ёхуд бутунлай ёки қисман рад этиш тўғрисидаги хулосаси, суд харажатларининг тақсимланиши, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби кўрсатилиши лозим.*

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида тарафларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва юридик шахснинг номи тўлиқ келтирилиши, даъво талабларининг қаноатлантирилганлиги (тўлиқ ёки қисман) ёки бутунлай ёхуд қисман рад этиш ҳақидаги суднинг хулосаси аниқ акс эттирилган бўлиши лозим.

Бирор юридик фактни тан олиш ёки ҳақиқий (ҳақиқий эмас) деб топиш ҳақидаги даъволар бўйича фуқаролик ишида иштирок этаётган тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёки ҳуқуқий муносабатларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида масала ҳал қилинади. Шу муносабат билан суд бундай даъволарни қаноатлантирганда, зарур ҳолларда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида келиб чиқувчи ҳуқуқий оқибатларни кўрсатиши лозим.

Масалан, Оила кодексининг 56-моддасига мувофиқ суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаришда шундай никоҳ тузилиши билан ҳуқуқи бузилган эр (хотин)ни (инсофли эр (хотин)ни) ушбу Кодекснинг 118 ва 119-моддаларига мувофиқ хотин ёки эридан таъминот олиш ҳуқуқига эга деб топишга ҳақлидир, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш вақтига қадар биргаликда орттирилган мол-мулкни бўлишга нисбатан эса, ушбу Кодекснинг 23, 27 ва 28-моддаларида белгиланган қоидаларни татбиқ этишга, шунингдек никоҳ шартномасини тўла ёки қисман ҳақиқий деб топишга ҳақлидир.

Шу муносабат билан, суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида юқорида қайд этилган ҳуқуқ ва ҳуқуқий оқибатларни кўрсатиши лозим.



Фуқаролик процессуал кодекси 203-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, ҳал қилув қарори шаклида фақатгина биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қиладиган қарори чиқарилади.

Шу муносабат билан даъво талабларининг мазмунан қарор қабул қилинмаган қисми бўйича суднинг хулосаси ҳал қилув қарорининг хулоса қисмига киритилиши мумкин эмас (ФПКнинг 92, 93, 97, 99, 100, 102-моддалари). Бу хулосалар ажрим шаклида ифодаланиб (ФПКнинг 237, 238-моддалари), ҳал қилув қароридан алоҳида ҳолда чиқарилмоғи лозим (Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 13-сонли қарорининг 12-банди).

Шунингдек, суд харажатларининг тақсимланиши, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби кўрсатилиши шарт. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисми қарорни ижро этиш чоғида тушунмовчиликлар ва низолар вужудга келмаслиги учун тушунарли ва аниқ тарзда ифода этилмоғи керак.

Пленумнинг юқорида қайд этилган қарорида *ҳал қилув қарори даъвогарнинг барча даъво талаблари бўйича чиқарилиши лозимлигига* судларнинг эътибори қаратилган.

Бир иш юритишда бир неча даъво талаблари бирлаштирилганда ёки суд қарши даъвони кўриш учун қабул қилганида ёхуд низо предметида нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахснинг даъвосини қабул қилишда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суд ҳар бир даъво юзасидан қабул қилган қарорини аниқ кўрсатиши лозим.

Арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилганда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қаноатлантирилган даъволар кўрсатилиб, қолган даъво талабларини қаноатлантириш рад этилганини акс эттириш билан чекланмасдан, рад қилинган даъво талабларини ҳам аниқ кўрсатиш лозим.

Масалан, даъвогарнинг уйга киритиш, уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳамда коммунал хизматлари учун тўланган пулни ундириш ҳақидаги даъво қисман қаноатлантирилганида, ҳал қилув қарорининг хулоса қисми уйга киритиш қисмини қаноатлантириш, қолган даъво талабларини қаноатлантириш рад этиш кўринишида эмас, балки уйга киритиш қисмини қаноатлантириш, уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳамда коммунал хизматлари учун тўланган пулни ундириш қисмини рад этиш кўринишида тайёрлаш лозим.

Шунингдек, даъво талабларини қаноатлантириш тўлиқ рад қилинганда, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида рад қилинган даъво талаблари аниқ кўрсатилиши лозим.



## 1.2. ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЧИҚАРИЛИШИДА АМАЛ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН, ҚОНУНДА БЕЛГИЛАНГАН ҲОЛАТЛАР

Ҳал қилув қарорининг мазмунини акс эттирувчи масалалар ФПКнинг 206–211-моддаларида белгиланган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 208-моддасига мувофиқ, суд ҳал қилув қарорини ижро этишнинг муайян тартиби ва муддатини белгиласа ёки ҳал қилув қарори дарҳол ижро этилишини зарур деб топса ёхуд унинг ижросини таъминлаш чораларини кўрса, бу ҳақда ҳал қилув қароридан кўрсатади.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар, яъни ҳал қилув қарорини ижро этишнинг муайян тартиби ва муддатини белгилаш, ҳал қилув қарори дарҳол ижро этилиши ёхуд унинг ижросини таъминлаш чораларини кўриш *юзасидан суднинг хулосаси ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида кўрсатилади.*

Кодекснинг 209-моддасига кўра, суд ташкилотлардан пул суммалари ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қароридан ундириладиган пул суммасининг турини, шунингдек, ундириладиган сумма жавобгарнинг банкдаги қайси ҳисоб рақамидан олиниши кераклигини кўрсатади.

Ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш мақсадида суд ташкилотдан ундириладиган пул суммасининг турини конкретлаштириши (иш ҳақи, соғлиққа етказилган зарар, курилиш харажатлари ва ҳ.к.) ва шу суммани қайси ҳисобдан олинишини кўрсатиши лозим.

Кодекснинг 210-моддасига мувофиқ, *суд мол-мулкни натура тарзида ундириш тўғрисида чиқарган ҳал қилув қароридан, агар ҳал қилув қарорини ижро этиш вақтида мазкур мулк нақд бўлмаса, жавобгардан ундириб олиниши лозим бўлган мулк қийматини кўрсатади.*

Кодекснинг 211-моддасида жавобгар зиммасига муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қарорига қўйилган талаблар тўғрисида сўз юритилган.

Унга кўра, суд жавобгар зиммасига мол-мулк ёки пул бериш билан боғлиқ бўлмаган муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қароридан, агар жавобгар ҳал қилув қарорини белгиланган муддатда бажармаса, даъвогар бу ҳаракатларни жавобгарнинг ҳисобидан бажариб, қилган харажатларини кейинчалик жавобгардан ундириб олишга ҳақлидир, деб кўрсатиши мумкин. Агар мазкур ҳаракатлар фақат жавобгар томонидан бажарилиши мумкин бўлса, суд ҳал қилув қароридан уни бажариш лозим бўлган муддатни белгилаб қўяди.



Ҳал қилув қарорларининг дарҳол ижро этилиши масалалари Фуқаролик процессуал кодекснинг 219, 220-моддаларида белгиланган.

Бунда, 219-моддада кўрсатиб ўтилган ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилиши шартлиги белгиланган бўлиб, мазкур масалани ҳал этиш суднинг эхтиёрига боғлиқ эмас.

Кодекснинг 220-моддасида эса кўрсатиб ўтилган ҳал қилув қарорларининг дарҳол ижро этилишига йўл қўйиш суднинг ҳуқуқи эканлиги белгиланган.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этилиши қарорнинг хулоса қисмида кўрсатилиши лозим.

Бу борада Пленум ўз қарорида тушунтиришлар берган бўлиб, унга кўра, ҳал қилув қарори ФПКнинг 219, 220-моддаларида белгиланган ҳолларда дарҳол ижро этилади, бу ҳақда ҳал қилув қарорида тегишли кўрсатма баён қилинади (қарорнинг 11-банди).

### **1.3. СИРТДАН ЧИҚАРИЛГАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Замонавий қонунчиликда сиртдан иш юритиш нормаларини пайдо бўлиши кўпинча жавобгарнинг суд мажлисига келмаслиги сабабли ишни чўзилиши билан тушунилади. Жавобгар бундай ҳаракатлари билан ўзининг ҳуқуқларини суистеъмол қилади ва бунда суд ҳар доим ҳам тарафларнинг ҳуқуқларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ҳал қилув қарор қабул қила олмайди.

Ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг суд мажлисига келмаслиги сиртдан иш юритиш тартибида ишни кўриш учун асос бўлмайди.

Сиртдан иш юритиш тартибида иш кўриш асослари бўлиб:

- Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаганлиги;
- Ишда иштирок этувчи даъвогарнинг ишни жавобгарнинг иштирокисиз кўрилишига эътирози йўқлиги ҳисобланади.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори оддий ҳал қилув қароридан мазмуни жиҳатидан фарқ қилмайди. Бироқ чиқарилган ҳал қилув қарорининг номида сиртдан чиқарилганлиги ва хулоса қисмида бу ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш ҳақида ариза бериш муддати ва тартиби кўрсатилган бўлиши лозим.

Фуқаролик иши кўрилишида жавобгар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган бўлсада, ҳозир бўлмаганлиги сабабли, ФПКнинг 224-моддасига мувофиқ иш унинг иштирокисиз сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши ҳақида ажрим чиқарилганлиги ҳал қилув қарорининг баён қисмида акс эттирилиши лозим.



Қайд этиш лозимки, ФПКнинг 226-моддаси 2-қисмига кўра, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилганида даъвонинг асоси ёки предмети ўзгартирилиши ёки даъво талабларининг миқдори кўпайтирилиши мумкин эмас.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг баён қисмида суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаганлиги, даъвогар эса ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўришга эътироз билдирмаганлиги акс эттирилиши лозим.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалар, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилмоғи лозим.

Эътиборда тутиш лозимки, Кодекснинг 226-моддасига мувофиқ, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилганида суд ишда мавжуд далилларни текшириш билан кифояланади, ишда иштирок этувчи шахсларнинг важ ва илтимосларини эътиборга олиб, ҳал қилув қарори чиқаради.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суднинг арз қилинган талабларни қаноатлантириш ёхуд бутунлай ёки қисман рад этиш тўғрисидаги хулосаси, суд харажатларининг тақсимланиши, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби, сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш ҳақида ариза бериш муддати ва тартиби кўрсатилган бўлиши лозим.

Фуқаролик процессуал кодексининг 229-моддасига биноан суд мажлисига келмаган жавобгар сиртдан ҳал қилув қарори чиқарган судга шу ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин ўн беш кун ичида уни қайта кўриш ҳақида ариза беришга ҳақлидир.

Агар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза юқорида қайд этилган муддат ўтказиб юборилиб берилган бўлса, ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклаш тўғрисида ариза тақдим этилиши мумкин.

Кодекснинг 234-моддасига биноан, агар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриш вақтида суд тарафнинг суд мажлисига келмаганлигига узрли сабаблар борлигини ва бу ҳақда судни ўз вақтида хабардор қилиш имконияти бўлмаганлигини ҳамда тараф сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далилларни тақдим қилаётганини аниқласа, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ишни мазмунан кўриш тикланиши лозим.





**II-ҚИСМ**  
**СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ**



## 2.1. ОИЛА НИЗОЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА

### 2.1.1. Суд тартибида оталикни белгилаш ҳамда оталик фактини белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни кўриш жараёнида суд бундай ишларга даъво муддати жорий қилинмаслигига ва даъвогар бола туғилгандан сўнг исталган вақтда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигига эътибор қаратиши лозим.

Шунингдек, суд Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 62-моддасига, Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги “Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги қарорининг талабларига асосланиб, иш бўйича тўпланган далилларга ҳамда суд-тиббий ва одам ДНКси бўйича суд-биологик экспертизасининг хулосасига таянган ҳолда қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарорини чиқариши лозим.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни ҳал этишда судлар даъвогар ва жавобгарнинг бола туғилгунига қадар ёки туғилгандан кейин умумий рўзғор юритганлиги, болани биргаликда тарбиялаганликлари, бўлажак фарзанднинг оталигини ёки туғилган фарзанднинг оталигини тан олганлиги ҳақидаги ҳамда унинг томонидан бериб турилган моддий ёрдам ва бошқа далиллар мавжудлигига тегишли ҳуқуқий баҳо беришлари керак.

Оталикни белгилаш шартлари, тартиби ва ҳуқуқий оқибатлари қонун билан белги-ланганлиги сабабли суд бундай иш бўйича келишув битимини тасдиқлашга ҳақли эмас.

Пленум қарорининг 20-бандидаги тушунтиришларига мувофиқ, оталикни, оталикни тан олиш фактини, оталик фактини белгилашга оид ҳал қилув қарор-лари суд томонидан ҳар томонлама текширилган ва арз қилинган талабларни тасдиқловчи ёки инкор этувчи маълумотларга асосланган бўлиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида оталикни белгилашни қайд қилиш учун зарур бўлган маълумотлар (отанинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг туғилган куни, ойи, йили ва туғилган жойи, миллати, доимий яшаш ва иш жойи) кўрсатилиши лозим.

Оталикни белгилаш ҳақидаги даъво аризаларидан давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги қарори 1-қисми “д” банди талабига мувофиқ белгиланади (энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида тўланади).



Оталикни белгилаш даъвоси билан бир вақтда алимент ундириш талаби қўйилган бўлса, даъвогар алимент ундириш талаби бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинади. Даъво қаноатлантирилганда жавобгардан давлат даромадига давлат божи бир йиллик тўловларнинг йиғиндисидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги қарори 1-қисми “а” банди талабига мувофиқ ундирилади, шунингдек жавобгардан даъвогарнинг фойдасига у томонидан оталикни белгилаш даъво талаби бўйича тўланган давлат божи ундирилади.

Оила кодекси 62-моддасининг 5-қисмига кўра, оталикни белгилаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин суд шу қарор нухасини бола туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборади.

Юқорида қайд этилган норма билан ҳал қилув қарорининг ижро этиш тартиби ва муддати белгиланганлиги сабабли қарорнинг нухаси боланинг туғилганлиги давлат томонидан рўйхатга олинган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборилиши ҳақида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида кўрсатиб ўтиш лозим.



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Оталикни белгилаш ва алимент  
ундириш тўғрисида ҳал қилув  
қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил январь ойининг 6 куни фукаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг ёпиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья Г. Ибодов,

А. Фозиловнинг котиблигида, прокурор катта ёрдамчиси К. Даминов ва даъвогарнинг иштирокида, даъвогар Шохиста Шукуровна Нуралиеванинг жавобгар Азиз Ражабович Турсуновга нисбатан оталикни белгилаш ва алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича кўзгатишган фукаролик ишини кўриб чикиб, қуйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Ш. Нуралиева судга жавобгар А. Турсуновга нисбатан оталикни белгилаш ва алимент ундириш тўғрисидаги даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда 2009 йил январь ойида жавобгар билан шаръий никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, 2010 йил 25 майда туғилган Адиз исмли фарзанди борлигини, ўртадаги уруш-жанжаллар натижасида жавобгар ҳомиладорлик вақтида 2010 йил январда уни ота-онасининг уйига ташлаб кетганлигини, жавобгар фарзандини таъминоти учун моддий ёрдам бермаётганлигини кўрсатиб, оталикни белгилашни ва бола таъминоти учун алимент ундиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар Ш. Нуралиева даъво талабини қувватлаб, уни тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар А. Турсуновнинг рўйхатдаги манзилда яшамаётганлиги ва унинг яшаш манзили номаълумлиги сабабли уни судга чақириш имкони бўлмади. Шу сабабли суд ФПКнинг 139-моддасига асосан ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд даъвогарнинг тушунтиришини, прокурорнинг фикрини, гувоҳнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 62-моддасининг 1-қисмига кўра ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, ушбу Кодекснинг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибида белгиланиши мумкин.

Мазкур модданинг 3-қисмига кўра, оталикни белгилаётганда суд боланинг онаси бола туғилишига қадар жавобгар билан бирга яшаганлиги ва умумий рўзғор юритганлиги ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликларини ёки жавобгарнинг оталикни тан олганлигини аниқ тасдиқловчи бошқа далилларни эътиборга олади.

Суд мажлисида аниқланишича, тарафлар 2009 йил 20 январда қонуний никоҳдан ўтмасдан турмуш қуриб, 2010 йил январига қадар эр-хотин бўлиб бирга яшаб, умумий рўзғор юритиб келганлар.

Ўзаро келишмовчиликлар сабабли Ш. Нуралиева 2010 йилнинг январидан ота-онасининг уйида яшаб келади. 2010 йил 25 майда унинг Адиз исмли фарзанди туғилган.

Иш материалларига қўшилган Миробод туман ФХДЁ бўлими томонидан 2010 йил 28 майда берилган ТО 566311-сонли гувоҳномада 2010 йил 25 майда туғилган Адиз Азизович Нуралиевнинг отаси деб Нуралиев Азиз Ражабович, онаси деб Нуралиева Шохиста Шукуровна кайд этилган.

Жавобгар фарзандини моддий таъминлашдан бош тортаётганлиги сабабли даъвогар оталикни белгилаш ва алимент ундириш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилган.

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Д. Турсунова даъвогар унинг собиқ келини бўлишини, ўғли 2009 йилда даъвогар билан қонуний никоҳдан ўтмасдан турмуш қурганлигини, уларнинг турмушидан бир нафар Адиз исмли фарзандлари борлигини, ўғли 2010 йил февралда Россия давлатига ишлашга кетганлигини, ўғлининг яшаш ва иш жойини аниқ билмаслигини кўрсатди.

Суд иш бўйича тўпланган далилларга, судга тақдим этилган фотосуратлар ҳамда жавобгарнинг онаси гувоҳ Д. Турсунованинг вояга етмаган Адиз Нуралиевни невараси сифатида тан олганлигига ҳуқуқий баҳо бериб, тарафлар 2009 йилда қонуний никоҳдан ўтмасдан эр-хотин бўлиб яшаганликлари, 2010 йилда туғилган Адиз — Азиз Турсуновнинг фарзанди эканлиги судда ўз тасдиғини топди деган хулосага келиб, даъвонинг шу қисмини қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 96-моддасининг 1, 2-қисмларига кўра, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот



бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига асосан алимент ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 99-моддасига кўра, агар вояга етмаган боласига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, унинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир қисми миқдорида ундирилади. Ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Мазкур қонун талабларидан келиб чиқиб, жавобгар вояга етмаган фарзандининг таъминоти учун моддий ёрдам бермаётганлиги инобатга олиб, суд даъвогарнинг алимент ундириш ҳақидаги даъвосини ҳам қаноатлантиришни лозим деб топади.

Суд жавобгардан давлат божини ундириш масаласини ҳал этишда унинг иш ҳақи ва даромадини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаганлигини, бундай ҳолатда вилоят статистика бошқармаси томонидан берилган маълумотга кўра ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 450 000 сўмни ташкил қилишидан келиб чиқиб, жавобгардан 135 000 сўм давлат божини ундиришни лозим топади.  $(450\ 000 : 4 = 112\ 500 \text{ алим. х } 12 \text{ ой} = 1\ 350\ 000 \times 10\% = 135\ 000 \text{ сўм})$ .

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Шохиста Шукуровна Нуралиеванинг жавобгар Азиз Ражабович Турсуновга нисбатан оталикни белгилаш ва алимент ундириш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

2010 йил 25 майда туғилган Адиз Азизович Нуралиевга нисбатан 1983 йил 16 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 2-уй, 3-квартирада яшовчи Азиз Ражабович Турсуновнинг оталиги белгилансин.

Жавобгар Азиз Ражабович Турсуновдан 2010 йил 25 майда туғилган фарзанди Адизнинг таъминоти учун Шохиста Шукуровна Нуралиеванинг фойдасига 2012 йил 1 январдан бошлаб, фарзанди вояга етгунигача қадар ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида, лекин қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаган миқдорда алимент ундирилсин.





## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Оталик фактини белгилаш  
тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг  
намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2013 йил июнь ойининг 7 куни фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья Д. Самиев,

А. Фузаиловнинг котиблигида, тарафлар иштирокида, аризачи Нина Елисееванинг оталик фактини белгилаш ҳақидаги аризаси бўйича кўзгатишган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Аризачи Н. Елисеева судга ариза билан мурожаат қилиб, Н. Борисов билан никоҳ муносабатда бўлганлигини, биргаликдаги турмушларида 1998 йил 14 октябрда ўғли Сергей туғилганлигини, Н. Борисов фарзандини тан олиб, ғамхўрлик қилиб, оталик мажбуриятларини бажариб келганлигини, 2012 йил 25 ноябрда Н. Борисов вафот этганлигини, hozirda фарзандига боқувчисини йўқотганлиги учун нафақа олмокчилигини билдириб, марҳум Н. Борисовнинг ўғли Сергей Борисовга нисбатан оталик фактини белгилашни сўраган.

Суд мажлисида аризачи Н. Елисеева талабларини қувватлаб, марҳум Н. Борисов билан 1995 йилдан бошлаб никоҳ муносабатида бўлганлиги, 1998 йил октябрда фарзанди туғилганлиги, турмуш ўртоғи хизмат сафарида бўлганлиги сабабли ўғлининг фамилияси ўзининг фамилияси бўйича эзилганлиги, Н. Борисов ўғлини тан олиб, ғамхўрлик қилганлиги ҳақида тушунтиришлар берди.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Зангиота туман бўлими вакили М. Ёқубова, иш бўйича мутахассис сифатида сўроқ қилиниб, оталик факти белгиланган тақдирда Н. Борисовнинг фарзандига боқувчисини йўқотганлик учун нафақа тайинланиши мумкинлигини билдириб, аризанинг ҳал қилинишини суднинг ихтиёрига қолдирди.

Суд тарафларнинг тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантириш лозим деб ҳисоблайди.





Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 62-моддасининг 4-қисмига кўра, боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталик факти суд томонидан белгиланиши мумкин.

Судда аниқланишича, аризачи Н. Елисеева Н. Борисов билан 1995 йилдан буён никоҳ муносабатда бўлиб, Н. Борисовнинг вафотига қадар, яъни 2012 йил 5 ноябрга қадар бирга яшашган. Биргаликдаги турмушларидан 1998 йил 14 октябрда туғилган ўғли Сергей бор. Боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасида отаси деб Николай Сергеевич Елисеев қайд этилган.

Аризачининг тушунтиришларига кўра, ўғли туғилганида Н. Борисов хизмат сафарига бўлиб, никоҳлари қайд этилмаганлиги сабабли боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси онасининг аризасига асосан онасининг фамилияси бўйича берилган. Бу ҳолат 3666-сонли далолатнома ёзуви билан ҳам тасдиқланади. Бунда далолатнома ёзувининг боланинг отаси сатрида Н. Борисовнинг исми-шарифи, яъни “Николай Сергеевич” қайд этилган.

Суд мажлисида сўралган гувоҳлар С. Борисов ва Г. Борисовалар мархум Н. Борисовнинг ота-онаси бўлишларини, аризачи Н. Елисеева келинлари бўлиб, ўғиллари билан бирга яшаганлигини, уларнинг бир нафар фарзандлари Сергей борлигини, Н. Борисов ўғлини тан олиб, барча оталик мажбуриятларини бажариб келганлигини, ўғилларининг бошқа оиласи ёки фарзанди бўлмаганлигини, Сергей уларга неvara бўлишини билдириб, кўрсатувлар беришди.

Олий суд Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги “Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги қарорининг 18-бандига кўра, 1968 йил 1 октябрдан кейин туғилган болаларга нисбатан оталик факти ОК 62-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шартлардан ҳеч бўлмаганда биттасини ишончли тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлгандагина белгиланиши мумкин.

Бундай ҳолатда, суд гувоҳларнинг кўрсатувлари, иш ҳужжатларига қўшилган фотосуратлар ҳамда бошқа ҳужжатлар билан мархум Н. Борисовнинг С. Борисовга нисбатан оталиги ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 283-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий, мулкӣ ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки тугашига сабаб бўладиган фактларни суд аниқлайди.



Н. Елисеева ўз аризасида ҳамда суд мажлисида оталик фактини белгилаш боласига боқувчисини йўқотганлик учун нафақа олиш учун кераклиги ҳақида тушунтириш берди.

Суд Н. Борисов фарзанди С. Борисовга нисбатан оталиги тасдиқланганлиги ҳамда мазкур фактни белгилаш С. Борисовнинг мулкый ҳуқуқларини вужудга келишига сабаб бўлишини инобатга олиб, аризачининг важлари асослилиги ҳақида хулосага келди.

Баён қилинганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206, 285-моддаларини қўллаб, суд

#### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Аризачи Нина Елисееванинг аризаси қаноатлантирилсин.

1962 йил 16 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати рус, 2012 йил 25 ноябрда вафот этган Николай Сергеевич Борисовнинг 1998 йил 14 октябрда туғилган ўғли Сергей Николаевич Елисеевга нисбатан оталик факти белгилансин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи      имзо:      Д. Самиев



## **2.1.2. Ота-она ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқи ва мажбуриятлари ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар**

Ота-онанинг вояга етмаган болаларига алимент ундириш ҳақидаги ишлар юзасидан шуни назарда тутиш керакки, Оила кодексининг 99-моддасига мувофиқ, алимент миқдори ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг муайян қисмида, яъни 1/4, 1/3, 1/2 қисмида белгиланади.

Қонун нормасида вояга етмаган болаларга ундирилаётган алимент миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, бу ҳолатда ҳам камайтирилган ёки кўпайтирилган алимент миқдори иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромаднинг муайян қисмида белгиланади (фоизда эмас).

Бундан ташқари, Кодекснинг қатор нормаларида алиментни қатъий суммада белгиланиши назарда тутилган (масалан, ота-онанинг вояга етган болаларига алимент тўлаши, алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса ёхуд даромадининг бир қисмини натура тарзида оладиган бўлса, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг ота-онасига таъминот бериши ҳолатлари).

Оила кодексининг 144-моддаси 2-қисмига мувофиқ, қатъий суммада ундирилаётган алиментларни индексация қилиш мақсадида алиментнинг миқдори суд томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг муайян қисмига мос равишда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Қайд қилинганларга кўра, суд алиментни қатъий суммада ундирилиши ҳақида қарор қабул қилишида, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида шу суммани аниқ сўм шаклида (масалан, 150 000 сўм, 200 000 сўм) эмас, балки энг кам ойлик иш ҳақининг муайян қисмига мос равишда (масалан, энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 ёки 2,1 бараваридаги миқдорда) ундирилишини кўрсатиши лозим.

Оила кодексининг 136-моддасига мувофиқ, алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилади. Агар таъминот учун маблағ олиш чоралари судга мурожаат қилингунга қадар кўрилганлиги, аммо алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг уни тўлашдан бош тортганлиги оқибатида алимент олинмаганлиги суд томонидан аниқланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб уч йиллик муддат доирасида ундириб олиниши мумкин.



Шунга кўра, суднинг ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида алиментни қайси санадан ундирилиши кўрсатилиши лозим.

Назарда тутиш керакки, мазкур қонун талаби фақатгина алимент ундирилишида қўлланилади. Алимент миқдорини камайтириш, алимент тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги талаблар бўйича суд қарорида қайси вақтдан бошлаб алимент миқдори ўзгариши ёки тўлашдан озод қилиниши кўрсатилмайди ва алиментнинг янги миқдорда ундирилиши суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан ҳисобланади. Шунингдек, алимент тўлашдан озод қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан алимент ундирилиши тугатилади.

Алиментлар ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилиши сабабли суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида алимент ундириш қисми дарҳол ижрога қаратилишини кўрсатиши лозим.

Шуни назарда тутиш керакки, болаларнинг таъминоти учун қилинадиган қўшимча харажатларни ундириш, алимент миқдорини камайтириш, алимент тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилиши ФПКда белгиланмаган ва бундай қарорлар умумий асосларда ижро қилинади.

Алимент ундириш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилганда жавобгардан давлат божи бир йиллик тўловларнинг йиғиндисига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги қарори 1-қисми “а” банди талабига мувофиқ белгиланади (ЎЗР ФПК 105-м 4 б.).



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Бошқа-бошқа ота-онадан туғилган  
вояга етмаган болалар учун суднинг  
бир неча қарорларига асосан  
ундирилаётган алимент миқдорини  
камайтириш тўғрисидаги ҳал қилув  
қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2011 йил октябрь ойининг 10 куни фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик этувчи судья Н. Алиев,

Ф. Аликуловнинг котиблигида, тарафлар иштирокида, даъвогар Рашид Абдуғаниевич Хакимовнинг жавобгарлар Нодира Равшановна Авазова ва Гулсара Омоновна Султановаларга нисбатан алимент миқдорини камайтириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича кўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, куйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Р. Хакимов жавобгарлар Н. Авазова ва Г. Султановаларга нисбатан алимент миқдорини камайтириш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, унда фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2005 йил 15 августдаги суд буйруғига асосан

2005 йил 20 июнда туғилган фарзанди Нигорахоннинг таъминоти учун жавобгар Н. Авазованинг фойдасига ойлик маошининг 1/4 қисми миқдоридан алимент ундирилаётганлигини, бундан ташқари фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2011 йил 7 февралдаги суд буйруғига асосан Г. Султанова фойдасига 2006 йил 1 майда туғилган қизи Райхона ва 2010 йил 4 июлда туғилган қизи Олияларнинг таъминоти учун ойлик иш ҳақининг 1/3 қисми миқдоридан алимент ундирилганлигини, ундан ундирилаётган алиментнинг умумий миқдори ҳар ойлик иш ҳақининг ярмидан кўп қисмини ташкил қилаётганлигини кўрсатиб, ўзидан ундирилаётган алимент миқдорини камайтиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар Р. Хакимов даъво аризасини қувватлаб, суддан даъвони қаноатлантиришни сўради.



Суд мажлисида жавобгар Н. Авазова даъвои тан олмасдан, даъвогар Р. Ҳақимов собиқ турмуш ўртоғи бўлишини, қизи Нигорахоннинг таъминоти учун 2005 йилдан бошлаб даъвогарнинг ойлик иш ҳақининг 1/4 қисми миқдорида алимент олиб келаётганлигини, охириги маротаба 796 090 сўм алимент олганлигини, фарзандига ҳар ой 700 000 сўмга яқин харажат қилишлигини, алимент миқдорини камайтиришга қарши эканлигини, сабаби тўлаётган алимент миқдори камайтирилса, боласининг эҳтиёжлари учун етмаслигини кўрсатиб, суддан даъво аризани рад этишни сўради.

Жавобгар Г. Султанова ҳам даъвои тан олмасдан, икки нафар фарзанди таъминоти учун ундирилиши лозим бўлган алимент миқдори камайтирилишига қарши эканлигини баён қилиб, даъвои рад этишни сўради.

Суд тарафларнинг кўргазмаларини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қаноатлантириш лозим деб ҳисоблайди.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2005 йил 15 августдаги суд буйруғи билан даъвогар Р. Ҳақимовдан Н. Авазованинг фойдасига 2005 йил 20 июнда туғилган Нигорахон исмли фарзанди вояга етгунга қадар ҳар ойлик даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундирилган.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2011 йил 7 февралдаги суд буйруғига асосан Г. Султанованинг фойдасига 2006 йил 1 майда туғилган Райхона ва 2010 йил 4 июлда туғилган Олия исмли фарзандларининг таъминоти учун улар вояга етгунга қадар ҳар ойлик даромадларининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундирилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 115-моддасининг 1, 2-қисмларига кўра, бошқа-бошқа ота-онадан туғилган вояга етмаган болалар учун суднинг бир неча ҳал қилув қарорларига асосан бир ота (она)дан ундирилаётган алиментнинг умумий миқдори ушбу Кодекснинг 99-моддасида назарда тутилган миқдордан ошиб кетса, алимент тўловчи ота (она) алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори ёки суднинг буйруғи кимнинг фойдасига чиққан бўлса, ўша шахсларнинг ҳар бирига нисбатан алиментнинг миқдорини тегишинча камайтириш тўғрисида даъво тақдим этиши мумкин.

Шу Кодекс 99-моддасининг 1-қисмига кўра, агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун -тўртдан





## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Фарзанд таъминоти учун қилинган  
қўшимча харажатларни ундиришни  
рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув  
қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2011 йил июль ойининг 12 куни фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья И. Ақромов,

Ф. Азизходжаевнинг котиблигида, тарафлар иштирокида, даъвогар Адила Жўраевна Мирхакимованинг жавобгар Жўра Қаҳромонovich Абдуллаевга нисбатан қўшимча харажатлар учун пул маблағини ундириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, куйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар А. Мирхакимова жавобгар Ж. Абдуллаевга нисбатан қўшимча харажатлар учун пул маблағини ундириш тўғрисидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2009 йил 10 августдаги ҳал қилув қарорига асосан 2008 йил 3 сентябрда туғилган фарзанди Маликанинг таъминоти учун Ж. Абдуллаевдан ўзининг фойдасига 2009 йил 29 июлдан бошлаб фарзанди вояга етгунига қадар ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундирилганлигини, Ж. Абдуллаевдан 2009 йил 10 августдан 2009 йил ноябрь ойигача алимент олганлигини, 2009 йил декабрь ойдан жавобгар алимент тўламай қўйганлигини, шунингдек, фарзанди Малика учун бир ойда 91 000 сўмга қўшимча овқат ва гигиена предметини сотиб олишини, қайнонаси ўзига тегишли мол-мулкларни бермаётганлигини, шу сабабли ўзи ва фарзанди учун фаслга қараб кийим-кечак ва оёқ кийим учун 200 000 сўм сарфлашини, ҳозирги кунда ҳеч қаерда ишламаётганлиги, бир ойда ўртача 300 000 сўм харажат қилишини кўрсатган.

Кейинчалик даъвогар А. Мирхакимова судга ариза билан мурожаат қилиб, унда даъво талабларини ўзгартиришини, фарзандига озик-овқат,







59-моддасига кўра, қонун бўйича ишнинг муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши лозим бўлган ҳолатларни бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқлаш мумкин эмас.

Судга даъвогар А. Мирҳакимова фарзанди Маликанинг таъминоти учун фавқулодда ҳолатлардан келиб чиқадиган харажатларни қилганлигини тасдиқловчи далилларни тақдим эта олмади.

Шунингдек, суд жавобгар суднинг қарорига асосан алимент мажбуриятларини бажараётганлиги, ҳозирги кунда фарзанднинг таъминоти учун қўшимча харажатлар қилинмаганлигини инобатга олиб даъво талабини рад этиш лозим деб топади.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Адила Жўраевна Мирҳакимованинг жавобгар Жўра Қаҳромонвич Абдуллаевга нисбатан фарзандининг таъминоти учун қўшимча харажатларни ундириш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:      имзо      И. Ақромов



### **2.1.3. Эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар**

Оила кодексининг 117, 118-моддаларида эр-хотиннинг бир-бирига таъминот бериш мажбуриятлари, никоҳдан ажралганидан кейин собиқ эр (хотин)нинг таъминот олиш ҳуқуқи каби ҳолатлар белгиланган.

Кодекснинг 119-моддасига мувофиқ, эр-хотин (собиқ эр-хотин) ўртасида алимент тўлаш тўғрисида келишув мавжуд бўлмаган ҳолларда эр ёки хотинга (собиқ эр ёки хотинга) суд тартибида ундириб бериладиган алимент миқдори суд томонидан эр ёки хотиннинг (собиқ эр ёки хотиннинг) моддий ва оилавий аҳволини ҳамда тарафларнинг эътиборга лойиқ бошқа манфаатларини эътиборга олиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади, бироқ бу сумма қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги лозим.

Бунда, Оила кодексининг 144-моддаси 2-қисмига мувофиқ, қатъий суммада ундириладиган алиментларни индексация қилиш мақсадида алиментнинг миқдори суд томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг муайян қисмига мос равишда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Қайд қилинганларга кўра, суд алиментни қатъий суммада ундирилиши ҳақида қарор қабул қилишида, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида шу *суммани аниқ сўм шаклида (масалан, 150 000 сўм, 200 000 сўм) эмас, балки энг кам ойлик иш ҳақининг муайян қисмига мос равишда (масалан, энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 ёки 2,1 бараваридаги миқдорда) ундирилишини кўрсатиши лозим.*

Оила кодексининг 136-моддасига мувофиқ, алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилади. Агар таъминот учун маблағ олиш чоралари судга мурожаат қилингунга қадар кўрилганлиги, аммо алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг уни тўлашдан бош тортганлиги оқибатида алимент олинмаганлиги суд томонидан аниқланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб уч йиллик муддат доирасида ундириб олиниши мумкин.

Шунга кўра, суднинг ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида алиментни қайси санадан ундирилиши кўрсатилиши лозим.

Назарда тутиш лозимки, Кодекснинг 120-моддасига кўра, моддада белгиланган ҳолатларда суд таъминот бериш мажбуриятини муайян муддат билан чеклаб қўйиши мумкин.



Бундай ҳолатларда суднинг ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида алиментни қайси санагача ундирилиши кўрсатилиши лозим.

Алиментлар ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилиши сабабли, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида алимент ундириш қисми дарҳол ижрога қаратилишини кўрсатиши лозим.

Алимент ундириш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилганда жавобгардан давлат божи бир йиллик тўловларнинг йиғиндисига қараб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги қарори 1-қисми “а” банди талабига мувофиқ белгиланади (ЎзР ФПК 105м 4б.).



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Фарзанд таъминоти учун қилинган қўшимча харажатларни ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил январь ойининг 17 куни фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик этувчи судья А. Г. Иброҳимов,

А. Базаровнинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида даъвогар Хуршида Иминжон кизи Абдурахмонованинг жавобгар Бахтиёр Тахирович Абдурахмоновга нисбатан бола уч ёшга тўлгунига қадар ўзининг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича кўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, куйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Х. Абдурахмонова жавобгар Б. Абдурахмоновга нисбатан бола уч ёшга тўлгунга қадар ўзининг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиб, жавобгар Б. Абдурахмонов билан 2010 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, биргаликдаги турмушларидан бир нафар 2011 йил 29 июнда туғилган Асадбек исмли фарзандлари борлигини, тарафлар ўзаро келишмовчиликлар сабабли 2011 йил сентябрдан буён бирга яшамаётганликларини, жавобгар фарзандига моддий ёрдам бермаслигини, фарзандини соғлиги яхши эмаслигини, моддий жиҳатдан қийналганини билдириб, даъво талабларини қаноатлантиришни ҳамда жавобгар Б. Абдурахмоновдан 2011 йилда туғилган Асадбек исмли фарзанди уч ёшга тўлгунига қадар ҳар ойда қатъий суммада 300 000 сўм миқдоридан алимент ундириб беришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар Х. Абдурахмонова даъво аризасини қувватлаб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар Б. Абдурахмонов даъвони қисман тан олиб, ҳақиқатан даъвогар Х. Абдурахмонова билан 2010 йил 28 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб, оила қурганликларини ва ўзаро турмушларидан бир нафар фарзандлари борлигини, ўзаро келишмовчиликлар



сабабли бирга яшамасликларини, даъвогарнинг таъминоти учун ҳар ойда 60 000 сўмдан алимент тўлай олишини кўрсатиб, суддан даъвони қисман қаноатлантиришни сўради.

Суд тарафларнинг кўргазмаларини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қисман қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Аниқланишича, Б. Абдурахмонов ва Х. Худайбердиева 2010 йил 28 сентябрда Тошкент шаҳар Бектемир тумани ФХДБ бўлимида 172-сон билан қайд қилинган далолатнома ёзувига асосан қонуний никоҳдан ўтиб, оила қурганлар.

Биргаликдаги турмушларидан 2011 йил 29 июнда туғилган Асадбек Тахиров исмли фарзандлари бор.

Ўзаро келишмовчиликлар сабабли тарафлар бугунги кунда бирга яшамайдилар ва умумий рўзғор юритмайдилар. Жавобгар Б. Абдурахмонов оиласининг таъминоти учун моддий ёрдам кўрсатмаганлиги боис, даъвогар судга мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 117-моддасига кўра, эр-хотин бир-бирига моддий ёрдам бериши шарт. Бундай ёрдам беришдан бош тортилган тақдирда, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин, шунингдек хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида, ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болалиқдан 1 гуруҳ ногирони бўлган ўртадаги болага қараган ёрдамга муҳтож эр (хотин) ёрдам беришга қодир бўлган хотин (эр) дан суд тартибида таъминот (алимент) олиш ҳуқуқига эга.

Б. Абдурахмоновнинг иш жойи “Оловдан кучли” МЧЖдан талаб қилиб олинган маълумотномага кўра, унинг ўртача ойлик иш ҳақи 400 000 сўмни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 144-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, қатъий суммада ундириладиган алиментларни индексация қилиш мақсадида алиментнинг миқдори суд томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг муайян қисмига мос равишда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Суд жавобгарнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори, боланинг моддий таъминоти учун тўланадиган алимент миқдори иш ҳақининг 1/4 миқдорини ташкил қилишини инобатга олиб, даъво аризани қисман қаноатлантиришни ҳамда Б. Абдурахмоновдан Х. Абдурахмонова фойдасига 2011 йил 29 июнда туғилган А. Тахиров исмли фарзанди уч ёшга тўлгунга қадар 2011 йил 16 декабрдан бошлаб ҳар ойда





## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Қатъий суммада белгиланган алимент миқдорини камайтириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил май ойининг 4 куни фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья Х. Хошимов,

Д. Абдуқодировнинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида, даъвогар Азиз Рустамович Азимовнинг жавобгар Нигора Юлдашевна Азимовага нисбатан алимент миқдорини камайтириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, куйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар А. Азимов жавобгар Н. Азимовага нисбатан алимент миқдорини камайтириш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, унда фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судининг 2011 йил 15 ноябрдаги суд буйруғига асосан 2011 йил 10 майда туғилган фарзанди Асадбекнинг таъминоти учун жавобгар Н. Азимованинг фойдасига ойлик маошининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундирилаётганлигини, бундан ташқари фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судининг 2011 йил 24 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан Н. Азимованинг фойдасига фарзанди уч ёшга тўлгунга қадар ҳар ой энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида алимент ундирилганлигини, ҳозирда иш жойи ўзгариб, иш ҳақидан 280 000 сўм алимент ундирилаётганлигини, ундирилаётган алиментнинг умумий миқдори ҳар ойлик иш ҳақининг ярмидан кўп қисмини ташкил қилаётганлигини кўрсатиб, ундирилаётган алимент миқдорини камайтиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар А. Азимов даъво аризасини қувватлаб, суддан даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар Н. Азимова даъвони тан олмасдан, даъвогар А. Азимов собиқ турмуш ўртоғи бўлишини, ўғли Асадбекнинг





таъминоти учун 2011 йилдан бошлаб даъвогарнинг ойлик иш ҳақининг 1/4 қисми миқдорида алимент олиб келаётганлигини, охириги маротаба 280 000 сўм алимент олганлигини, фарзандига ҳар ой 400 000 сўмга яқин харажат қилишлигини, алимент миқдорини камайтиришга қарши эканлигини, чунки тўлаётган алимент миқдори камайтириши билан боласининг таъминоти ёмонлашишини кўрсатиб, суддан даъво аризани рад этишни сўради.

Суд тарафларнинг кўргазмаларини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қаноатлантириш лозим деб ҳисоблайди.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судининг 2011 йил 15 ноябрдаги суд буйруғи билан даъвогар А. Азимовдан Н. Азимованинг фойдасига 2011 йил 10 майда туғилган Асадбек исмли фарзанди вояга етгунга қадар ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундирилган.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судининг 2011 йил 24 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан А. Азимовдан Н. Азимованинг фойдасига фарзанди уч ёшга тўлгунга қадар ҳар ой энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида алимент ундирилган. Ҳозирда даъвогарнинг иш ҳақидан 280 000 сўм алимент ундирилмоқда.

Даъвогарнинг иш жойи ўзгариб, тақдим қилган ойлик иш ҳақи ҳақидаги маълумотномага кўра, у январь ва февраль ойларида 408 729 сўмдан, март ойида эса 483 898 сўм ойлик иш ҳақи олган.

Бундан кўринадики, унинг ойлик иш ҳақидан 50 фоиздан кўпроқ қисми алимент учун ундирилмоқда.

Шунингдек судда даъвогарнинг оилани ягона боқувчиси эканлиги, ёлғиз онаси ва икки нафар вояга етмаган укаси борлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 146-моддасига кўра, алимент миқдори суд тартибида белгиланганидан кейин тарафлардан бирининг моддий ёки оилавий аҳволи ўзгарса, суд улардан ҳар бирининг талабига кўра алиментнинг белгиланган миқдорини ўзгартиришга ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахсни алимент тўлашдан озод қилишга ҳақли. Алимент миқдорини ўзгартиришда ёки уни тўлашдан озод қилишда суд тарафларнинг эътиборга лойиқ бошқа манфаатларини ҳисобга олишга ҳақли.

Суд юқорида қайд этилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда, даъвогарнинг даъво талабини асосли деб ҳисоблаб, алимент миқдорини камайтиришни лозим топади.



Оила кодекси 144-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, индексация қилиш мақсадида алиментнинг миқдори суд томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг муайян қисмига мос равишда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Мазкур қонун талабларидан келиб чиқиб, суд энг кам иш ҳақи 62 920 сўмни ташкил этишини эътиборга олиб, А. Азимовдан Н. Азимованинг фойдасига 2011 йил 10 майда туғилган Асадбек исмли фарзанди уч ёшга тўлгунига қадар ундирилаётган алимент миқдори камайтириб, энг кам иш ҳақининг 1,2 баравари миқдорида белгилаши лозим эди.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Азиз Рустамович Азимовнинг жавобгар Нигора Юлдашевна Азимовага нисбатан алимент миқдорини камайтириш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Азиз Рустамович Азимовдан Нигора Юлдашевна Азимованинг фойдасига 2011 йил 10 майда туғилган Асадбек исмли фарзанди уч ёшга тўлгунига қадар ундирилаётган алимент миқдори камайрилиб, энг кам иш ҳақининг 1,2 баравари миқдорида ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:                    имзо                    Х. Хошимов



#### **2.1.4. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар**

Оила кодекси 80-моддасининг 3-қисмига мувофиқ ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқилади.

Суднинг ҳал қилув қарорининг баён қисмида прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг тушунтиришлари ва фикри кўрсатилиши керак.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарорининг 17-бандига мувофиқ, суднинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорида болани тарбиялаш учун кимга: бошқа турадиган отаси ёки онасига, васийлик ва ҳомийлик органига ёки у қонунда белгиланган тартибда тайинланган бўлса, васийга (ҳомийга) берилаётганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

Болани бошқа турадиган отаси ёки онасига бериш мумкин бўлмаганида ёки отаси ва онасининг ҳар иккаласи ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолларда (агарда васий ҳали тайинланмаган бўлса) бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига топширилиши керак.

Болани қариндошлари ва бошқа шахсларнинг тарбиясига беришга, агар улар унинг васийлари ёки ҳомийлари қилиб тайинланган бўлсалар йўл қўйилади.

Болани васийлик ва ҳомийлик органларининг қарамоғига топшира туриб, судлар болани жойлаштиришнинг муайян тартибини белгилашга ҳақли эмаслар, чунки бу масала фақат кўрсатилган органларнинг ваколатларига тааллуққидир.

Оила кодекси 80-моддасининг 4-қисмига мувофиқ, суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда боланинг таъминоти учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онадан (уларнинг биридан) алимент ундириш масаласини ҳал қилади.

*Шу модданинг 6-қисмига кўра, суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин уч кун ичида ушбу қарорнинг кўчирмасини боланинг туғилганлиги давлат томонидан рўйхатга олинган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.*

*Юқорида қайд этилган норма билан ҳал қилув қарорининг ижро этиш тартиби ва муддати белгиланганлиги сабабли қарорнинг кўчирмасини боланинг туғилганлиги давлат томонидан рўйхатга олинган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига уч кун ичида юборилиши ҳақида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида кўрсатиб ўтиш лозим.*



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Оталик фактини белгилаш  
тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг  
намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2014 йил август ойининг 22 куни фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья А. А. Рустамов,

К. Исламовнинг котиблигида, Яшнобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси О. Умиров, тарафлар иштирокида, даъвогар Яшнобод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими Васийлик ва ҳомийлик органининг Умида Анваровна Валентинованинг манфаатида жавобгар Анвар Ахрорович Валентиновга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича кўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

#### АНИҚЛАДИ:

Яшнобод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими (ТХТМФМТТЭБ) Васийлик ва ҳомийлик органи Умида Анваровна Валентинованинг манфаатида жавобгар Анвар Ахрорович Валентиновга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва алимент ундириш тўғрисидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, унда фуқаро М. Исхакова уларга ариза бериб, вояга етмаган невараси У. Валентиновани туғилганидан буён боқиб катта қилаётганлигини, унинг онаси О. Валентинова 2005 йил 30 апрелда вафот этганлигини, куёви А. Валентинов эса неварасидан хабар олмаслигини, моддий-маънавий ёрдам кўрсатмаслигини маълум қилганлигини, шундан сўнг жавобгар васийлик ва ҳомийлик органига, маҳаллага чақирилганлигини, бироқ жавобгар вояга етмаган қизининг тақдири билан қизиқмаганлиги сабабли келмаганлигини, ҳозирги кунда 1998 йилда туғилган У. Валентинова отасининг қаровисиз қолганлигини, отаси А. Валентинов эса қизининг тарбияси билан шуғулланмасдан келсада, болага васий тайинлашга ҳам розилик бермаётганлигини баён этганлигини, шу муносабат билан бўлим судга даъво билан мурожаат



қилиб, Анвар Ахрорович Валентиновни 1998 йил 31 августда туғилган Умида Анваровна Валентиновага нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилишни ҳамда ундан вояга етмаган фарзандининг таъминоти учун алимент ундириш сўраган.

Суд мажлисида Яшнобод ТХТМФМТТЭБ Васийлик ва ҳомийлик органи вакили даъвони қувватлаб, суддан даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар А. Валентинов даъво талабини тан олмасдан, Ойша Музафаровна Валентинова билан 1997 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, ўрталарида бир нафар вояга етмаган 1998 йил 31 августда туғилган Умида Анваровна Валентинова исмли фарзанди туғилганлигини, 2005 йил 30 апрелда турмуш ўртоғи вафот этганлигини, шундан кейин фарзандини олиб кетмокчи бўлганлигини, лекин қайнонаси М. М. Исхакова йиғлаб, болани унда қолдиришни сўраганидан кейин фарзандини олиб кетмаганлигини, 2006 йилдан буён фарзандини умуман кўрмаганлигини, уни тарбияси билан шуғулланмаганлигини, моддий ёрдам бермаганлигини, байрам ва туғилган кунда бориб, хабар олмаганлигини, ҳар-хил гап-сўзлар сабабли фарзандидан хабар олмай кўйганлигини, боланинг таъминоти учун пул маблағларини турмуш ўртоғи вафот этгунга қадар уни кўлига берганлигини, буни тасдиқловчи ҳужжатлари йўқолганлигини, ҳозирги кунда бу фарзандига моддий ёрдам бера олмаслигини, сабаби 2003 йилда бошқа оила қурганлигини, ҳозирги кунда шу оиласидан бир ўғли ва бир қизи борлигини, топган маблағини иккинчи турмушига харажат қилишини, келажакда фарзандига ўзи қараб, оталик қилиб, уни ўз тарбиясига олмокчи эканлигини кўрсатиб, суддан даъво талабини рад этишни сўради.

Суд мажлисида учинчи шахс сифатида сўралган М. М. Исхакова даъво талабини қувватлаб, болани васийликка олмокчи эканлигини, қизи 2005 йилда вафот этганлигини, жавобгар бундан олдин ҳам фарзандидан хабар олмаганлигини, жавобгар 2001 йилдан буён фарзандидан хабар олмаслигини, факатгина қизи вафот этган вақтда келганлигини кўрсатиб, суддан даъво талабини қаноатлантиришни сўради.

Тегишли тартибда фикри олинган вояга етмаган У. Валентинова отаси билан муносабат йўқлигини, унинг ҳаёти ва саломатлиги билан отаси умуман қизиқмаслигини билдириб, отасини оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинишига қарши эмаслигини таъкидлади.

Суд тарафларнинг кўрсатмаларини, Яшнобод туман прокурори катта ёрдамчиси О. Умировнинг фикрини тинглаб, фуқаролик иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъвони қаноатлантиришни лозим деб топади.

Суд мажлисида аниқланишича, Анвар Ахрорович Валентинов Ойша Музафаровна Валентинова билан 1997 йил 25 октябрда қонуний никоҳдан



Ўтиб турмуш қурган ва уларнинг турмушларидан 1998 йил 31 августда туғилган Умида Анваровна Валентинова исмли фарзандлари бор.

Ўртадаги ўзаро келишмовчиликлар сабабли А. Валентинов О. Валентинова билан суднинг 2001 йил 17 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан никоҳи бекор қилинган. Мазкур ҳал қилув қароридан кўрсатилишича, тарафлар 1998 йилдан буён бирга яшамаганлар ва вояга етмаган фарзанд онасининг тарбиясида бўлган.

Ойша Музафаровна Валентинова 2005 йил 30 апрелда вафот этган ва унинг вояга етмаган фарзанди бувиси М. М. Исхақованинг қарамоғида қолган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 79-моддасига асосан, ота-она ота-оналик мажбуриятини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарорининг 15-бандида, ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлашлик деганда — ота-оналик бурчларини узлуксиз равишда бажармаслик, ўз болаларига қандай бўлмасин ғамхўрлик қилмаслик тушунилади. Болаларнинг ёшларига қараб ота(она)нинг ҳар бир аниқ ҳолатдаги ҳаракати (харакатсизлиги) бола учун уни ҳалокатга олиб келиши тушунтирилган.

Ота-онанинг ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганликлари уларнинг болаларининг маънавий тарбияси, жисмоний ривожланиши, таълими, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёргарлиги тўғрисида ғамхўрлик қилмаганлигида намоён бўлади.

Суд томонидан аниқланишича, жавобгар А. Валентинов 1998 йил 31 августда туғилган Умида Анваровна Валентинова исмли фарзандидан 2006 йилдан бошлаб умуман хабар олмайди, моддий ёрдам бермайди, фарзандининг тарбиясида иштирок этмайди, унинг маънавий тарбияси, жисмоний ривожланиши, таълими, соғлиғи ва тақдири билан умуман қизиқмайди, унга ғамхўрлик қилмайди.

Мазкур ҳолатлар иш ҳужжатларидаги далиллар, хусусан “А. Навоий” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2014 йил 13 августдаги далолатномаси, 2013 йил 14 декабрдаги маълумотномаси, Яшнобод ТХТМФМТТЭБнинг 2014 йил 27 июлдаги ҳулосаси билан ҳамда тарафларнинг, хусусан жавобгар А. Валентиновнинг судда берган кўрсатмалари билан ўз исботини топди.

Қайд этилган ҳолатлар А. Валентинов фарзанди 1998 йил 31 августда туғилган У. Валентинованинг олдидан ўз оталик мажбуриятларини бажарма-



ганлигидан, унинг иккинчи турмуш куриб, бир ўғил ва бир киз фарзандлик бўлиб, шу оиласи билан бўлиб қолганлигидан ва биринчи турмушидаги фарзанди ҳаёти билан кизиқиши умуман йўқолганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 80-моддасининг 1-қисмига кўра, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади.

Суд юқорида қайд этилган ҳолатларни, А. Валентинов фарзанди олдидаги оталик мажбуриятини бажаришдан бош тортганлиги ҳолатларини баҳолаб, оталиқдан маҳрум қилиш охириги чора ҳисоблансада, бироқ жавобгар узок муддат давомида фарзандига нисбатан оталик бурчларини узлуксиз равишда бажармасдан келаётганлигига ҳуқуқий баҳо бериб, даъво аризани асосли деб ҳисоблайди ҳамда уни қаноатлантириш лозим деган хулосага келади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 81-моддасининг 2-қисмига кўра, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Шу кодекс 99-моддасининг 1-қисмига кўра, агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир қисми, икки бола учун — учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун — ярмиси миқдорида ундирилади.

Ҳозирги кунда вояга етмаган фарзанд бувиси М. Исхақованинг қарамоғида бўлганлиги ва жавобгар фарзандининг таъминоти учун моддий ёрдам бермаётганлиги сабабли суд ундан фарзанди таъминоти учун 2014 йил 6 апрелдан бошлаб жавобгарнинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларидан 1/4 миқдорда алимент ундириш лозим деган хулосага келади. Бунда М. Исхақова боланинг ҳомийси деб тайинланмаганлиги сабабли суд бола номига ҳисоб varaғи очилиши ва ундириладиган алимент шу ҳисоб varaғида жамланиши лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 120-моддасига асосан ишни кўриш билан боғлиқ бўлган ва даъвогар тўлашдан озод қилинган суд чиқимлари ҳамда давлат божи жавобгардан арз қилинган талабларнинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади, ушбу Кодекс 105-моддасининг 4-бандига кўра, алимент ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича бир йиллик тўловларнинг йиғиндисига қараб белгиланади ва даъво баҳоси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат божи ставкалари” 1-қисмининг “а” бандига кўра даъво баҳоси энг кам иш ҳақининг 20 бараваригача бўлганда даъво баҳосининг 5 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.



Ушбу қонун талабига қўра, жавобгарнинг ўртача ойлик иш ҳақи 480 000 сўми ташкил қилиши муносабати билан, ундан ундириладиган давлат божи миқдори 72 000 сўми ташкил қилади.  $(480\ 000 : 4 + 120\ 000 \times 12 \text{ ой} = 1\ 440\ 000 \text{ сўм} \times 5\% = 72\ 000)$

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Яшнобод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими Васийлик ва ҳомийлик органининг Умида Анваровна Валентинованинг манфаатида жавобгар Анвар Ахрорович Валентиновга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

1971 йилда туғилган Анвар Ахрорович Валентиновни 1998 йил 31 августда туғилган Умида Анваровна Валентиновага нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинсин.

1998 йил 31 августда туғилган Умида Анваровна Валентинова Яшнобод туман халқ таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими Васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига топширилсин.

1971 йилда туғилган Анвар Ахрорович Валентиновдан 1998 йил 31 августда туғилган Умида Анваровна Валентинованинг таъминоти учун 2014 йил 6 апрелдан бошлаб вояга етгунига қадар ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундирилсин. Ундирилган алиментлар У. Валентинованинг номига очилган банк ҳисоб varaғида жамлансин.

Ҳал қилув қарорининг алимент ундириш қисми дарҳол ижро этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин уч кун ичида қарорнинг кўчирмаси Умида Анваровна Валентинова туғилганлиги давлат томонидан рўйхатга олинган Яшнобод туман ФХДЁ бўлимига юборилсин.

Жавобгар Анвар Ахрорович Валентиновдан давлат фойдасига 72 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:                      имзо                      А. А. Рустамов





### 2.1.5. Эр ва хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар

Эр ва хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир ишларни кўришда, суд мазкур муносабатлар Оила кодексининг 23–28-моддалари билан тартибга солинганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорининг асослантурувчи қисмида амал қилинган тегишли қонун нормасини кўрсатмоғи лозим.

Шунингдек, эр ва хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 06-сонли қарорининг 19–26-бандларида ёритилган бўлиб, суд ҳал қилув қарорининг асослантурувчи қисмида Пленум тушунтиришларини қоида тариқасида кўрсатмоғи лозим бўлади.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда, суд айрим ҳолларда ОК 28-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ вояга етмаган болалар манфаатларидан ёки эр-хотиндан бирининг эътиборга молик манфаатидан келиб чиқиб, эр ва хотин ҳиссалари тенглиги принциpidан чекинишга ҳақли.

Бунда, Пленум қарорининг 24-бандидаги тушунтиришларига мувофиқ, суд ҳал қилув қарорида умумий мулкда эр ва хотин ҳиссалари тенглиги қоидасидан чекиниш сабабларини баён этиши шарт.

Шуни назарда тутиш керакки, суд мол-мулкни натура тарзида ундириш (мол-мулкни бўлиш) тўғрисида чиқарган ҳал қилув қарорида, агар ҳал қилув қарорини ижро этиш вақтида мазкур мулк нақд бўлмаса, жавобгардан ундириб олиниши лозим бўлган мулк қийматини кўрсатади.

Бўлиниши лозим бўлган мол-мулк қиймати ҳал қилув қарори чиқариладиган кундаги бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Уйнинг қиймати низоли уй турган жойдаги нархдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Эр-хотиндан бирига у ёки бу мулкни асл ҳолида бериш, эр-хотиндан ҳар бирига тегишли бўлган мулкни биргалиқдаги умумий мулк деб топиш, вояга етмаган болалар эҳтиёжи учун олинган нарсаларни эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда ҳисобга олмаслик, эр ва хотин алоҳида яшаган даврда топилган мол-мулкни улардан ҳар бирининг мулки деб топиш тўғрисидаги масалалар бўйича суднинг хулосаси ҳал қилув қарорининг асослантурувчи қисмида кўрсатилиши лозим.



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Уй-жойдан улуш белгилаш  
тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг  
намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил ноябрь ойининг 20 куни фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик этувчи судья Л. Алиева,

Х. Маматов котиблигида, Бекобод шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А. Фозилов, ишончли вакил Ш. Исмоилова ҳамда тарфларнинг иштирокида, даъвогар Ирода Қодировна Мирзаеванинг жавобгар Умид Шокирович Мирзаевга нисбатан уй-жойдан улуш белгилаш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, куйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар И. Мирзаева судга жавобгар У. Мирзаевга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгар билан 2002 йил 12 октябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, биргаликдаги турмушларидан икки нафар фарзандлари борлигини, Бекобод шаҳар, Олмазор кўрғони, 12-уй, 14-квартирада эри билан яшаб келганлигини, ўзаро келишмовчиликлар сабабли жавобгар ушбу квартирадан чиқиб кетганлигини, ҳозирги вақтда фарзандлари билан шу квартирада яшаб келаётганлигини, ушбу квартира биргаликдаги умумий мулк сифатида эрининг номига сотиб олинганлигини кўрсатиб, мазкур квартирадан улушини белгилаб беришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар И. Мирзаеванинг ишончли вакили Ш. Исмоилова даъво талабини қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар У. Ш. Мирзаев даъво талабларини қисман тан олиб, даъво талабларини қонун доирасида ҳал қилишни сўради.

Суд даъвогар вакили, жавобгарнинг тушунтиришларини, Бекобод шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А. Н. Фозиловнинг даъво талабини қаноатлантириш тўғрисидаги фикрини тинглаб, фуқаролик иши



материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Аниқланишича, даъвогар И. Мирзаева жавобгар У. Мирзаев билан 2002 йил 12 октябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган ва биргалликдаги турмушларидан 2 нафар фарзандлари бор.

Уч хонали, яшаш майдони 37,76 кв.метрдан иборат Бекобод шаҳар, Олмазор қўрғони, 12-уйнинг низоли 14-квартираси 2008 йил 2 октябрдаги олди-сотди шартномасига кўра жавобгар У. Мирзаевга тегишли бўлиб, давлат рўйхатидан ўтказилган.

Тарафлар оилавий келишмовчиликлар сабабли 2012 йил 12 январдаги суднинг қарорига кўра никоҳдан ажратилганлар.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 23-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргалликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Шу кодекс 28-моддасининг 1-қисмига кўра, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкдаги улушларини аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Бундай ҳолатда, суд юқоридаги қонун талабига асосан даъвони қаноатлантиришни, эр-хотин ўртасидаги умумий мулк ҳисобланган низоли квартирадан даъвогар И. Мирзаевага унинг ушбу квартирадан 1/2 қисми миқдоридagi улушини белгилаб беришни лозим топади.

Суд квартирадан даъвогарнинг улуши белгилаб берилиши ва унинг мулк ҳуқуқи ТЖБКХда рўйхатдан ўтиши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 207-моддасини қўллаб, даъвогарнинг арз қилган талаблари доирасидан четга чиқишни ва жавобгарнинг ҳам квартирадаги унга тегишли 1/2 қисми миқдоридagi улушини белгилаб беришни лозим топади.

Суд харажатлари масаласини муҳокама қилиб, суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 120-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, жавобгардан давлат божини давлат даромадига ундиришни лозим топади. Бунда, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари тўғрисида”ги қарорининг 1-бандига кўра, У. Мирзаевдан квартиранинг РСЭМ эксперти томонидан баҳоланган нархи 34 984 050 сўмнинг 1/2 қисми 17 492 025 сўмни ташкил қилишини, ушбу суммадан 20 фоиз — 3 498 405 сўмни



ташкил қилишини, жавобгарнинг мулкӣ аҳволини, ногиронлигини, икки нафар фарзандининг таъминоти учун алимент тўлаб келишини ҳисобга олиб, жавобгардан тўланиши лозим бўлган суд харажатларини Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 111-моддасига кўра камайтиришни ва ундан 1 000 000 сўм давлат божини давлат даромадига ундиришни лозим деб топади.

Бинобарин Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар И. Мирзаеванинг даъво талаби қаноатлантирилсин.

Бекобод шаҳар, Олмазор қўрғони, 12-уй 14-квартирага нисбатан И. Мирзаеванинг  $\frac{1}{2}$  улуши ва У. Мирзаевнинг  $\frac{1}{2}$  улуши белгилансин.

Жавобгар У. Мирзаевдан давлат даромадига 1 000 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:            имзо            Л. Алиева



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги  
ҳал қилув қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил март ойининг 22 кuni фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья А. А. Рустамов,

К. Исламовнинг котиблигида, Яшнобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси О. Умировнинг, тарафларнинг иштирокида, даъвогар Изатулло Аликулович Худойкуловнинг жавобгар Рухшона Ильхамовна Худойкуловага нисбатан мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича кўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, куйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар И. Худойкулов судга жавобгар Р. Худойкуловага нисбатан мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилиб, унда жавобгар билан 2008 йил 29 мартда қонуний никоҳдан ўтиб, бир нафар фарзандли бўлишганлигини, 2009 йилда улар “Нексия” русумли автомашинасини сотиб олганлигини, ушбу автомашина турмуш ўртоғи номига расмийлаштирилганлигини, суднинг 2011 йил 23 майдаги ҳал қилув қарори билан никоҳдан ажратилганликларини, уй-жой бўйича низолари мавжуд эмаслигини кўрсатиб, низоли автомашинанинг жавобгарга тегишли бўлган қисмини ўзидан пул шаклида ундириб, собиқ турмуш ўртоғини ушбу автомашинага нисбатан эгалик ҳуқуқини тугатишни сўради.

Суд мажлисида сўралган даъвогар И. Худойкулов даъвони қувватлаб, унда келтирилган важларини такрорлаб, қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида сўралган жавобгар Р. Худойкулова даъвони қисман тан олиб, ҳақиқатдан ҳам низоли автомашина даъвогар билан турмушлари давомида сотиб олинганлигини, низоли автомашинани даъвогар бошқариб юришини, шунингдек автомашинанинг техник ҳолатига ҳам собиқ турмуш ўртоғи қараганлигини, ўзининг ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқлигини, уй-жой борасида ўрталарида низо мавжуд эмаслигини кўрсатиб, низоли қонуний ҳал қилишни сўради.



Суд тарафларнинг кўрсатмаларини, Ҳамза туман прокурори ёрдамчисининг даъвони қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, куйидаги асосларга кўра даъво талабини қаноатлантириш лозим деб ҳисоблайди.

Аниқланишича, И. Худойкулов билан Р. Худойкулова 2008 йил 29 мартда қонуний никоҳдан ўтган. Биргаликдаги турмушларидан бир нафар 2009 йилда туғилган Алимардон исмли фарзанди бор.

2009 йил 4 январдаги олди-сотди шартномасига асосан Р. Худойкулованинг номига “Нексия” русумли автомашинаси сотиб олинган.

Суднинг 2011 йил 23 майдаги ҳал қилув қарори билан тарафлар никоҳдан ажратилган.

Шунингдек, суднинг 2011 йил 23 майдаги буйруғи билан Р. Худойкулованинг фойдасига вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундирилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 23-моддасининг 1 қисмига мувофиқ, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 25-бандига мувофиқ, эр-хотиндан бирига у ёки бу мулкни асл ҳолида бериш масаласини ҳал этишда суд мулкнинг хусусияти ва нима учун мўлжалланганлигини, уни сотиб олиш шартлари ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни эътиборга олиши лозим. Чунончи, автомобилни бўлишда суд эр-хотиндан қайси бири ундан амалда фойдаланганлигини, техник ҳолатига қараб келганлигини, уни бошқариш учун ҳуқуқи борлигини ва ҳ.к.ларни эътиборга олади.

Суд томонидан тайинланган суд-автотехник экспертизасининг хулосасига кўра, низоли “Нексия” русумли автомашинанинг ўртача бозор нархи 28 600 000 сўм, автомашинанинг ½ қисми 14 300 000 сўм ташкил қилиши қайд этилган.

Суд қайд этилган қонун ҳамда раҳбарий кўрсатмаларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, суд-автотехник экспертизасининг хулосасини инобатга олиб, низоли автомашинани тарафларнинг турмушлари давомида, шунингдек, никоҳлари бекор бўлгандан кейин ҳам даъвогарнинг фойдаланувида бўлганлигини, жавобгарнинг ҳайдов-



чилик гувоҳномаси мавжуд эмаслигини ва автомашинага муҳтож эмаслигини инобатга олиб, жавобгарнинг ½ қисмини пул тариқасида даъвогардан жавобгарнинг фойдасига ундиришни, жавобгарнинг ушбу автомашинага нисбатан эгалик ҳуқуқини тугатишни лозим топади.

Суд давлат божини ундириш масаласини ҳал этишда Фуқаролик процессуал кодекси 116-моддасининг 1-қисмига мувофиқ жавобгардан даъвогар томонидан тўланган 2 860 000 сўм давлат божини даъвогарнинг фойдасига ундиришни лозим топади.

Шунингдек, суд-автотехник экспертизаси ўтказилиши учун тўланиши лозим бўлган 120 000 сўм чиқим тарафлар томонидан тенг баробар тўланганлигини ҳамда даъвогар даъво аризасида улуш эвазига тўланиши лозим бўлган пулнинг миқдорини кўрсатмаганлигини инобатга олиб, шу чиқимни тарафлар ўртасида тақсимлашни лозим топмади.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддаларини қўллаб,

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар И. Худойкуловнинг жавобгар Р. Худойкуловага нисбатан мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

И. Худойкуловдан Р. Худойкулованинг фойдасига “Нексия” русумли давлат рақами 01 V 488 IY автомашинанинг нархидан 14 300 000 сўм ундирилсин.

Р. Худойкулованинг “Нексия” русумли давлат рақами 01 V 488 IY автомашинага нисбатан эгалик ҳуқуқи тугатилсин.

“Нексия” русумли давлат рақами 01 V 488 IY автомашина И. Худойкуловнинг эгалигида қолдирилсин.

Р. Худойкуловдан И. Худойкуловнинг фойдасига 2 860 000 сўм тўланган давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:                   имзо           А. Рустамов



## 2.1.6. Эр-хотинни никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда, суд мазкур низолар Оила кодексининг 38–46-моддалари билан тартибга солинганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида амал қилинган тегишли қонун нормасини кўрсатмоғи лозим.

Шунингдек, мазкур низолар Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 06-сонли қарорининг 19–26-бандларида ёритилган бўлиб, суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида Пленум тушунтиришларини қоида тариқасида кўрсатмоғи лозим бўлади.

Ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида суд томонидан аниқланган эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик сабаблари, суднинг оилани сақлаб қолиш имконияти борлиги ёки унинг узил-кесил барҳам топганлиги тўғрисидаги хулосасига асос бўлган далиллар, суд томонидан у ёки бу далилларни рад этиш учун асос бўлган важлар, шунингдек суд қўллаган қонунлар кўрсатилади.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвони қаноатлантириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг хулоса қисми қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- тарафларнинг барча талаблари бўйича, шу жумладан биргаликда кўриш учун бирлаштирилган талаблари бўйича ҳам суд хулосаларини;
- фуқаролик ҳолатларини қайд этиш дафтарида никоҳдан ажратишни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар (никоҳ қайд қилинган сана, далолатнома ёзувининг рақами, никоҳни қайд қилган органнинг номи);
- эр-хотиннинг фамилиялари-никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ (никоҳга кириш вақтида фамилия ўзгартирилган бўлса-никоҳгача бўлган фамилия ҳам);
- эр-хотиннинг ҳар биридан ундирилиши лозим бўлган давлат божи миқдори ёки улардан қайси бири уни тўлашдан озод қилинганлиги ҳақида кўрсатма (давлат божи миқдорини белгилашда суд улардан ҳар бирининг моддий аҳволини, оиланинг бузилишида айби даражасини ва бошқа муайян ҳолатларни, жумладан вояга етмаган болалар эр-хотиндан қайси бири билан яшаш учун қолаётганлигини ҳисобга олади);
- мол-мулк қиймати — эр-хотиндан бирига мол-мулк асл ҳолида берилганда.





## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Никоҳдан ажратишни рад этиш  
тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг  
намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил апрель ойининг 13 куни фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтохур туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья К. Исраилов,

Р. Махмудовнинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида даъвогар Олима Ферузовна Олимжонованинг жавобгар Шавкат Обидович Олимжоновга нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича кўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагилар

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар О. Олимжонова жавобгар Ш. Олимжоновга нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, 2010 йил 16 июнда Ш. Олимжонов билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, биргаликдаги турмушларидан 2011 йил 20 апрелда туғилган Фарангиз Олимжонова исмли фарзандлари борлигини, турмушлари бошида яхши яшаганликларини, лекин кейинчалик характерлари тўғри келмай, келиша олмай қолганликларини, оилани сақлаб қолиш учун кўп ҳаракат қилганлигини, лекин бунинг имкони бўлмаганлигини, 2011 йил июль ойидан бирга яшамасликларини, оилани сақлаб қолиш имкони йўқлигини кўрсатиб, жавобгар билан никоҳдан ажратишни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар О. Олимжонова даъво аризасини қувватлаб, суддан даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар Ш. Олимжонов даъвони тан олмасдан, даъвогар билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганликларини, биргаликдаги турмушларидан вояга етмаган бир нафар фарзанди борлигини, турмушлари яхши бўлганлигини, охириги вақтларда келишмай қолганликларини, оиласини тиклашга ҳаракат қилишини, даъвогар билан ярашиш нияти бўлиб, оилани тиклаш имкони



борлигини, фарзандини отасиз қолишини хоҳламаслигини кўрсатиб, суддан даъвони рад этишни сўради.

Суд тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини рад этишни лозим деб ҳисоблайди.

Аниқланишича, О. Олимжонова ва Ш. Олимжоновлар 2010 йил

16 июнда Тошкент шаҳар Олмазор тумани ФХДЁ бўлимида қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлар, бу ҳақда никоҳ тузиш далолатномасини қайд қилиш дафтарида 576-сонли ёзув киритилган.

Тарафларнинг турмушларидан 2011 йил 20 апрелда туғилган Фарангиз Олимжонова исмли фарзандлари бор, ўзаро келишмовчиликлар натижасида тарафлар 2011 йил июль ойидан буён бирга яшамайдилар, умумий рўзғор юритмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 41-моддасига мувофиқ, агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 06-сонли қарорининг 16-бандига кўра, турмушда кечадиган вақтинчалик келишмовчиликлар ва тасодифий сабабларга кўра эр-хотин ўртасида келиб чиққан ихтилофлар, шунингдек эр-хотиндан бирининг ёки ҳар иккаласининг жиддий важлар келтирмаган ҳолда никоҳ муносабатларини давом эттиришни хоҳламаслиги никоҳдан ажратиш учун етарли асос бўла олмайди. Никоҳдан ажратишга асослар бўлмаганда, суд даъвони рад этади.

Суд иш ҳолатини муҳокама қилиб, тарафлар ўртасида вужудга келган келишмовчиликлар вақтинчалик бўлиб, уларни никоҳдан ажратиш учун асос бўла олмайди деб ҳисоблайди.

Бундай ҳолатда, суд иш ҳолатларини ҳар тарафлама кўриб чиқиб ҳамда юқоридаги қонун нормасига асосланиб, тарафлар ўзаро тушунмовчиликлар туфайли келиша олмаётганликлари, оилада юзага келган келишмовчиликлар эса вақтинчалик эканлиги, уларнинг ажрашишлари учун жиддий сабаблар йўқлиги, даъвогарнинг келтирган асослари никоҳдан ажратиш учун етарли асос бўла олмаслиги, жавобгар оилани тиклаш истаги борлигини билдирганлигини инобатга олиб, оилани сақлаб қолиш имконияти бор деган хулосага келади ва даъво аризани рад этишни лозим топади.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддаларини қўллаб, суд



**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Даъвогар Олима Ферузовна Олимжонованинг жавобгар Шавкат Обидович Олимжоновга нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:      имзо      К. Исраилов



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги  
ҳал қилув қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил август ойининг 17 куни фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтохур туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик этувчи судья К. Исраилов,

Д. Рауповнинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида, даъвогар Абдулла Нуриддинович Исматовнинг жавобгар Дилором Абдурахмановна Исматовага нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича юритилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар А. Исматов судга жавобгар Д. Исматовага нисбатан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Д. Исматова билан 1997 йил 19 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, турмушларидан икки нафар вояга етмаган 1999 йил 15 майда туғилган Азиза исмли ва 2002 йил 16 октябрда туғилган Давлат исмли фарзандлари борлигини, турмушларининг бошида яхши яшашганлигини, кейинчалик оилавий муносабатлари тўғри келмай, келишмовчиликлар келиб чиққанлигини, оилани тиклашнинг иложи йўқлигини, 2009 йил февраль ойидан бери бирга яшамасликларини, оилалари барбод бўлганлигини, ҳозирда бошқа оила куриб яшаётганлигини кўрсатиб, никоҳдан ажратишни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар А. Исматов суддан даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар Д. Исматова даъво аризани тан олиб, даъвогар А. Исматов билан биргаликдаги турмушларидан икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, турмушларининг дастлабки йиллари яхши кечганлигини, лекин кейинчалик оилавий муносабатлари тўғри келмаганлигини, даъвогар спиртли ичимлик ичиб, арзимаган нарсалардан уруш-жанжал чиқарганлигини, даъвогарнинг бошқа оиласи борлигини, оиласини сақлаб қолишга бир неча маротаба ҳаракат қилганлигини, аммо натижа бўлмаганлигини, оиласи барбод бўлганлигини, 2009 йил февраль ойидан бери бирга яшамасликларини, ярашиш учун берилган муддатда



ярашмаганликларини, фарзандларини ўзини тарбиясида қолдиришни кўрсатиб, суддан даъво аризасини қаноатлантиришни сўради.

Суд тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 41-моддасига кўра, агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 06-сонли қарорининг 16-бандига кўра, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб фақат эр-хотин бундан буён бирга ҳаёт кечиришларининг ва оила бағамом бузилганлиги сабабли уни сақлаб қолишнинг иложи йўқлиги аниқланган ҳоллардагина қаноатлантирилиши лозим.

Мазкур қарорнинг 15-бандига кўра, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни кўришда суд оилани сақлаб қолиш юзасидан чоралар кўриши лозим. Шу мақсадда, суд мажлисида оилани сақлаб қолиш мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар (болалар борлиги, никоҳнинг давомийлиги, оиладаги муносабатларнинг хусусиятлари ва бошқа ҳолатлар) аниқланса, суд ҳар иккала тарафнинг ёки улардан бирининг илтимосига биноан ёхуд ўз ташаббуси билан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўрилишини кейинга қолдиришга ҳақли.

Аниқланишича, А. Исматов ва Д. Исматовалар 1997 йил 19 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлар, бу ҳақда Тошкент шаҳар 2-сон "Шодлик" никоҳ уйида 1435-сонли далоятнома ёзуви қайд этилган.

Тарафларнинг турмушларидан 1999 йил 15 майда туғилган Азиза исмли ва 2002 йил 16 октябрда туғилган Давлат исмли икки нафар фарзандлари бор. Тарафлар ўзаро муносабатлари тўғри келмай 2009 йил февраль ойидан буён бирга яшамайдилар, эр-хотинлик муносабатлари ҳам шу даврдан тугаган.

Суд томонидан тарафларга ярашишлари учун олти ойлик муҳлат тайинланган, аммо тарафлар оилани тиклаш чораларини кўрмаганлар, оилани тиклашга қаршилиқларини билдирганлар. Бундай ҳолда суд эр-хотиннинг бундан буён бирга ҳаёт кечиришларининг имкони қолмаган деган хулосага келади.

Суд иш ҳолатларини ҳар томонлама муҳокама қилиб, тарафлар ўртасида эр-хотинлик муносабатлари 2009 йил февралда тугаганлиги, улар бирга яшамаётганлиги, оилавий муносабатлар барбод бўлганлиги, тарафлар оилани тиклашга қаршилиқларини инобатга олиб, уларнинг



оиласини сақлаб қолиш имконияти йўқ деган хулосага келади ва даъво талабини қаноатлантириб, тарафларни никоҳдан ажратишни лозим топади.

Суд жавобгар Д. Исматованинг никоҳга қадар бўлган фамилиясини қайтаришни сўраганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ОКнинг 46-моддасига асосланиб, унга никоҳгача бўлган “Абдусаматова” фамилиясини қайтаришни лозим топади.

Суд мазкур фуқаролик иши юзасидан давлат божини ундириш масаласини муҳокама қилишда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 45-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги 533-сонли қарорига асосланиб, даъвогар А. Исматовдан давлат фойдасига 217 065 сўм давлат божи ундиришни, жавобгар Д. Исматовани давлат божи тўловидан озод қилишни лозим топади.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Абдулла Нуриддинович Исматовнинг жавобгар Дилором Абдурахмановна Исматовага нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Абдулла Нуриддинович Исматов ва Дилором Абдурахмановна Исматова (никоҳгача фамилияси Абдусаматова) 1997 йил 19 сентябрда Тошкент шаҳар 2-сон “Шодлик” никоҳ уйида тузилган 1435-сонли далолатнома ёзуви билан қайд этилган никоҳдан ажратилсинлар.

Дилором Абдурахмановна Исматовага никоҳгача бўлган “Абдусаматова” фамилияси қайтарилсин.

Тарафларнинг 1999 йил 15 майда туғилган Азиза Абдулла қизи Исматова ва 2002 йил 16 октябрда туғилган Давлат Абдулла ўғли Исматов исмли фарзандлари жавобгар Д. Исматованинг тарбиясида қолдирилсинлар.

Никоҳдан ажратиш ҳақида гувоҳнома берилаётганида даъвогар Абдулла Нуриддинович Исматовдан давлат фойдасига 217 065 сўм давлат божи ундирилсин, жавобгар Дилором Абдурахмановна Исматова давлат божи тўловидан озод қилинсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:       имзо       К. Исраилов



### **2.1.7. Фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар**

Фарзандликка олиш ҳақидаги ишларни кўришда, суд бундай аризаларни ҳал этиш Оила кодексининг 151-моддаси ҳамда Фуқаролик процессуал кодексининг 285<sup>1</sup>–285<sup>7</sup>-моддалари билан тартибга солинганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида амал қилинган тегишли қонун нормасини кўрсатмоғи лозим.

Шунингдек, фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар юзасидан келиб чиқаётган саволларга тушунтиришлар Олий суд Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги “Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни кўллаш амалиёти тўғрисида”ги 21-сонли қарорида берилган бўлиб, суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида Пленум тушунтиришларини қоида тариқасида кўрсатмоғи лозим бўлади.

Фарзандликка олиш ҳақидаги ариза қаноатлантирилганда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида фарзандликка олинган боланинг туғилиши ёзилган дафтарга ўзгартиришлар киритиш учун зарур бўлган фарзандликка олинган ва фарзандликка олувчилар (олувчи) тўғрисидаги барча маълумотлар кўрсатилади.

Бола битта шахс томонидан фарзандликка олинаётганда унинг манфаатларини кўзлаб, агар фарзандликка олувчи эркак бўлса, онасининг хоҳишига кўра ёки агар фарзандликка олувчи аёл бўлса, отасининг хоҳишига кўра, шунингдек, агар фарзандликка олинаётган боланинг отаси ёки онаси вафот этган бўлса, вафот этган ота ёки она ота-онасининг (буванинг ёки бувининг) илтимосига кўра суднинг фарзандликка олиш тўғрисидаги қарорида фарзандликка олинган боланинг отаси ёки онаси билан ёхуд вафот этган отасининг ёки онасининг қариндошлари билан ҳуқуқий муносабатлари сақлаб қолиниши кўрсатиб ўтилади.

Алоҳида ҳолатлар натижасида ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйса (масалан, фарзандликка олинаётган бола зудлик билан даволаш курсини ўташи лозимлиги), ФПК 220-моддаси 1-қисмининг 3-бандига кўра суд ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этилишига йўл қўйишга ҳақли (қарорнинг 24-банди).

Шу муносабат билан, ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этилиши тўғрисидаги суднинг хулосаси қарорнинг асослантирувчи қисмида баён этилиб, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида кўрсатилади.



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Болани фарзандликка олиш  
тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг  
намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2014 йил октябрь ойининг 20 куни фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтохур туманлараро судининг ёпик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья М. Исматов,

С. Гаиповнинг котиблигида, Олмазор тумани прокурори ёрдамчиси Д. Назаровнинг, тарафларнинг иштирокида аризачилар Раим Шодиев ва Адолат Шодиеваларнинг болани фарзандликка олиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилган фуқаролик ишини куриб чиқиб, куйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Судга аризачилар Р. Шодиев ва А. Шодиевалар болани фарзандликка олиш ҳақидаги ариза билан мурожаат этишган.

Суд мажлисида аризачи Р. Шодиев аризасини қувватлаб, Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 43-уйда истиқомат қилишини, А. Шодиева билан 2003 йил 24 декабрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, биргаликдаги турмушларидан фарзанди йўқлигини, ўрталаридаги никоҳни сақлаб қолиш ниятида вояга етмаган 2014 йил 9 августда туғилган Абдураззаков Алибек Наимовични фарзандликка олишга қарор қилишганини, болани фарзандликка олишларига биологик ота-онаси Н. Қосимов ва Ф. Қосимовалар 2014 йил 15 сентябрда нотариал тасдиқланган ариза беришганлигини, фарзандликка олинаётган бола туғилганидан бери улар билан бирга яшаб келаётганини, улар болани ўз фарзандидек тарбиялаб, меҳрларини бериб келаётганини, болани фарзандликка олиб тарбия қилиш учун уларнинг уйида шарт-шароитлар етарли эканлигини баён қилиб, суддан аризани қаноатлантиришни, вояга етмаган Абдураззаков Алибек Наимовични фарзандликка беришни ва унинг фамилиясини “Шодиев” ва ота исмини “Раимович” деб ўзгартиришни сўради.





Суд мажлисида аризачи А. Шодиева аризани қувватлаб, аризачи Р. Шодиевнинг кўрсатмаларини тасдиқлаб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида Олмазор тумани Васийлик ва ҳомийлик органи вакили О. Исмаилова аризачиларнинг турар-жой шароитини ўрганиб чиққанлигини, уй санитария-гигиена талабларига жавоб беришини, боланинг улғайиши учун уйда барча шароитлар яратилганлигини билдириб, суддан аризани қонуний ҳал қилишни сўради.

Суд аризачилар ва Васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг тушунтиришларини, Олмазор тумани прокурори ёрдамчисининг аризани қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, Олмазор тумани Васийлик ва ҳомийлик органининг хулосаси билан танишиб чиқиб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим деб топади.

Аниқланишича, аризачилар Р. Шодиев ва А. Шодиева 2003 йил 24 декабрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлар. Уларнинг биргаликдаги ўзаро турмушларидан фарзандлари йўқ.

Аризачиларнинг ўзаро турмушлари давомида фарзандлари бўлмаганлиги сабабли, Н. Қосимов ва Ф. Қосимоваларнинг 2014 йил 9 августда туғилган Абдураззаков Алибек Наимович исмли фарзандини туғилганидан буён тарбиялаб келмоқда.

Вояга етмаган 2014 йил 9 августда туғилган Абдураззаков Алибек Наимовични аризачиларга фарзандликка беришга биологик ота-онаси Н. Қосимов ва Ф. Қосимоваларнинг нотариал тартибда 2014 йил 15 сентябрда тасдиқданган аризаси мавжуд.

Фуқаролик иши материаллари ва тарафларнинг кўрсатмаларидан кўринишича, фарзандликка олинувчи А. Абдураззаков ҳозирда аризачилар Р. Шодиев ва А. Шодиева билан биргаликда Тошкент шаҳар, Олмазор тумани. Сағбон кўчаси, 43-уйда яшаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 285-1-моддасига кўра, фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига берилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 152-моддасига асосан, вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин, қуйидаги шахслар бундан мустасно: ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар; қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар; асаб касалликлари ёки наркология муассаса-



ларида рўйхатда турувчилар; ушбу кодекс 169-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича фарзандликка олинганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар; касддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани Васийлик ва ҳомийлик органининг хулосаси ва фуқаролик иши бўйича тўпланган маълумотларга кўра, аризачилар силга қарши кураш, наркология, рухий асаб касалликлари ва тери-таносил касалликлари диспансерларида ҳисобда турмайдилар, муқаддам касддан жиноят содир қилишмаган.

Бундан ташқари, Васийлик ва ҳомийлик органининг хулосасига кўра, аризачилар Р. Шодиев ва А. Шодиевалар томонидан А. Абдуразақовни фарзандликка олишга ҳеч қандай тўсқинлик аниқланмаган.

Ушбу ҳолатда суд аризани қаноатлантиришни ва Тошкент шаҳар Олмазор тумани ФХДЁ бўлими томонидан 2014 йил 14 августда 6547-сон билан қайд этилган 2014 йил 9 августда туғилган Абдуразақов Алибек Наимовичнинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувининг боланинг фамилияси, исми ва отасининг исми графасига “Шодиев Алибек Раимович”, отаси графасига “Шодиев Раим Суванович 16.10.1978 йилда туғилган, миллати ўзбек, манзили Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 43-уй”, деб ва онаси графасига “Шодиева Адолат Рустамовна 04.12.1982 йилда туғилган, миллати ўзбек, манзили Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 43-уй” деб ўзгартириш киритишни, вояга етмаганнинг туғилган вақти ва жойини ўзгаришсиз қолдиришни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистан Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206, 2856-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Аризачи Р. Шодиев ва А. Шодиеваларнинг болани фарзандликка олиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилсин.

Аризачилар 1978 йил 16 октябрда туғилган Шодиев Раим Суванович ва 1982 йил 4 декабрда туғилган Шодиева Адолат Рустамовналарга 2014 йил 9 августда туғилган Абдуразақов Алибек Наимович фарзандликка берилсин.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ФХДЁ бўлими томонидан 2014 йил 14 августда 6547-сон билан қайд этилган 2014 йил 9 августда туғилган Абдуразақов Алибек Наимовичнинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувидаги боланинг фамилияси “Абдуразақов”дан “Шодиев”га, отасининг исми “Наимович”дан “Раимович”га, онаси графасига “16.10.1978 йилда туғилган Шодиев Раим Суванович, миллати ўзбек,



манзили Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 43-уй” деб, онаси графасига “04.12.1982 йилда туғилган Шодиева Адолат Рустамовна, миллати ўзбек, манзили Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 43-уй” деб ўзгартириш киритилсин, боланинг туғилган вақти ва жойи ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ҳал қилув қарори ижро қилиш учун Тошкент шаҳар Олмазор туман ФХДЎ бўлимига юборилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:      имзо      М. Исматов



## 2.2. УЙ-ЖОЙ НИЗОЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА

### 2.2.1. Хусусийлаштирилган квартирада мулк улушини белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар

Хусусийлаштирилган квартирада мулк улушини белгилаш ҳақидаги ишларни кўришда, суд бундай низолар Фуқаролик ва Уй-жой кодекси мезонлари, “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонун билан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 апрелдаги 180-сонли қарори билан, кўшимча ва ўзгартиришлар киритилган “Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришни давом эттириш тўғрисида”ги қарори билан, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган 180-сонли қарорига кўра тасдиқланган “Хусусийлаштирилган квартираларни, уйларни (уйларнинг бир қисмини) олиш-сотиш шартномаларини расмийлаштириш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг “Уй-жой фондини хусусийлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомлар билан тартибга солинишини назарда тутмоқлари лозим.

Шунингдек, хусусийлаштирилган квартирада мулк улушини белгилаш ҳақидаги ишлар юзасидан келиб чиқаётган саволларга тушунтиришлар Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги (киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) “Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” 3-сонли қарорида берилган бўлиб, суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида Пленум тушунтиришларини қоида тариқасида кўрсатмоғи лозим бўлади.

Назарда тутиш лозимки, хусусийлаштирилган квартирада эр-хотиннинг мулк улушини белгилаш ҳақидаги низоларни ҳал қилишда судлар Оила қонунчилиги мезонларини, яъни Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23,24-моддаларини эмас, балки “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддаси 4-банди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 апрелдаги 180-сонли қарори билан тасдиқланган “Хусусийлаштирилган квартира ва уйлар (уйларнинг бир қисми)нинг олиш-сотиш шартномаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8-бандини қўлламоқлари лозим.

Агар даъвогар хусусийлаштирилган квартирада ўзининг мулк улушини белгилашни сўраган бўлса, ФКнинг 216, 217-моддалари асосида ҳамда кўчмас мулкка мулк ҳуқуқи Ермулккадастр хизматида рўйхатга олинишини инobatга олиб, суд ФПКнинг 207-моддаси талабларига мувофиқ даъвогарнинг арз қилган талаблари доирасидан четга чиқиб, хусусийлаштирилган квартира барча мулкдорларининг улушларини белгилаши лозим.



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Хусусийлаштирилган уй-жой  
улушларини белгилаш тўрисидаги  
ҳал қилув қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2013 йил май ойининг 22 куни фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг очиқ мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья: А. Валиев,

А. Салимовнинг котиблигида, Яккасарой туман прокурорининг ёрдамчиси Э. Каримов, адвокатлар Н. Шодиева ва О. Аширов, тарафлар иштирокида, даъвогар Наргиза Алишеровна Нарзуллаева, Ирода Акбар кизи Рустамова, Дониёр Акбарович Рустамов ва Насиба Акбар кизи Рустамованинг жавобгар Акбар Каримович Рустамов ва Малика Жаббаровна Рустамоваларга нисбатан хусусийлаштирилган уй-жойдаги улушни белгилаш, уйга киритиш ва фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги даъвоси ҳамда Малика Жаббаровна Рустамованинг жавобгар Наргиза Алишеровна Нарзуллаева ва бошқаларга нисбатан хусусийлаштирилган хонадондаги улушини белгилаш, васиятнома ва қонун бўйича меросхўр деб топиш ҳақидаги қарши даъво аризаси бўйича юритилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Н. Нарзуллаева, И. Рустамова, Д. Рустамов ва Н. Рустамова жавобгар А. Рустамов ва М. Рустамоваларга нисбатан хусусийлаштирилган уй-жойдаги улушни белгилаш, уйга киритиш ва фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилганлар.

Суд мажлиси жараёнида М. Рустамова жавобгар Н. Нарзуллаева ва бошқаларга нисбатан хусусийлаштирилган хонадондаги улушни белгилаш, васиятнома ва қонун бўйича меросхўр деб топиш ҳақидаги қарши даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суд мажлисида сўралган даъвогар Н. Нарзуллаева даъво талабларини тўлиқ қувватлаб, қарши даъво талабини қисман тан олиб, 1986 йил 8 апрель куни жавобгар А. Рустамов билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлиги, биргаликдаги турмушларидан



уч нафар — 1987 йил 10 августда туғилган Д. Рустамов, 1989 йил 3 июлда туғилган И. Рустамова ва 1997 йил 31 декабрда туғилган Н. Рустамова исмли фарзандлари борлиги, фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 2001 йил 5 декабрдаги ҳал қилув қарорига асосан жавобгар А. Рустамов билан ўрталарида қайд этилган никоҳдан ажратилганликлари, 1988 йилда Р. Рустамов билан турмуш қурган вақтида Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Қушбеги мавзеси, 6-уй, 33-хонадонга келин бўлиб тушганлиги ва мазкур уйда яшаганлиги, улар яшаган хонадон 1991–1993 йилларда қайнотаси К. Рустамов номига хусусийлаштирилган бўлиб, хусусийлаштиришда, қайнонаси Д. Рустамова, собиқ турмуш ўртоғи А. Рустамов, ўзи ва қайнукаси Р. Рустамовлар иштирок этганлиги, ўша вақтда низоли уйнинг доимий рўйхатида вояга етмаган фарзандлари Д. Рустамов ва И. Рустамова ҳам бўлганлиги, қайнонаси Д. Рустамова 2003 йилда, қайнукаси Р. Рустамов 2008 йил 1 июнда ва қайнотаси К. Рустамов 2011 йил 12 февралда вафот этган бўлиб, ҳозирги кунда низоли хонадонда собиқ турмуш ўртоғи А. Рустамов ва қайнукасининг турмуш ўртоғи М. Рустамова фарзандлари билан бирга истиқомат қилиб келаётганлиги, даъвогарнинг бошқа турар жойи йўқлиги, у фарзандлари билан биргаликда ижарада яшаб келаётганлиги ҳақида кўргазма бериб, даъво талабини қаноатлантириб, ўзи ва фарзандлари Д. Рустамов ва И. Рустамованинг низоли Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Қушбеги мавзеси, 6-уй, 33-хонадондаги улушларини белгилаб, низоли хонадонга фарзандлари билан бирга киритиб қўйишни ҳамда мазкур хонадондан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаб беришни, қарши даъво талабини қонуний ҳал қилишни сўради.

Суд мажлисида сўралган даъвогарлар Д. Рустамов, Н. Рустамова ва И. Рустамоваларнинг ишончли вакили адвокат Ш. Шодиева даъвогарларнинг даъво талабини қувватлаб, қарши даъво талабини қисман тан олиб, даъвогар Н. Нарзуллаевага ўхшаш кўргазма бериб, даъвогарларнинг даъво талабларини қаноатлантириб, даъвогар Н. Нарзуллаева ва уни фарзандлари Д. Рустамов, И. Рустамовани низоли Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Қушбеги мавзеси, 6-уй, 33-хонадондаги улушларини белгилаб, низоли хонадонга даъвогарнинг фарзандлари билан бирга киритиб қўйишни ҳамда мазкур хонадондан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаб беришни, қарши даъво талабини қонуний ҳал қилишни сўради.

Суд мажлисида сўралган жавобгар М. Рустамова (айни пайтда А. Рустамовнинг ишончли вакили) даъвогарларнинг даъво талабини





мартда К. Рустамов номига хусусийлаштирилган ва 01-01/7738-сонли уй-жойни шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномаси берилган.

Хонадонни хусусийлаштиришда фуқаролар 1935 йилда туғилган Д. Рустамова, 1962 йилда туғилган А. Рустамов, 1964 йилда туғилган Н. Рустамова (Нарзуллаева) ва 1966 йилда туғилган Р. Рустамовлар иштирок этганлар.

Уй-жойни хусусийлаштириш вақтида вояга етмаган — 1987 йил 10 август куни туғилган Рустамов Дониёр Акбарович, 1989 йил 03 июль куни туғилган Рустамова Ирода Акбар қизи низоли хонадоннинг доимий рўйхатида бўлиб, шу хонадонда ўз ота-оналари билан бирга яшаганлар.

Карим Рустамов Дилбар Исламовна Рустамова (Газиханова) билан 1959 йил 16 октябрь куни қонуний никоҳдан ўтиб оила қуришган ва бу ҳақда 111-сонли далолатнома ёзуви қайд этилган.

Уларнинг биргаликдаги турмушларидан тўрт нафар — 1962 йил 11 октябрь куни туғилган Акбар Каримович Рустамов, 1964 йил 11 август куни туғилган Мунира Каримовна Рустамова (Рахимова), 1965 йил 15 август куни туғилган Васида Каримовна Рустамова (Маджидова) ва 1966 йил 10 ноябрь куни туғилган Рустам Каримович Рустамов исмли фарзандлари бўлган.

Дилбар Исламовна Рустамова (Газиханова) 2003 йил 03 октябрь куни вафот этган ва бу ҳақда 2003 йил 05 октябрь куни 1238-сонли ўлим ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилган.

Карим Рустамов 2011 йил 13 февраль куни вафот этган ва бу ҳақда 211-сонли ўлим ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилган.

Даъвогар Наргиза Алишеровна Рустамова жавобгар Акбар Каримович Рустамов билан 1986 йил 08 апрель куни қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган ва ҳақда 667-сонли далолатнома ёзуви қайд этилган.

Уларнинг биргаликдаги турмушларидан уч нафар — 1987 йил 10 август куни туғилган Дониёр Акбарович Рустамов, 1989 йил 03 июль куни туғилган Ирода Акбар қизи Рустамова ва 1997 йил 31 декабрь куни туғилган Насиба Акбар қизи Рустамова исмли фарзандлари бор.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Яккасарой туманлараро судининг 2001 йил 05 декабрь кунги ҳал қилув қарорига асосан Наргиза Алишеровна Рустамова ва Акбар Каримович Рустамов ўрталарида қайд этилган никоҳларидан ажратилганлар.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 32-моддасига асосан хусусийлаштирилган хонадон ёки уй мулкдорининг вояга етган оила аъзолари ва уй-жойнинг хусусийлаштирилишига розилик берган





шахслар ҳам уларнинг умумий мулки бўлмиш хусусийлаштирилган хонадон ёки уйга нисбатан қонунда белгиланган тартибда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар ва тенг мажбуриятларни бажарадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти” ҳақидаги 1997 йил 2 май кунги 3-сонли қарорининг 16-бандида ““Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ хусусийлаштирилган турар жойда уни хусусийлаштирилишига розилик берган уй эгасининг бошқа оила аъзолари яшаётган бўлсалар, уларнинг ҳаммаси шу турар жойнинг эгаси ҳисобланадилар, эгаллаб келинаётган турар жой эса хусусийлаштириш натижасида умумий мулкка айланади. Бу қоида турар жой эгасининг вақтинча бу ерда яшамаётган оила аъзоларига ҳам татбиқ қилинади” деб таъкидланган.

Мазкур қонун нормаси ва Пленум қарорига асосан Дилбар Исламовна Рустамова, Акбар Каримович Рустамов, Наргиза Алишеровна Рустамова (Нарзуллаева) ва Рустам Каримович Рустамовлар ҳамда хусусийлаштириш вақтида низоли уйнинг доимий рўйхатида бўлган

1987 йил 10 август кунги туғилган Дониёр Акбарович Рустамов, 1989 йил 03 июль кунги туғилган Ирода Акбар қизи Рустамова хусусийлаштириш иштирокчиси бўлганлиги сабабли, низоли Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, Қушбеги мавзеси, 6-уй, 33-хонадонга нисбатан Карим Рустамов билан тенг ҳуқуқли мулкдор ҳисобланадилар.

Суд юқоридаги қонун нормалари талабидан келиб чиқиб, даъвогар Наргиза Алишеровна Нарзуллаева, Ирода Акбар қизи Рустамова, Дониёр Акбарович Рустамов жавобгар Акбар Каримович Рустамов ва Малика Жаббаровна Рустамоваларга нисбатан хусусийлаштирилган уй-жойдаги улушини белгилаш ҳақидаги талабини ҳамда даъвогар Малика Жаббаровна Рустамованинг жавобгар Наргиза Алишеровна Нарзуллаева ва бошқаларга нисбатан хусусийлаштирилган хонадондаги улушини белгилаш ҳақидаги қарши даъво талабини муҳокама қилиб, ҳар иккала даъвони қаноатлантириб, Карим Рустамов, Дилбар Исламовна Рустамова, Акбар Каримович Рустамов, Наргиза Мирабитовна Рустамова (Нарзуллаева), Рустам Каримович Рустамов, Дониёр Акбарович Рустамов ва Ирода Акбар қизи Рустамовани низоли уйни хусусийлаштириш иштирокчиси деб топишни ҳамда уларни ҳар бирини низоли уйдаги улушини 1/7 деб белгилашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 164-моддасига мувофиқ, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз



хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилишдан иборат.

Суд мазкур қонун нормалари талабидан келиб чиқиб, даъвогарларнинг низоли уй-жойга киритиш ва фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги талабини муҳокама қилиб, даъвогар Наргиза Алишеровна Нарзуллаева, Дониёр Акбарович Рустамов ва Ирода Акбар қизини Рустамова низоли хонадоннинг мулкдори эканликларини инобатга олиб, даъвогарларнинг мазкур даъво талабларини ҳам қаноатлантиришни ҳамда даъвогар Н. А. Нарзуллаевани фарзандлари Д. А. Рустамов, Н. А. Рустамова ва И. А. Рустамовалар билан биргаликда Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Қушбеги мавзеси, 6-уй, 333-хонадонга фойдаланиш ҳуқуқи билан киритиб қўйишни лозим деб топади.

Аниқланишича, Малика Жаббаровна Рустамова Рустам Каримович Рустамов билан 1995 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган.

Уларнинг биргаликдаги турмушларидан икки нафар — 1997 йил 26 сентябрь куни туғилган Рустамов Рахимберди Рустам ўғли ва 2006 йил 24 январь куни туғилган Рустамова Мадина Рустам қизи исмли фарзандлари бор.

Рустам Каримович Рустамов 2008 йил 01 июнь куни вафот этган ва бу ҳақда 994-сонли далолатнома ёзуви қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июль кунги “Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги № 05-сонли қарорининг 3-бандига асосан Фуқаролик кодексининг 1113-моддасига мувофиқ, мерос таркибига мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчар ва кўчмас мулк, ашёлар, шу жумладан, унинг ўлиmidан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлар, чунончи, хусусий мулк ҳуқуқи, кредит муассасаларида сақланаётган омонатларга бўлган ҳуқуқ ва х.к.лар киради.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1135-моддасига мувофиқ, мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 11401-моддасига асосан агар васиятнома бўйича ёки қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўр мерос очилганидан кейин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот



этган бўлса, унга тегиши керак бўлган меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича меросхўрларига, агар барча мерос мол-мулк васият қилинган бўлса, унинг васият бўйича меросхўрларига ўтади (мерос трансмиссияси). Мерос трансмиссияси тартибида меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи бундай меросхўрнинг вафотидан кейин очилган мерос таркибига кирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июль кунги “Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги № 05-сонли қарорининг 15 бандига асосан мерос трансмиссияси тартибида ворислик васиятнома ёки қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўр (трансмисситент) мерос очилганидан кейин, лекин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган ҳолларда амалга оширилади. Бундай ҳолларда унга тегиши керак бўлган меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича меросхўрларига, агар барча мерос мол-мулк васият қилинган бўлса, унинг васият бўйича меросхўрларига (трансмиссарларига) ўтади.

Мерос трансмиссияси қуйидаги шартларда вужудга келади:

Мерос очилган пайтда ворислик ҳуқуқига эга бўлган васият ёки қонун бўйича меросхўрнинг борлиги;

Васият ёки қонун бўйича меросхўр меросни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этганлиги сабабли унинг меросдаги улуши тақдирини ҳал қилиш зарурати пайдо бўлганлиги;

Вафот этган меросхўр унинг меросхўрлари билан алмаштирилиши мумкинлиги.

Суд мазкур қонун нормалари талабидан келиб чиқиб, даъвогар М. Ж. Рустамованинг қонун бўйича меросхўр деб топиш ҳақидаги қарши даъво талабини қаноатлантириб, 2003 йил 03 октябрь куни вафот этган Рустамова (Газиханова) Дилбар Исламовнанинг низоли хонадоннинг 1/7 қисмидаги улушига нисбатан уни турмуш ўртоғи-Рустамов Карим, фарзандлари- Акбар Каримович Рустамов Акбар Каримович, Мунира Каримовна Рустамова (Рахимова) Мунира Каримовна, Васида Каримовна Рустамова (Маджидова) Васида Каримовна ва Рустам Каримович Рустамов Рустам Каримовичларни тенг улушларда, яъни уларни ҳар бирини низоли уйнинг 1/35 қисмига нисбатан меросхўр деб топиш ҳақидаги ҳулосага келади.

Суд Рустамов Карим низоли уйнинг 1/7 қисмига нисбатан мулкдор эканлиги ва 1/35 қисмига меросхўр деб топилганлигини инобатга олиб, унинг низоли уйдаги улушини 6/35 деб белгилашни лозим топади.

Суд Акбар Каримович Рустамов Акбар Каримович низоли уйнинг 1/7 қисмига нисбатан мулкдор эканлиги ва 1/35 қисмига меросхўр деб



топилганлигини инобатга олиб, унинг низоли уйдаги улушини  $6/35$  деб белгилашни лозим топади.

Суд Рустам Каримович Рустамов низоли уйнинг  $1/7$  қисмига нисбатан мулкдор эканлиги ва  $1/35$  қисмига меросхўр деб топилганлигини инобатга олиб, унинг низоли уйдаги улушини  $6/35$  деб белгилашни ҳамда унинг вафотидан сўнг, низоли хонадоннинг  $6/35$  қисмидаги улушига нисбатан турмуш ўртоғи Малика Жаббаровна Рустамова, фарзандлари Рахимберди Рустам ўғли Рустамов ва Мадина Рустам қизи Рустамова ҳамда отаси Карим Рустамовни тенг улушларда, яъни Малика Жаббаровна Рустамова, Рахимберди Рустам ўғли Рустамов ва Мадина Рустам қизи Рустамова ҳар бирининг низоли уйнинг  $3/70$  қисмига, Рустамов Карим эса  $3/14$  ( $6/35 + 3/70$ ) қисмига нисбатан меросхўр деб топиш ҳақидаги хулосага келади.

Фуқаролик кодексининг 1120-моддасига асосан фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади.

Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Қонун бўйича меросхўрни меросдан маҳрум этиш, агар васиятномадан бошқа ҳол келиб чиқмаса, бу васият қилувчининг тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик қиладиган авлодларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли.

Мерос қолдирувчи васият қилаётган пайтида ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли. Агар мерос очилган пайтга келиб, бундай мол-мулк унга тегишли бўлиб қолса, тегишли фармойиш ҳақиқий ҳисобланади.

Мазкур қонун нормаси талабидан келиб чиқиб, суд М. Ж. Рустамованинг васиятнома бўйича меросхўр деб топиш ҳақидаги қарши даъво талабини муҳокама қилиб, Рустамов Карим вафот



этишидан олдин ўзига тегиши керак бўлган Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Қушбеги мавзеси, 6-уй, 33-хонадонни 2009 йил 28 август куни Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани 2-сонли Давлат нотариал идораси нотариуси М. М. Ниёзова томонидан тасдиқланган, 2894-сонли реестр рақами билан қайд этилган васиятномага асосан Рустамов Рахимберди Рустам ўғлига васият қилиб қолдирганлигини, К. Рустамовнинг низоли уйдаги улуши 3/14 қисмини ташкил қилишлигини инobatга олиб, 2011 йил 12 февраль куни вафот этган Рустамов Каримнинг низоли хонадоннинг 3/14 қисмидаги улушига нисбатан Рустамов Рахимберди Рустам ўғлини васиятнома бўйича меросхўр деб топиш ҳақида хулосага келади.

Суд Р. Рустамовнинг низоли уйнинг 3/70 қисмига қонун бўйича меросхўр эканлиги ва 3/14 қисмига васиятнома бўйича меросхўр деб топилганлигини инobatга олиб, унинг низоли уйдаги улушини 9/35 деб белгилашни лозим деб топади.

Олий суд Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисидаги 14-сонли қарорининг 22-бандидаги тушунтиришларига кўра, мулкка нисбатан ворислик ҳуқуқи тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилганда, давлат божи суд томонидан мол-мулкнинг умумий қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади ва ворисларнинг ҳар биридан унинг улушига мутаносиб равишда ундирилади.

Бунда мол-мулкнинг умумий қийматига, хусусан, уй-жой (квартира) ёки уй-жой қурилиш ширкатидаги пай, башарти ворислар шу уй-жой (квартира)да мерос қолдирувчи билан бирга яшаб келишган, у вафот этган кунга қадар рўйхатдан (пропискадан) ўтишган ва мерос қолдирувчи вафотидан сўнг ҳам яшашни давом эттиришаётган бўлсалар қирмайди.

Суд меросхўрлар Рустамов Акбар, Рустамова Малика, Рустамов Рахимберди ва Рустамова Мадина низоли уй-жойда мерос қолдирувчилар билан бирга рўйхатдан ўтган ҳолда яшаб келишганлигини ва уларнинг вафотидан сўнг ҳам яшашни давом эттиришаётганлигини инobatга олиб, меросхўр деб топишда давлат божини тўлашдан озод қилишни лозим топади.

Низоли хонадоннинг инвентар баҳоси 3 678 693 сўмни ташкил қилишлиги, М. Р. Рустамова эса қарши даъво ариза тақдим қилишда суднинг ажрими билан давлат божи тўловидан озод қилинганлиги ҳамда даъвогар Н. Нарзуллаева, И. Рустамова ва Д. Рустамовлар даъво ариза тақдим қилишда 398 000 сўм давлат божи тўлашганлигини инobatга олиб, давлат божи етарли миқдорда тўланган деган хулосага келади.



Меросхўрлар Мунира Каримовна Рустамова (Рахимова), Васида Каримовна Рустамова (Маджидова)дан ҳар биридан 5255 сўм давлат божини ундиришни лозим топади.

Ўқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Наргиза Алишеровна Нарзуллаева, Ирода Акбар қизи Рустамова, Дониёр Акбарович Рустамов ва Насиба Акбар қизи Рустамованинг жавобгар Акбар Каримович Рустамов ва Малика Жаббаровна Рустамоваларга нисбатан хусусийлаштирилган уй-жойдаги улушини белгилаш, уйга киритиш ва фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилсин.

Малика Жаббаровна Рустамова жавобгар Наргиза Алишеровна Нарзуллаева ва бошқаларга нисбатан хусусийлаштирилган хонадондаги улушини белгилаш, васиятнома ва қонун бўйича меросхўр деб топиш ҳақидаги қарши даъво талаблари қаноатлантирилсин.

Карим Рустамов, Дилбар Исламовна Рустамова, Акбар Каримович Рустамов, Наргиза Алишеровна Нарзуллаева, Рустам Каримович Рустамов, Дониёр Акбарович Рустамов ва Ирода Акбар қизи Рустамова Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Қушбеги мавзеси, 6-уй, 33-хонадонни хусусийлаштириш иштирокчиси деб топилсин ва уларни ҳар бирининг низоли уйдаги улуши 1/7 деб белгилансин.

Наргиза Алишеровна Нарзуллаева фарзандлари Дониёр Акбарович Рустамов, Ирода Акбар қизи Рустамова ва Насиба Акбар қизи Рустамова билан биргаликда Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Қушбеги мавзеси, 6-уй, 33-хонадонга фойдаланиш ҳуқуқи билан киритиб қўйилсин.

2003 йил 03 октябрь куни вафот этган Дилбар Исламовна Рустамова (Ғазиханова)нинг низоли Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Қушбеги мавзеси, 6-уй, 33-хонадондаги 1/7 қисмидаги улушига нисбатан Карим Рустамов, Акбар Каримович Рустамов, Мунира Каримовна Рахимова (Рустамова), Васида Каримовна Маджидова (Рустамова) ва Рустам Каримович Рустамовлар тенг улушларда, яъни уларни ҳар бири низоли уйнинг 1/35 қисмига нисбатан меросхўр деб топилсинлар.

2008 йил 01 июнь куни вафот этган Рустам Каримович Рустамовнинг низоли Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Қушбеги мавзеси, 6-уй, 33-хонадондаги 6/35 қисмидаги улушига нисбатан Малика Жаббаровна Рустамова, Раҳимберди Рустам ўғли Рустамов ва Мадина Рустам қизи Рустамова ҳамда отаси Карим Рустамов



ни тенг улушларда, яъни уларни ҳар бирини низоли уйнинг 3/70 қисмига нисбатан, меросхўр деб топилсинлар.

Карим Рустамовнинг хонадондаги жами улуши 3/14 деб белгилансин.

2011 йил 12 февралда вафот этган Карим Рустамовнинг низоли Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Қушбеги мавзеси, 6-уй, 33-хонадондаги 3/14 улушига 2010 йил 28 август куни Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани 2-сонли Давлат нотариал идораси нотариуси М. М. Ниёзова томонидан тасдиқланган, 2894-сонли реестр рақами билан қайд этилган васиятномага асосан Рахимберди Рустам ўғли Рустамов меросхўр деб топилсин.

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Қушбеги мавзеси, 6-уй, 33-хонадоннинг 6/35 қисмига- Акбар Каримович Рустамов, 1/7-қисмига Наргиза Алишеровна Нарзуллаева (Рустамова), 1/7 қисмига — Дониёр Акбарович Рустамов, 1/7-қисмига — Ирода Акбар кизи Рустамова, 1/35 қисмига- Мунира Каримовна Рахимова (Рустамова), 1/35 қисмига — Василя Каримовна Маджидова (Рустамова), 3/70 қисмига — Малика Жаббаровна Рустамова, 3/70-қисмига Мадина Рустам кизи Рустамованинг ва 9/35 қисмига-Рахимберди Рустам ўғли Рустамовнинг эгалик ҳуқуқлари белгилансин.

Мунира Каримовна Рустамова (Рахимова) ва Василя Каримовна Рустамова (Маджидова) дан ҳар биридан давлат даромадига 5255 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:      имзо      А. Валиев



## 2.2.2. Уйдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар

Турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги ишларни кўришда, суд мазкур муносабатлар Уй-жой кодексининг 52–54-моддалари билан тартибга солинганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида амал қилинган тегишли қонун нормасини кўрсатмоғи лозим.

Қайд этиш лозимки, ушбу Кодекснинг 52–54-моддаларида муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидоги турар жойга нисбатан қўлланилиши белгиланган. Агарда низоли турар жой қайд этилган фондларнинг уйларига қарашли бўлмаса (масалан хусусий уй-жой), суд Фуқаролик кодексининг 5-моддаси 1-қисмига мувофиқ қонун ўхшашлигини қўллаган ҳолда кўрсатиб ўтилган моддаларини қўллаши ва бу ҳақда ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида кўрсатмоғи лозим.

Турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги низолар юзасидан Олий суд Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 22-сонли (*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги 6-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан*), 1997 йил 2 майдаги “Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 3-сонли (*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 24-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан*) қарорларида тушунтиришлар берилган бўлиб, суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида Пленум тушунтиришларини қоида тариқасида кўрсатмоғи лозим бўлади.

Олий суд Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги 22-сонли қарорининг 5-бандига кўра, мулкдор, унинг оила аъзолари, ижарачи ва унинг оила аъзолари ўртасида уй-жой масаласида келиб чиққан низолар (уйга киритиш, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, уйдан кўчириб чиқариш) суд тартибида ҳал қилинади ва мазкур тоифадаги ишларни кўришда низоли уйда яшовчи вояга етган барча шахслар тегишлилигича ишга жалб қилиниши лозим.

Юқорида қайд этилган тушунтиришларга кўра, низоли уйда яшовчи вояга етган барча шахслар мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида ишга жалб қилиниб, ҳал қилув қарорининг баён қисмида уларнинг тушунтиришлари кўрсатилиши керак.





Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида суд томонидан аниқланган жавобгарнинг уйдан фойдаланмаслик сабаблари узрли ёки узрсиз эканлиги, шахснинг йўқлиги даврида Уй-жой кодексининг 52-моддасида белгиланган турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи унда сақланиши ёки сақланмаслиги тўғрисидаги ҳулосаси, шу ҳулосага асос бўлган далиллар, суд томонидан у ёки бу далилларни рад этиш учун асос бўлган важлар, суд қўллаган қонунлар кўрсатилади.

Шунингдек, агарда уйдан фойдаланиш ҳуқуқи мулк ҳуқуқидан келиб чиққан бўлса, жавобгарда мулк ҳуқуқи мавжудлиги ёки тугатилганлиги тўғрисида ҳулоса ва қўлланган қонун кўрсатилиши лозим.

Олий суд Пленумининг “Уй-жой бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарори 5-бандининг 6-кичик бандига кўра нотариал тартибда тузилган уй-жой шартномасида сотувчи ва унинг оила аъзоларининг турар жой рўйхатидан чиқиб кетиш муддати кўрсатилган бўлса, шу муддат тугаган кундан, муддат кўрсатилмаган бўлса шартнома тузилган кундан эътиборан улар турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб ҳисобланади.

Баён этилганларга кўра, сотиб олинган уй-жойдан сотувчи ва унинг оила аъзоларининг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги ишлар бўйича суд ҳал қилув қарорининг ҳулоса қисмида мазкур шахслар қайси санадан турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топилганликларини кўрсатиши лозим.



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини  
йўқотган деб топиш тўғрисидаги  
ҳал қилув қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2014 йил июнь ойининг 30 куни фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья В. Т. Валиев,

З. Бекназарованинг котиблигида, даъвогарнинг иштирокида, даъвогар Раҳима Каримовна Шамшиеванинг жавобгарлар Феруза Эргашевна Чориева, Рустам Тельмонович Чориев, Рашид Рустамович Чориев, Гузал Рустамовна Чориева ва Раҳим Рустамович Чориевларга нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги фуқаролик ишини кўриб, қуйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Р. К. Шамшиева жавобгарлар Ф. Э. Чориева, Р. Т. Чориев, Р. Р. Чориев, Г. Р. Чориева ва Р. Р. Чориевларга нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида даъвогар Р. К. Шамшиева даъво талабларини тўлиқ қувватлаб, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Спутник мавзеси, 9-уйдаги 56-хонадон Тошкент шаҳар, Сергели туман ҳокимининг 2013 йил 29 апрелдаги 196-сонли қарорига биноан унга ҳамда унинг турмуш ўртоғи билан фарзандларига ажратилганлиги, хонадонни хусусийлаштириш жараёнида жавобгарлар низоли хонадон рўйхатида туриб, 2007 йилнинг май ойидан буён ушбу манзилда яшамасликларини билганлиги ҳақида кўрсатув бериб, юқоридагиларни инобатга олган ҳолда даъво талабларни қаноатлантиришни сўраган.

Суд жавобгарлар Феруза Эргашевна Чориева, Рустам Тельмонович Чориев, Рашид Рустамович Чориев, Гузал Рустамовна Чориева ва Раҳим Рустамович Чориевнинг амалдаги яшаш жойи номаълум бўлганлиги сабабли, уларнинг рўйхатда турган манзилига суд чакирув қоғози юборилганда, “Бирдамлик” маҳалла фуқаролар



йиғини раисининг жавобгарлар мазкур манзилда яшамаётганлиги сабабли уларга суд чакирув қоғозларини топширишнинг имконияти бўлмаганлиги ҳақидаги маълумотларини инобатга олиб, фуқаролик ишини Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 139-моддасига асосан жавобгарларнинг иштирокисиз кўришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд мажлисига мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган Сергели туман ҳокимиятининг вакили З. В. Шокирова 1994 йил 01 январдаги хусусийлаштириш ордери бўйича Сергели тумани, Спутник мавзеси, 9-уйдаги 56-хонадон Ф. Э. Чориевага тегишли бўлганлиги, 2007 йил 17 октябрь куни Ф. Чориева ушбу низоли хонадонни А. И. Алиевга сотганлиги, лекин шу кунга қадар оила аъзолари билан хонадон рўйхатида қолиб кетганлигини, А. И. Алиев эса низоли хонадон рўйхатига ўтмай, А. И. Алимовга сотган, у эса ўз навбатида ушбу хонадонни ер участкаси олиш учун Тошкент шаҳар ҳокимиятига топширганлигини, ҳокимият А. И. Алимов томонидан топширилган хонадонни уй-жой шарт-шароитларини яхшилаш учун Чиланзор ҳокимиятида рўйхатда турган шахслар учун ажратганлигини, даъвогар оиласи билан шундай рўйхатда турганлиги сабабли шу хонадон даъвогарнинг оила аъзолари учун ажратилганлиги кўрсатиб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд даъвогар, мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс вакили ва гувоҳларнинг тушунтиришини, тинглаб ва иш материаллари билан танишиб, қуйидагиларга асосан даъвони қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Суд томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Спутник мавзеси, 9-уйдаги 56- хонадон Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг коммунал мулкчилик ва хусусийлаштириш бош бошқармаси томонидан 1994 йил 01 февралдаги 06-21/1349-сонли уй-жойни шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномасига асосан ва 2007 йил 03 октябрда берилган ТС №0400882 серияли гувоҳномасига асосан Чориева Феруза Эрғашевнага тегишли бўлган.

Ф. Чориева 2007 йил 17 октябрь куни шу хонадонни А. И. Алиевга сотган ва мазкур олди-сотди шартномаси Тошкент шаҳар хусусий нотариал идорасининг нотариуси томонидан тасдиқланиб, расмий рўйхат китобида 6142-сон билан қайд қилинган.



Мазкур олди-сотди шартномасининг 6-бандига кўра сотувчи низоли хонадонда яшаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва рўйхатдагилар билан шартнома расмийлаштирилган кундан бошлаб, 30 кун муддат ичида рўйхатдан ўчиш ва ушбу муддатда хонадонни бўшатиб бериш мажбуриятини ўз зиммаларига олганлар.

А. Н. Алиев номидан нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома асосида ҳаракат қилувчи Б. Самигов 2007 йил 29 декабрь куни низоли хонадонни А. И. Алимовга сотган ва мазкур олди-сотди шартномаси Тошкент шаҳар хусусий нотариал идорасининг нотариуси томонидан тасдиқланиб, расмий рўйхат китобида 1-15324-сон билан қайд қилинган.

Шартноманинг 13-бандига кўра, сотувчи уй эгаси ва уй рўйхатида бўлган оила аъзоларини шартнома имзолангандан кейин бир ой муддат ичида уй рўйхатидан ўчириш ва уйни бўшатиш мажбуриятини олган. Ушбу шартнома расмийлаштирилишида ҳам жавобгарлар Феруза Эргашевна Чориева, Рустам Тельмонович Чориев, Рашид Рустамович Чориев, Гузал Рустамовна Чориева ва Рахим Рустамович Чориевлар нотариал идорага ариза билан мурожаат қилиб, хонадонни сотилишига ўз розилиқларини билдириб, шартномада кўрсатилган муддат ичида уй рўйхатидан ўчиш мажбуриятини олганлар.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2008 йил 19 февралдаги 98-сонли “Ер бўлақларини ажратиш тўғрисида”ги қарори билан Сергели тумани, 77-уйдаги 2 хонали 20-хонадонни ва Сергели тумани, Спутник мавзеси, 9-уйдаги 4 хонали 56-хонадонни топширувчи А. И. Алимовга 600 кв.м. 29а-сонли ер бўлаги ажратилган.

Тошкент шаҳар Сергели туман ҳокимининг 2008 йил 24 мартдаги 115-сонли қарори билан Тошкент шаҳар ҳокимининг 2008 йил 19 февралдаги “Ер бўлақларини ажратиш тўғрисида”ги 98-сонли қарори ва иловаси ижро учун қабул қилинган. Иловада келтирилган бўшатиш хонадонлар маҳаллий ҳокимият тасарруфига қабул қилинган. Туман уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлими ушбу бўшаган хонадонларни рўйхатга олиш, қабул қилиш ва ўрнатилган тартибда шаҳар бошқармасига топширилишини таъминлаган ҳамда хусусийлаштирилишини бекор қилган. Сергели туман ҳокимининг 2013 йил 29 апрелдаги 196-сонли қарорига асосан Спутник мавзеси 9-уйдаги 4 хонали 56-хонадон маҳаллий ҳокимият тасарруфига қабул қилинган.

Сергели туман ҳокимиятининг 2008 йил 28 апрелдаги 196-сонли қарорига асосан 2008 йил 1 майдаги 001434-сонли 006 серияли



ордер асосида Сергели тумани, Спутник мавзеси, 9-уйдаги 4 хонали 56-хонадон квартира Раҳима Каримовна Шамшиевага 5 кишидан иборат оила аъзоси билан эгаллаш учун берилган.

Мазкур фуқаролик иши ҳужжатларига илова қилинган “Форма 17” маълумотномасига кўра жавобгарлар Феруза Эргашевна Чориева, Рустам Тельмонович Чориев, Рашид Рустамович Чориев, Гузал Рустамовна Чориева ва Раҳим Рустамович Чориевлар 12 март 1993 йилдан то ҳозирги кунга қадар низоли хонадонда рўйхатда турибдилар.

Сайёр суд мажлисида гувоҳ сифатида сўралган А. Т. Жалилов даъвогарнинг қўшниси эканлиги, у ушбу уйда бир неча йилдан буён истиқомат қилиши, жавобгарлар низоли хонадонни 2007 йил сотиб кетишганлигини эшитганлиги, бирор муддат хонадонда ҳеч ким яшамаганлиги, кейин даъвогар оила аъзолари билан кўчиб келиб, низоли хонадонда истиқомат қилаётганликлари, жавобгарнинг ҳозирги кунда қаердалигидан хабари йўқлиги ҳақида кўрсатув берган.

Сайёр суд мажлисида гувоҳ сифатида сўралган З. З. Маматова Чориевлар оиласи низоли хонадондан кўчиб кетганликларига анча бўлганлиги, шундан сўнг хонадонда ҳеч ким яшамаганлиги, кейинчалик низоли хонадон ҳокимият томонидан даъвогарга берилганлиги, жавобгарларнинг ҳозирги вақтдаги яшаш манзилларини билмаслиги ҳақида кўрсатув берган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 52-моддасига кўра муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча бўлмаганида, турар жой олти ой муддат давомида уларнинг ҳисобида сақланиб туради.

Юқорида қайд этилган кодекснинг 54-моддасига мувофиқ фуқароларни белгиланган муддатдан ортиқ бўлмаганлари оқибатида муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ижарага берувчининг ёки ушбу турар жойда яшаб қолган бошқа доимий фойдаланувчиларнинг даъво аризасига биноан суд тартибида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Уй-жой бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарори 5-бандининг 6-кичик бандига кўра нотариал тартибда тузилган уй-жой шартномасида сотувчи ва унинг оила аъзоларининг турар жой рўйхатидан чиқиб кетиш



муддати кўрсатилган бўлса, шу муддат тугаган кундан, муддат кўрсатилмаган бўлса шартнома тузилган кундан эътиборан улар турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб ҳисобланади.

Суд низоли хонадоннинг олди-сотди шартномаларини расмийлаштиришда жавобгарларнинг нотариал тартибда расмийлаштирилган розиликлари олинганлиги, сотувчи ва уй рўйхатида турувчилар ҳар бир шартнома расмийлаштирилишида шартномада кўрсатилган муддат ичида уйни бўшатиш ва уй рўйхатидан ўчиш мажбуриятини ўз зиммаларига олганликлари, шунингдек жавобгарлар низоли хонадонни сотганларидан буён яшамаётганликлари қўшнилар иштирокида тузилган ва "Бирдамлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси томонидан тасдиқланган далолатномадан ташқари, судда сўралган гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тўлиқ тасдиқланганлигини инобатга олиб, юқоридаги қонун талаблари ва Олий суд Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларига асосан, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида хулосага келади.

Шунингдек, суд Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 104-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги "Давлат божи ставкалари ҳақида"ги қарорига асосан давлат божи ундириш масаласини муҳокама қилиб, даъвогар Р. К. Шамшиева даъво ариза тақдим қилишда 48 052 сўм давлат божи тўлаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 116-моддасига мувофиқ, ушбу давлат божи суммасини жавобгарлар Феруза Эргашевна Чориева, Рустам Тельмонович Чориев, Рашид Рустамович Чориев, Гузал Рустамовна Чориева ва Рахим Рустамович Чориевлардан солидар тартибда даъвогар Шамшиева Раҳима Каримовнанинг фойдасига ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Раҳима Каримовна Шамшиеванинг жавобгарлар Феруза Эргашевна Чориева, Рустам Тельмонович Чориев, Рашид Рустамович Чориев, Гузал Рустамовна Чориева ва Рахим Рустамович Чориевларга нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгарлар 1965 йилда туғилган Феруза Эргашевна Чориева, 1963 йилда туғилган Рустам Тельмонович Чориев, 1988 йилда туғилган Рашид Рустамович Чориев, 1986 йилда туғилган Гузал



Рустамовна Чориева ва 1990 йилда туғилган Раҳим Рустамович Чориев Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Спутник мавзеси, 9-уйдаги 56-хонадондан 2008 йил 28 январдан бошлаб фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топилсинлар.

Жавобгарлар Феруза Эргашевна Чориева, Рустам Тельмонович Чориев, Рашид Рустамович Чориев, Гузал Рустамовна Чориева ва Раҳим Рустамович Чориевлардан солидар тартибда даъво ариза тақдим қилишда тўланган 48 052 сўм давлат божи суммаси даъвогар Раҳима Каримовна Шамшиеванинг фойдасига ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:      имзо      В. Т. Валиев



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини  
йўқотган деб топишни рад қилиш  
тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг  
намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2014 йил июнь ойининг 30 куни фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик этувчи судья В. Т. Валиев,

3. Бекназарованинг котиблигида, Яккасарой туман прокурорининг қатта ёрдамчиси С. К. Жалолованинг иштирокида даъвогар Эътибор Ганиевна Муродованинг жавобгар Наим Шамсиевич Муродовга нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги фуқаролик ишини кўриб, қуйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Э. Г. Муродова жавобгар Н. Ш. Муродовга нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида сўралган даъвогар Э. Г. Муродова даъво аризасини қувватлаб, 1990 йил 15 апрель куни жавобгар билан қонуний никоҳдан ўтиб, оила қурганликлари, 1994 йил 30 август куни улар Яккасарой тумани, Олмазор кўчасидаги низоли 41-сонли уйни ўзининг номига сотиб олганликлари, турмушлари яхши бўлмаганлиги сабабли, фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 2014 йил 20 январдаги қарорига асосан улар никоҳдан ажратилганликлари, 2013 йилдан буён жавобгар билан биргаликда яшамаётганликлари, лекин жавобгар низоли уйда рўйхатда бўлганлиги сабабли, жавобгар учун ҳам коммунал тўловларни ўзи тўлашга мажбур эканлиги, ҳозирги кунда коммунал тўловлар ошиб кетганлиги сабабли қийналиб қолганлиги ҳақида кўрсатма бериб, даъво талабларини қаноатлантиришни сўради.

Суд жавобгар Н. Ш. Муродовнинг амалдаги яшаш жойи номаълум бўлганлиги, унинг рўйхатда турган манзилига суд чақирув қоғози юборганда, “Олмазор” маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси жавобгар мазкур манзилда яшамаётганлиги сабабли унга суд чақирув қоғозини





топширишнинг имконияти бўлмаганлиги ҳақидаги маълумотини инobatга олиб, фуқаролик ишини Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 139-моддасига асосан жавобгарнинг иштирокисиз кўришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд даъвогарнинг тушунтиришини, Яккасарой туман прокурорининг катта ёрдамчиси С. К. Жалоловнинг даъвои рад этиш ҳақидаги фикрини тинглаб, иш материаллари билан танишиб, қуйидагиларга асосан даъвои рад этишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, даъвогар Э. Г. Муродова билан жавобгар Н. Ш. Муродов 1990 йил 15 апрель куни Тошкент шаҳар 1-сонли “Никоҳ уйи” орқали қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурганлар.

Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 2014 йил 20 январдаги ҳал қилув қарори билан Э. Г. Муродова ва Н. Ш. Муродовлар никоҳдан ажратилган.

Даъвогар Э. Г. Муродова 1994 йил 30 август куни Тошкент шаҳар Олмазор кўчасидаги низоли 41-уйни И. Д. Саломовдан сотиб олган ва мазкур олди-сотди шартномаси Яккасарой туман 1-сонли нотариал идораси реестрида 1-5830-сон билан қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 23-моддасининг 1-қисмига кўра эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргалликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 164-моддасига мувофиқ мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорининг 5-бандида мулкдорга нисбатан уй-жойда яшаш ҳуқуқини йўқотган деб топишга йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.

Суд низоли уй Э. Г. Муродова ва Н. Ш. Муродовларнинг турмуш даврида орттирилган мулк бўлганлиги сабабли Оила кодексининг 23-моддасига мувофиқ тарафларнинг биргалликдаги умумий мулки ҳисобланишлигини ва тарафлар ФКнинг 164-моддасига асосан мазкур уй-жойга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф



этишда тенг ҳуқуққа эга эканликларини инобатга олиб, Олий суд Пленумининг юқоридаги раҳбарий кўрсатмаларига асосланиб, даъвогар Э. Г. Муродованинг даъво талабларини рад қилишни лозим ҳисоблайди.

Шунингдек, суд Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 104-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги қарорига асосан давлат божи ундириш масаласини муҳокама қилиб, даъвогар Э. Г. Муродова даъво ариза тақдим қилишда 48 052 сўм давлат божи тўлаганлигини инобатга олади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Эътибор Ганиевна Муродованинг жавобгар Наим Шамсиевич Муродовга нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги даъво талаби рад этилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:      имзо      В. Т. Валиев



### **2.2.3. Уйдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар**

Уйдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги ишларни кўришда, суд мазкур муносабатлар иккиламчи бўлиб, мулк ҳуқуқи ва турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқидан келиб чиқишини инобатга олишлари лозим ва бу ҳақда ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида амал қилинган тегишли қонун нормасини кўрсатмоғи лозим.

Турар жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги низолар юзасидан Олий суд Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 22-сонли (*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги 6-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан*), 1997 йил 2 майдаги “Хусусийлаштирилган турар жойларга эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 3-сонли (*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 24-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан*), 2004 йил 24 сентябрдаги “Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 14-сонли қарорларига тушунтиришлар берилган бўлиб, суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида Пленум тушунтиришларини қоида тариқасида кўрсатмоғи лозим бўлади.

Амалиётда асосан уй-жойни бўлиш имконияти мавжуд бўлмаганида суд турар жойдан фойдаланиш тартибини белгилаб бериши мумкин (Олий суд Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги 22-сонли қарорининг 6-банди, 1997 йил 2 майдаги 3-сонли қарорининг 24-банди).

Уй-жойдан фойдаланиш тартиби шу уй-жой улушли мулк бўлиб, мулкдорлар ўртасида белгиланади.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида низоли уй-жойда мавжуд бўлган хоналар ва фойдаланишда бўлган умумий майдонни ҳисобга олиб, ҳисса бўйича тенг ёки ҳиссадан унча кўп, унча кам бўлмаган ҳолда фойдаланиш тартибини белгилаш имконияти мавжудлигини ёки мавжуд эмаслиги, бу ҳақда олинган тегишли экспертиза хулосаси, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилмоғи лозим.

Даъво қаноатлантирилганида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида тарафларга фойдаланиши белгиланган хоналар ва ёрдамчи хоналар, шу жумладан умумий фойдаланишда қолдирилган ёрдамчи хоналар аниқ кўрсатилиши лозим.



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Уй-жойдан фойдаланиш тартибини  
белгилаш тўғрисидаги ҳал қилув  
қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2014 йил июнь ойининг 02 кuni фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья В. Т. Валиев,

3. Бекназарованинг котиблигида, Сергели туман прокурорининг катта ёрдамчиси А. Шарипов, тарафлар, мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахснинг иштирокида, даъвогар Зарина Ражабовна Мажидованинг жавобгарлар Тожинисо Зокировна Фаридова ва Зулфия Агзамовна Шакаровага нисбатан уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, куйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар З. Р. Мажидова жавобгарлар Т. З. Фаридова ва З. А. Шакаровага нисбатан уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида сўралган даъвогар З. Р. Мажидова даъво талабларини қувватлаб, 1995 йилда С. Мажидовга турмушга чиқиб, Сергели тумани, Шодлик кўчаси, 163-уйга келин булиб тушганлиги, турмушлари давомида 3 нафар фарзандлари туғилганлиги, турмуш ўртоғи 2005 йилда вафот этганлиги, шундан кейин қайнонаси Т. З. Фаридова билан юқорида кўрсатилган манзилдаги 3 хона ва 1 айвондан иборат ҳовлида яшаб келганлиги, қайнонаси билан муносабатлари 2007 йилдан бузилганлиги, қайнисинглиси З. А. Шакарова ўз оиласи билан 2009 йилда улар яшаб турган ҳовлига рўйхатдан ўтишганлиги, шундан сўнг жавобгарлар билан мунтазам оилавий келишмовчиликлар келиб чиқа бошлаганлиги, 2014 йил 2 январь кuni ишда бўлган пайтида жавобгарлар у фарзандлари билан яшайдиган хоналарининг эшигини бузиб, унинг уй жиҳозларини ҳовлига чиқариб ташлаганликлари, ҳовлининг куйи қисмида бўлган санитария талабларига жавоб бермайдиган бир хонадан иборат хонага



киритиб қўйишганлигини кўрсатиб, уй-жойнинг келин бўлиб тушган хонасидан фойдаланиш тартибини белгилаб беришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар Т. З. Фаридова даъвога норози бўлиб, низоли уй-жой мукаддам турмуш ўртоғи А. Мажидовга тегишли бўлганлиги, ўрталарида уч нафар фарзандлари борлиги, ўғли С. Мажидов 2005 йилда ва қизи С. Нурова 2010 йилда вафот этганлиги, учинчи фарзанди З. А. Шакарова эканлиги, низоли уй-жойда 45 йилдан буён яшаб келаётганлиги, даъвогар 1996 йилда низоли уй-жойга келин бўлиб тушганлиги, у ҳозирги кунга қадар низоли уй-жойда яшаб келаётганлиги, унинг яшаш учун барча шароитлари борлиги, лекин уни келин бўлиб тушган хонасига кириб яшашига қарши эканлигини кўрсатиб, даъвони рад қилишни сўради.

Суд мажлисида жавобгар З. А. Шакарова даъво талабига норози бўлиб, Т. З. Фаридовани курсатмаларини тўлиқ қувватлаб, қўшимча равишда 2007 йилдан буён низоли уй-жойда яшаб келишини, низоли уй-жойга яшашга келганида коммунал ва бошқа тўловлардан қарздорлик мавжуд бўлганлиги, даъвогар З. Мажидованинг акаси С. Мажидов билан турмуши яхши бўлмаганлиги, улар ўртасида доимо низо бўлганлиги, ҳозирги кунда низоли уй-жойда онаси Т. Фаридова, даъвогар З. Мажидова, унинг фарзандлари Захида Агзамова, Хикматилла Агзамов, Хасан Агзамов, ўзи, фарзандлари Аъзам Шакаров ва Аваз Шакаровлар доимий рўйхатда туриб яшаб келишларини кўрсатиб, суддан даъвони рад этишни сўради.

Суд мажлисида мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс Ф. Д. Нуров С. Нурова (Фаридова) билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлиги ва жавобгар Т. З. Фаридовани куёви бўлишини, турмуш ўртоғи 2010 йилда вафот этганлигини, мархума хотинининг ҳам низоли бўлаётган Сергели тумани, Шодлик кўчаси, 163-уйда улуши борлигини, низоли уй-жойга кириб яшаш нияти йўқлиги, шунга қарамадан даъвогарни келин бўлиб тушган хонасидан фойдаланишига қарши эканлиги, сабаби у қайнонаси билан келиша олмаганлиги, қайнонасининг тинч яшашини хошлашлигини кўрсатиб, суддан даъво талабини рад қилишни сўради.

Суд тарафларнинг, мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахснинг кўрсатмаларини ҳамда Сергели туман прокурорининг катта ёрдамчиси А. Шариповнинг иш бўйича фикрини тинглаб, фуқаролик иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво аризани рад қилиш ҳақидаги хулосага келади.

Фуқаролик иши ҳужжатларидан кўринишича, Сергели туман 3-сонли давлат нотариал идораси нотариусининг 2002 йил 6 ноябрдаги реестр рақами 1-1952-сон билан қайд қилинган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома ҳамда 2002 йил 6 ноябрдаги реестр рақами 1-1951-сон билан қайд қилинган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномага



асосан Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Шодлик кўчасидаги низоли 163-уй-жойнинг 5/8 қисми Т. З. Фаридовага, 1/8 қисми З. А. Шакаровага, 1/8 қисми С. Нуровага, 1/8 қисми даъвогарнинг эри С. Мажидовга мулк ҳуқуқи асосида тегишли.

Сергели туман 3-сонли давлат нотариал идораси нотариусининг 2009 йил 3 январдаги реестр рақами 1-27-сон билан қайд қилинган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномаси асосан даъвогар З. Р. Мажидова ва унинг 3 нафар фарзандлари Санжар Мажидов, Ситора Мажидова ҳамда Собир Мажидовлар марҳум С. Мажидовнинг вафотидан кейин очилган мерос мулки — низоли уй-жойнинг 1/8 қисмига тенг улушда меросхўр деб топилганлар.

Уй-жой умумий 405,00 кв.м. ер майдонида жойлашган булиб, инвентар ҳужжатларида литер А, А1, А2, Б, В, а, б остида белгиланган 4 та яшаш хонаси, ойнали айвон, ошхона, бостирма, ҳожатхона, дарвоза ва девордан иборат.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан тарафларнинг низоли уй-жойга нисбатан умумий улушли мулк ҳуқуқи мавжудлиги кўринади.

Суд томонидан мулкдорларнинг улушига мутаносиб равишда тенг ёки тенгликдан чекинган ҳолда низоли уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш имкониятлари бор ёки йўқлиги тўғрисида суд-қурилиш экспертизаси тайинланди.

Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг 2014 йил 25 майдаги 5097/16 сонли хулосасига қараганда, мулкдорларнинг улушига мутаносиб равишда тенг ёки тенгликдан чекинган ҳолда Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Шодлик кўчаси, 163-уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш мумкин эмас.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 14-сонли қарорининг 19-бандидаги тушунтиришларига кўра, умумий улушли мулк бўлган уйдан улушни асл ҳолида ажратиб бериш (уйни бўлиш) мумкин эмаслиги умумий улушли мулк иштирокчисининг уйдан фойдаланиш тартибини белгилаб бериш ҳақидаги талаб билан арз қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Бундай талабни ҳал этаётганда судлар, уйдан фойдаланишнинг амалда шаклланган ва умумий мулкдаги улушларга батамом мутаносиб келмаслиги ҳам мумкин бўлган тартибини, мулкдорлардан ҳар бирининг уйдан фойдаланишга бўлган эҳтиёжини ҳамда биргаликда фойдаланишнинг реал имкониятини инобатга олишлари зарур.

Баён этилганларни инобатга олиб, суд даъвогар З. Мажидова Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Шодлик кўчаси, 163-уй-жойнинг



А-литеридаги 2-сонли яшаш хонасида келин бўлиб тушганидан бери, яъни 1995 йилдан бери яшаб келганлигини, бошқа турар жойи йўқлигини, тарафлар ўртасида уйдан фойдаланиш тартиби амалда шаклланганлигини, шунингдек, қурилиш экспертизасининг хулосасига асосан мулкдорларнинг улушига мутаносиб равишда фойдаланиш тартибини белгилаш имкони йўқлиги ҳақидаги хулосани эътиборга олиб, З. Мажидованинг низоли уйдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантириб, А-литеридаги 2-сонли яшаш хонасидан фойдаланиш, ёрдамчи иморатлар ва қурилмалардан бошқа мулкдорлар билан умумий фойдаланиш тартибини белгилашни лозим топади.

Шунингдек суд, даъвогар З. Р. Мажидова 48 052 сўм давлат божи ҳамда экспертиза ўтказиш учун 140 000 сўм тўлаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ФПК 116-моддасининг 1-қисмидаги талабларига кўра жавобгарлардан даъвогар фойдасига ушбу харажатларни ундириб беришни лозим топади.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Зарина Ражабовна Мажидованинг жавобгар Тожинисо Зокировна Фаридова ва Зулфия Агзамовна Шакаровага нисбатан уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилсин.

Даъвогар Зарина Ражабовна Мажидованинг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Шодлик кўчаси, 163-уй-жойнинг А-литеридаги 2-сонли яшаш хонасидан фойдаланиш, ёрдамчи иморатлар ва қурилмалардан, яъни ошхона, ҳаммом, ҳожатхона, ертўла ва бостирмадан бошқа мулкдорлар билан умумий фойдаланиш тартиби белгилансин.

Жавобгарлар Тожинисо Зокировна Фаридова ва Зулфия Агзамовна Шакаровалардан солидар тартибда даъвогар Зарина Ражабовна Мажидованинг фойдасига тўланган давлат божи 48 052 сўм ва 140 000 сўм чиким, жами 188 052 сўм ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибда шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:      имзо      В. Т. Валиев



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Уй-жойдан фойдаланиш тартибини  
белгилаш тўғрисидаги ҳал қилув  
қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2014 йил октябрь ойининг 6 кунги фукаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик этувчи судья Т. Алиев

3. Бекназарованинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида, даъвогарлар Рустам ва Дониёр Бердиевлар ҳамда Сожида Бердиеванинг жавобгар Фарида Бердиевага нисбатан уйга киритиш ва уйдан фойдаланиш тартибини белгилаш хақидаги даъво аризаси бўйича юритилган фукаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогарлар Р. Бердиев, С. Бердиева ва Д. Бердиевлар жавобгар Ф. Бердиевага нисбатан судга даъво билан мурожаат қилиб, 1990 йилда ўзлари ва жавобгарга 3 хонадан иборат Қорасу-6 мавзеси, Иркутская кўчасидаги 22-уйнинг 15-квартираси берилганлигини, мазкур хонадон хусусийлаштирилишида иштирок этганликларини, ҳозирда жавобгар ўзларини уйга киритмаётганлигини кўрсатиб, уйга киритишни ва уйдан фойдаланиш тартибини белгилаб беришни сўрашган.

Судда даъвогар Р. Бердиев даъво талабларини қувватлаб, Тошкент трактор заводида ишлаганлигини, 1990 йилда низоли хонадон оиласи билан яшаш учун берилганлигини, ордерда 4 нафар оила аъзолари кўрсатилганлигини, кейинчалик мазкур хонадонни хусусийлаштирганликларини, ҳозирда хонадонда ўғли И. Бердиевнинг хотини иш бўйича жавобгар Ф. Бердиева фарзандлари ва турмуш ўртоғи билан яшашини кўрсатиб, хонадонга киритишни ва яшаш учун хона белгилаб беришни сўради.

Даъвогарлар С. Бердиева ва Д. Бердиев даъво талабларини қувватлаб, юқоридагига ўхшаш кўрсатмалар бериб, уйга киритишни ва фойдаланиш тартибини белгилаб беришни сўрашди.

Жавобгар Ф. Бердиева даъвога норози бўлиб, хонадонга келин бўлиб тушганлигини, даъвогарлар хонадон турмуш ўртоғи И. Бердиевга





қолишлиги тўғрисида гапириб келишганлигини, ҳозирда низоли хонадонда 4 нафар шахсдан иборат оиласи яшаб келаётганлигини, даъвогарларнинг кириб яшашларига шароит йўқлиги кўрсатди.

Мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилинган И. Бердиев, А. Бердиев ва Х. Бердиева даъвони тан олиб, қаноатлантиришни сўрашди.

Суд тарафларнинг, мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсларнинг тушунтиришларини тинглаб, иш материалларини ўрганиб ва таҳлил қилиб чиқиб, қуйидаги хулосага келади.

Судда аниқланган ҳолатларга қараганда, низоли бўлган Мирзо Улуғбек тумани, Қорасу-6, Иркутская кўчасидаги 22-уйнинг 15-квартираси Тошкент шаҳар Куйбишев район ижроия қўмитасининг 1988 йил 5 августдаги 034626-сонли 03-серияли ордерга асосан Р. Бердиевга берилган. Мазкур ордерда оила аъзолари Р. Бердиев, Ф. Бердиева, С. Бердиева, Д. Бердиев ва И. Бердиев кўрсатилган.

Кейинчалик низоли хонадон 04-01/3977-сонли 1993 йил 11 январдаги давлат далолатномасига асосан Р. Бердиев номига хусусийлаштирилган. Хонадонни хусусийлаштирилишида С. Бердиева, Д. Бердиев, И. Бердиев ва Ф. Бердиева иштирок этган.

И. Бердиев ва Ф. Бердиева 1986 йил 28 августда қонуний никоҳдан ўтиб бирга яшашган ва турмушларидан 1988 йил 15 октябрда туғилган Хилола, 1992 йил 21 июлда туғилган Азамат исмли фарзандлари бўлиб, улар ҳам низоли хонадонни хусусийлаштириш даврида хонадонда яшаб келишган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 32-моддасига кўра, хусусийлаштирилган квартира ёки уй мулкдорининг вояга етган оила аъзолари ва уй-жойнинг хусусийлаштирилишига розилик берган шахслар уларнинг умумий мулки бўлмиш хусусийлаштирилган квартира ёки уйга нисбатан қонунда белгиланган тартибда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар ва тенг мажбуриятларни бажарадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорининг 16-бандидаги тушунтиришларига кўра, ижарачи билан бирга яшаётган ва унинг оила аъзоси ёки собиқ оила аъзоси бўлиб ҳисобланган вояга етмаган шахслар ижарага олиш шартномасидан келиб чиқадиган барча ҳуқуқлардан тенг фойдаланишлари сабабли улар эгаллаб турган турар жойлари хусусийлаштирилган тақдирда вояга етган фойдаланувчилар билан тенг равишда шу турар жойга нисбатан умумий эгалик ҳуқуқига эга бўладилар.



Баён этилганларга кўра, Р. Бедиев, С. Бердиева, Д. Бердиев, И. Бердиев, Ф. Бердиева, Х. Бердиева ва А. Бердиевнинг ҳар бири низоли хонадоннинг 1/7 қисми миқдоридида мулк ҳуқуқига эга.

Фуқаролик кодексининг 164-моддасига кўра мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка ўз хохиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Бундай ҳолатларда суд даъвогарларнинг уйга киритиш ҳақидаги даъвоси асосли эканлиги ҳақидаги хулосага келади.

Тарафлар икки оилани ташкил қилишларини, яъни Ф. Бердиева, И. Бердиев ва уларнинг фарзандлари Х. Бердиева ҳамда А. Бердиев — бир оилани, Р. Бердиев, унинг турмуш ўртоғи С. Бердиева ва фарзандлари Д. Бердиев — иккинчи оилани ташкил қилишини, даъвогарлар жами улушларини ҳисобга олиб фойдаланиш тартибини белгилашни сўрашганлигини, низоли хонадон 3 та яшаш хонадан иборат бўлиб ҳар бир мулкдорнинг ўзига тегишли бўлган 1/7 улушига мутаносиб равишда фойдаланиш тартибини белгилашнинг иложи йўқлигини инobatга олиб, суд хонадонни икки оилага мўлжаллаб уларнинг таркибидан келиб чиқиб 3/7 ва 4/7 улушларга мувофиқ фойдаланиш тартибини белгилаш масаласини кўриб чиқишни лозим топади.

Суд техник-қурилиш экспертизасининг хулосасига кўра, 3/7 ва 4/7 қисмлардан келиб чиққан ҳолда низоли хонадондан фойдаланиш қуйидаги тартибда амалга оширилмоғи мумкин: 4/7 қисмга эга булган тарафга 2, 3-сонли хоналар, 1-сонли айвон, 3/7 қисмга эга булган тарафга 1-сонли хона, 3-сонли айвон, 2-сонли хужра ажратилиши мумкин. Ёрдамчи хоналар ошхона, ҳаммом, хожатхона, коридор умумий фойдаланишга қолдирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 116-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Даъво талаблари қаноатлантирилиши муносабати билан суд техник-қурилиш экспертизаси ўтказилиши учун тўланиши лозим бўлган 160 000 сўм чиқим даъвогар Р. Бердиев томонидан тўланганлигини, шунингдек Р. Бердиев томонидан даъво аризани тақдим қилишда 288 315 сўм давлат божи тўланганлигини инobatга олиб, барча



суд харажатларини даъвогарга жавобгар Ф. Бердиевадан ундиришни лозим топади.

Бинобарин юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203–206 моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогарлар Р. Бердиев, С. Бердиева ва Д. Бердиевнинг даъвоси қаноатлантирилсин.

Рустам Бердиев, Сожида Бердиева, Дониёр Бердиев Мирзо Улуғбек тумани, Қорасу-6 мавзеси, Иркутская кўчасидаги 22-уйнинг 15-квартирасига киритилсин.

Даъвогарлар Р. Бердиев, С. Бердиева С. ва Д. Бердиевга Мирзо Улуғбек тумани, Қорасу-6 мавзеси, Иркутская кўчасидаги 22-уйнинг 15-квартирасининг 1-сонли хонаси, 3-сонли айвон, 2-сонли хужрадан; жавобгар Ф. Бердиева, И. Бердиев, Х. Бердиева ва А. Бердиевга шу хонадоннинг 2, 3-сонли хоналари, 1-сонли айвонидан фойдаланиш тартиби белгилансин.

Ошхона, ҳаммом, хожатхона, коридор тарафларнинг умумий фойдаланишида қолдирилсин.

Жавобгар Фарид Бердиевадан даъвогар Рустам Бердиевнинг фойдасига суд харажатлари, яъни экспертиза ўтказилиши учун тўланган 160 000 сўм чиқим ҳамда 288 315 сўм давлат божи, жами 448 315 сўм ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:       имзо       Т. Алиев



## 2.2.4. Уйга киритиш ҳақидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар

Уй-жойга яшаш учун киритиб қўйиш тўғрисидаги даъволар юзасидан қўзғатилган ишларни кўришда суд Уй-жой кодексининг 32, 51–55-моддаларини, бундан ташқари даъво мулкдор томонидан қўзғатилган бўлса, Фуқаролик кодексининг 164-моддасини, Уй-жой кодексининг 11-моддаси 3-қисмини раҳбарликка олмоғи ва ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида амал қилинган тегишли қонун нормасини кўрсатмоғи лозим.

Уйга киритиш ҳақидаги низолар юзасидан Олий суд Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 22-сонли (*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги 6-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан*), 1997 йил 2 майдаги “Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 3-сонли (*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 24-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан*) қарорларида тушунтиришлар берилган бўлиб, суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида Пленум тушунтиришларини қоида тариқасида кўрсатмоғи лозим бўлади.

Олий суд Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги 22-сонли қарорининг 5-бандига кўра, мулкдор, унинг оила аъзолари, ижарачи ва унинг оила аъзолари ўртасида уй-жой масаласида келиб чиққан низолар (уйга киритиш, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, уйдан кўчириб чиқариш) суд тартибида ҳал қилинади ва мазкур тоифадаги ишларни кўришда низоли уйда яшовчи вояга етган барча шахслар тегишлилигича ишга жалб қилиниши лозим.

Юқорида қайд этилган тушунтиришларга кўра, низоли уйда яшовчи вояга етган барча шахслар мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида ишга жалб қилиниб, ҳал қилув қарорининг баён қисмида уларнинг тушунтиришлари кўрсатилиши керак.

Суд бундай тоифадаги ишларни даъвогарнинг низоли уйга кириб фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда ҳал этади. Шу муносабат билан ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида суд даъвогарни уйга киритиш асослари (мулк ҳуқуқи, турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи) ва мазкур муносабатни тартибга солувчи моддий қонун нормасини кўрсатиши лозим.

Даъво қаноатлантирилганида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида даъвогар ва унинг оила аъзолари, шу жумладан вояга етмаган оила аъзолари ҳар бири кўрсатилиши лозим.



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Уйга киритишни рад қилиш  
тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг  
намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2014 йил июнь ойининг 2 кунли фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья В. Т. Валиев,

3. Бекназаровнинг котиблигида, Яккасарой туман прокурорининг катта ёрдамчиси А. Шарипов, тарафлар, мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс иштирокида, даъвогар Нодира Қобиловна Кодированинг жавобгар Малика Мухтаровна Давроновага нисбатан уйга киритиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган фуқаролик иштини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Н. Кодирова жавобгар М. Давроновага нисбатан уйга киритиш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида сўралган даъвогар Н. Кодирова ўз даъво талабларини қувватлаб, жавобгар М. Давронованинг ўғли К. Кодиров билан 2001 йил 10 декабрда қонуний никоҳдан ўтганлиги, ўрталарида уч нафар 2002 йил 21 ноябрда туғилган Санжар Камолиддинович, 2004 йил 01 майда туғилган Дилнура Камолиддин қизи Кодирова ва 2007 йил 18 ноябрда туғилган Самандар Камолиддинович Кодиров исмли фарзандлари борлиги, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 4-уй, 37-хонадонга келин бўлиб тушганлиги, турмушининг бошида яхши яшаганлиги, ҳаётига қайнонаси аралашиб, турмуш ўртоғи ва Санжар, Дилнура исмли фарзандлари билан 2006 йил август ойида низоли хонадондан чиқиб кетганликлари, шундан кейин ижарада 5 йил давомида Нукус кўчаси, 5-уй, 13-хонадонда яшаганликлари, фарзанди Самандар шу уйда туғилганлиги, 2011 йил август ойида турмуш ўртоғи ижара пулини тўлай олмайман деганидан кейин катта опасини уйига кетишга мажбур бўлганлиги, шу пайтда низоли хонадонга киришга ҳаракат



қилмаганлиги, рўйхатда катта опасининг уйида туриши, фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 2014 йил 6 январдаги ҳал қилув қарори билан никоҳдан ажратилганликлари, лекин мазкур қарордан норози эканлиги, шикоят бермоқчилиги, низоли хонадонда қайнонаси, қайнотаси, уларни тўрт нафар фарзандлари, овсини икки нафар фарзанди билан яшашлиги, бу уй қайнонасига тегишли эканлиги, низоли хонадон 6 хонадан иборат бўлиб, хонадонга кириб яшаш нияти борлиги, қайнонаси 2006 йилда ҳайдаб юборганлиги, ўша вақтдан буён хонадонда ижарада яшаганлиги, шу вақтгача уйга киришга ҳаракат қилмаганлиги, чунки турмуш ўртоғи билан бирга яшаганлиги, турмуш ўртоғи билан 2012 йил февраль ойдан бирга яшамаслиги, низоли уйда мол-мулки йўқлигини кўрсатиб, низоли хонадонга вояга етмаган фарзандлари билан киритиб қўйишни сўради.

Суд мажлисида сўралган жавобгар М. Давронова даъвога норози бўлиб, ҳақиқатдан ҳам даъвогар келини бўлиши, ўғли Камолиддин билан 2001 йилда қонуний никоҳдан ўтганлиги, ўрталарида уч нафар фарзандлари борлиги, даъвогар Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 4-уй, 37- хонадонга келин бўлиб тушганлиги, даъвогар билан ўғли турмушининг бошидан яхши яшамаганлиги, улар ўртасида доимий равишда жанжал бўлиб турганлиги, ушбу квартирадани даъвогар ва ўғлини ҳайдамаганлиги, даъвогарни катта опаси келиб алоҳида яшаса, балки яхши яшаб кетар деб айтганлиги, шу сабабли улар 2006 йилда ижара уйда яшаш учун чиқиб кетишганлиги, шундан кейин даъвогар бирор марта ҳам низоли хонадонга киришга ҳаракат қилмаганлиги, уй ўзига тегишли эканлиги, бу уйда даъвогар рўйхатда турмаганлиги, низоли уй 6 хонадан иборат бўлиб, унда 9 киши яшашликлари, даъвогар билан ўғли ўртасидаги никоҳ бекор бўлганлиги, даъвогарни низоли уйга киришига қарши эканлигини кўрсатиб, суддан даъвоғи рад этишни сўради.

Суд мажлисида мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган С. Кодиров даъвогар билан 2001 йил 10 декабрда қонуний никоҳдан ўтганлиги, ўрталарида уч нафар фарзандлари борлиги, даъвогар Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 4-уй, 37- хонадонга келин бўлиб тушганлиги, 2006 йилдан ижарага олинган хонадонда яшаганликларини, кейинчалик турмуши бузилиб, даъвогар ўз хоҳиши билан 2012 йил бошида хонадондан чиқиб кетганлиги, шундан кейин бирга яшамаганлиги,



фарзандлари даъвогар билан яшашлиги, даъвогар низоли хонадон рўяхатида турмаганлиги, фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 2014 йил 6 январдаги ҳал қилув қарори билан никоҳи бекор бўлганлиги, ҳозирги кунда даъвогарни низоли хонадонга кириб яшашига қарши эканлигини кўрсатиб, суддан даъво аризасини рад қилишни сўради.

Ишга мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган Қ.Кодиров, Ш. Кодиров. А. Кодирова, Н. Кодиров ва Р. Кодиров судга ариза билан мурожаат қилиб, даъвога қаршиликларини билдириб, ишни уларнинг иштирокисиз кўришни сўрашди. Шу боис суд ишни мазкур шахсларнинг иштирокисиз ФПКнинг 174-моддасига биноан кўришни ажрим қилди.

Суд тарафларнинг, мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахснинг кўрсатмалари, гувоҳларнинг тушунтиришлари ҳамда Яккасарой туман прокурори қағза ёрдамчиси А. Шариповнинг даъвога рад этиш ҳақидаги фикрини тинглаб, фуқаролик иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, қуйидагиларга кўра даъво аризасини рад этишни лозим топади.

Фуқаролик иши ҳужжатларидан кўринишича, 1993 йил 20 январдаги 07–02/1978-сонли давлат ордерига асосан Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 4-уйдаги низоли 37- хонадон жавобгар М. Давроновага мулк ҳуқуқи асосида тегишли.

Даъвогар Н. Кодирова жавобгарнинг ўғли С. Кодиров билан 2001 йил 10 декабрь куни қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурган ва Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 4-уйдаги низоли 37- хонадонга келин бўлиб тушган.

Уларнинг турмушларидан уч нафар 2002 йил 21 ноябрда туғилган Кодиров Санжар Камолиддинович, 2004 йил 01 майда туғилган Кодирова Дилнура Камолиддин қизи ва 2007 йил 18 ноябрда туғилган Кодиров Самандар Камолиддинович исмли фарзандлари бор.

Судда аниқланишича, 2006 йил 18 июнда Н. Кодирова ва С. Кодиров икки нафар фарзанди билан бошқа хонадонда ижарада алоҳида яшаш учун низоли хонадондан чиқиб кетганлар.

Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 2014 йил 6 январдаги ҳал қилув қарори билан тарафлар никоҳдан ажратилган.

Даъвогар Н. Кодирова судга уйга киритиш ҳақидаги даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда 2001 йилда низоли хонадонга келин бўлиб тушганлиги, турмуш ўртоғи билан 2006 йилда бошқа хонадонга



ижарада яшаш учун чиқиб кетганликлари, турмуш ўртоғи билан ижара пулини тўлай олмасдан жанжаллашиб қолганлиги, 2011 йилда “Ташсельмаш” корхонасига ишга кирганлиги сабабли корхона ётоқхонасида яшаб келганлиги, бироқ корхона директорининг 2012 йил январдаги буйруғига асосан болалари билан ётоқхонадан чиқариб юборилганлиги, опасининг икки хонали уйида тўққиз киши яшаб келаётганликлари, ота-онаси вафот этиб кетганлиги сабабли бошқа борадиган жойи йўқлигини асос қилиб кўрсатган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 32-моддасига кўра, уй, хонадон мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, хонадондаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар. Улар мулкдор берган турар жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақлидирлар, оиланинг бошқа аъзоларини эса уй, хонадон мулкдорининг розилиги билангина кўчириб киритишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 5-моддаси бўйича суд қонун ўхшашлигини қўлаганда, Уй-жой кодексининг 52-моддасига асосан мулкдор бўлмаган фуқаролар вақтинча бўлмаганида турар-жой олти ой муддат давомида уларнинг ҳисобида сақланади.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўралган Х. Жамилова Кодировлар билан 1990 йилдан буён қўшни бўлиб яшашлиги, шу пайтдан уларни танишлиги, даъвогар уларни уйига 2001 йилда келин бўлиб тушганлиги, унга эшикдан кирганда ўнг томондан хона ажратилганлиги, даъвогар низоли хонадондан тахминан 2005–2006 йилда чиқиб кетганлигини кўрсатиб ўтди.

Суд мажлисида гувоҳлар Н. Зоитова ва М. Маликовалар ҳам Х. Жамиловага ўхшаш кўрсатма беришди.

Суд даъвогар низоли уйга келин бўлиб тушган бўлсада, бироқ шу уйда 2006 йилдан буён яшаётганлиги, шу вақтга қадар уйга киришга ҳаракат ҳам қилмаганлиги, низоли хонадон рўйхатидан ўтмаганлиги, шу сабабли унинг низоли уйдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам мавжуд эмаслиги, унинг ҳозирги кунда низоли хонадонга кириб яшашига бирор бир қонуний асос мавжуд эмаслиги, даъво аризада келтирилган ҳолатлар эса даъвони қаноатлантиришга асос бўла олмаслигига ҳуқуқий баҳо бериб, даъво аризани рад этишни лозим деб топади.





Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 104-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги қарорига асосан давлат божи ундириш масаласини муҳокама қилиб, даъвогар Н. Кодирова 48 052 сўм давлат божи тўлаганлигини инобатга олади.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203–206-моддаларига асосан, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Нодира Қобиловна Кодирова хонадоннинг жавобгар Малика Мухтаровна Давронова нисбатан уйга киритиш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:      имзо      В. Т. Валиев



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Уйга киритиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2013 йил июнь ойининг 10 куни фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг очик суд мажлиси, ўз биносида бўлиб, Раислик этувчи судья В. Т. Валиев,

З. Бекназаровнинг котиблигида, Яккасарой туман прокурори ёрдамчиси И. Ботиров, адвокатлар Ж. Эшбўриев ва Т. Бахромов, тарафларнинг иштирокида даъвогар Карима Хасановнанинг жавобгарлар Мукаррам Алаева, Ақромхўжа Абролходжаевич Алаевларга нисбатан уйга киритиш ҳақидаги фуқаролик ишини кўриб, қуйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар К. Алаева жавобгарлар М. Алаева, А. Алаевга нисбатан уйга киритиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида сўралган К. Алаева ўз даъво талабларини қувватлаб, ўзи ва вояга етмаган фарзандлари манфаатларини кўзлаб, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Д. Собирова кўчаси, 60-уйга киритиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилганлиги, у фарзандлари билан 2013 йил март ойидан низоли уйда яшамаслиги, бошқа турар жойга эга эмаслиги, уйга киритмаган жавобгарларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ва маҳалла қўмитасига шу масала бўйича ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилганлиги, лекин натижа бўлмаганлигини кўрсатиб, уни фарзандлари билан биргаликда низоли уйга киритиб қўйишни сўради.

Суд мажлисида сўралган жавобгар М. Алаева даъвони тан олиб, даъвогар унинг келини эканлиги, ҳозирги кунда уларнинг муросалари келишмай қолганлиги, даъвогарни ҳеч ким уйдан ҳайдамаганлиги, келин бўлиб тушган хоналарида яшашига эътирози йўқлиги, даъвогар уйга киритиш учун маҳаллага борганда уйнинг эшиги қулф бўлганлиги, сабаби у қўшнисини уйда ифторда бўлганлиги, уйда ҳеч ким йўқлиги сабабли эшикни қулфлаб чиққанлигини кўрсатиб, даъвони қаноатлантиришни сўради.



Суд мажлисида сўралган жавобгар А. Алаев даъвони тан олиб, даъвогар унинг хотини эканлиги, мазкур низоли хонадондан даъвогарни ҳеч ким ҳайдамаганлиги, унга 3 хона уй ажратилганлиги, шу хоналарда даъвогар фарзандлари билан яшаб келиши, унинг бунга ҳеч қандай эътирозини йўқлигини кўрсатиб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд тарафларнинг тушунтиришлари, Яккасарой туман прокурори ёрдамчисининг даъвони қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини тафтиш этиб, қуйидаги асосларга кўра, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни лозим топади.

Суд томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Д. Собирова кўчаси, 60-уй 2007 йил 14 августдаги реестр рақам 34-936-сонли қонун бўйича мерос ҳақида гувоҳномага ва 2007 йил 14 ноябрдаги реестр рақами 11060-сонли ҳадя шарномасига асосан жавобгар М. Алаевага тегишли.

Даъвогар К. Алаева ва М. Алаеванинг ўғли А. Алаев 1996 йил 9 августда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурганлар. Биргаликдаги турмушларидан икки нафар вояган етмаган 1998 йил 14 январда туғилган Абролхўжаев Икромхўжа Ақромхўжа ўғли ва 2000 йил 2 ноябрда туғилган Абролходжаев Асрорхўжа Ақромхўжа ўғли исмли фарзандлари бор.

Даъвогар К. Алаева жавобгар М. Алаеванинг эгалигида бўлган Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Д. Собирова кўчаси, 60-уйга келин бўлиб тушган ва шу уй рўйхатига қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 180-моддасининг 4-қисмига кўра, жавобгар арз қилинган талабларни тан олса ва суд тан олишни қабул қилса, арз қилинган талабларни қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилади.

Суд жавобгарлар М. Алаева ва А. Алаев даъво талабларини тан олишганлигини қабул қилишни лозим топади.

Бунда қўйидагиларни ҳисобга олади.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 32-моддасига мувофиқ уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар. Улар мулкдор берган турар жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақлидирлар, оиланинг бошқа аъзоларини эса, уй, квартира мулкдорининг розилиги билангина кўчириб киритишлари мумкин. Бу шахслар уй, квартиранинг мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда турар



жойдан фойдаланиш ҳукуқи сақланиб қолади. Уй, квартиранинг мулкдори билан унинг собиқ оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар ўртасида турар жойдан фойдаланиш тартиби тарафлар келишуви билан белгиланади.

Турар жой мулкдорининг оила аъзолари деб у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тан олинади. Эр-хотиннинг ота-онаси, шунингдек мулкдор билан доимий яшаётган оилали фарзандлари, агар илгари бу ҳуқуққа эга бўлмаган бўлсалар, фақат ўзаро келишувга биноан мулкдорнинг оила аъзоси деб тан олинишлари мумкин.

Бундай ҳолатда суд, даъвогар К. Алаева жавобгар А. Алаевга турмушга чиққанидан сўнг низоли хонадонга киритилганлиги ва мазкур уй-жойдан уй эгасининг розилиги билан унинг оила аъзоси сифатида фойдаланганлигини, даъвогар низоли хонадондан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритганлигини, низоли хонадон рўйхатида эканлиги инobatга олиб, бундан ташқари жавобгарлар даъвони тан олганликларини ҳамда суд жавобгарлар арз қилинган талабни тан олганликларини қабул қилганлиги муносабати билан даъвогар К. Алаеванинг уйга киритиш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантириб, вояга етмаган фарзандлари Абролхўжаев Икромхўжа Ақромхўжа ўғли, Абролхўжаев Асрорхўжа Ақромхўжа ўғли исмли фарзандлари билан биргаликда Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Д. Собирова кўчаси, 60-уйга киритишни лозим топади.

Суд давлат божини ундириш масаласини муҳокама қилиб, даъвогар томонидан даъво ариза судга тақдим қилинган пайтда тўлаган 39 800 сўм давлат божини ФПКнинг 116-моддаси 1-қисмига мувофиқ жавобгарлардан К. Алаеванинг фойдасига ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Карима Хасановна Алаеванинг жавобгарлар Мукаррам Алаева ва Ақромхўжа Алаев Абролходжаевичга нисбатан уй-жойга киритиш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Даъвогар Карима Хасановна Алаева ва унинг вояга етмаган фарзандлари 1998 йил 14 январда туғилган Абролхўжаев Икромхўжа Ақромхўжа ўғли, 2000 йил 2 ноябрда туғилган Абролхўжаев Асрорхўжа Ақромхўжа ўғли Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Д. Собирова кўчаси, 60-уйга киритилсин.



Жавобгарлар Мукаррам Алаева ва Ақромхўжа Алаев Абролходжаевичдан даъвогар Карима Хасановна Алаеванинг фойдасига тўланган давлат божи 39 800 сўм солидар тартибда ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи: имзо В. Т. Валиев



## 2.2.5. Уйдан кўчириш ҳақидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар

Уй-жойдан кўчириш ҳақидаги ишларни кўришда, суд мазкур муносабатлар Уй-жой кодексининг 27–28, 71–74, 79–80, 85-моддалари билан тартибга солинганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида амал қилинган тегишли қонун нормасини кўрсатмоғи лозим.

Уй-жойдан кўчириш ҳақидаги низолар юзасидан Олий суд Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 22-сонли (*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги 6-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан*), 1997 йил 2 майдаги “Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 3-сонли (*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 24-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан*) қарорларида тушунтиришлар берилган бўлиб, суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида Пленум тушунтиришларини қоида тариқасида кўрсатмоғи лозим бўлади.

Олий суд Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги 22-сонли қарорининг 5-бандига кўра, мулкдор, унинг оила аъзолари, ижарачи ва унинг оила аъзолари ўртасида уй-жой масаласида келиб чиққан низолар (уйга киритиш, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, уйдан кўчириб чиқариш) суд тартибида ҳал қилинади ва мазкур тоифадаги ишларни кўришда низоли уйда яшовчи вояга етган барча шахслар тегишлилигича ишга жалб қилиниши лозим.

Юқорида қайд этилган тушунтиришларга кўра, низоли уйда яшовчи вояга етган барча шахслар мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида ишга жалб қилиниб, ҳал қилув қарорининг баён қисмида уларнинг тушунтиришлари кўрсатилиши керак.

Бошқа турар жой берган ҳолда кўчириш ҳақидаги даъво қаноатлантирилганда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида тақдим қилинаётган уй-жойнинг аниқ манзили кўрсатилиши лозим.

Уй-жойдан кўчириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида жавобгар ва унинг оила аъзолари, шу жумладан, вояга етмаган оила аъзоларининг ҳар бири аниқ кўрсатилиши лозим.



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Уйдан кўчириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2014 йил февраль ойининг 6 куни фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик этувчи судья В. Т. Валиев,

З. Бекназаровнинг котиблигида, Сергели туман прокурорининг ёрдамчиси Р. Тимуров, адвокат А. Шамшиев, тарафларнинг иштирокида даъвогар Дилмурод Нурахмадович Шокировнинг жавобгарлар Абдулла Махкамovich Хасанов, Зарнигор Арифжановна Хасановага нисбатан уйдан кўчириш ҳақидаги фуқаролик ишени кўриб, куйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Д. Шокиров судга жавобгар А. Хасанов, З. Хасановларга нисбатан уйдан кўчириш ҳақидаги даъво аризаси билан муурожаат қилган.

Суд мажлисида сўралган Д. Шокиров даъво талабларини қувватлаб, 2013 йил 4 октябрда М. Қудратовдан унинг қонуний вакили С. Носиров орқали Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Сергели-3 мавзеси, 33-уй, 46-хонадонни сотиб олганлиги, олди-сотди шартномаси Сергели туман 3-сонли давлат нотариал идорасида тасдиқланганлиги, хонадонни сотиб олганидан сўнг хонадонга борганида у ерда ҳеч қандай асосиз жавобгарлар А. Хасанов ва З. Хасанова яшаб келаётганлигини билганлиги, уларга уйни сотиб олганлигини айтиб, хонадонни бўшатиб беришни талаб қилганида, жавобгарлар бундан бош тортишганлиги, жавобгарлар бу уйда ҳатто рўйхатда ҳам турмасликларини кўрсатиб, жавобгарларни низоли хонадондан кўчиришни сўради.

Суд мажлисида даъвогарнинг вакили А. Шамшиев даъвогарга ўхшаш кўрсатмалар бериб, даъво талабларини тўлиқ қувватлаб, жавобгарларнинг мазкур хонадонга бўлган эгалик ёки фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжатлари йўқлиги, улар хонадонга ноқонуний кириб олиб, Д. Шокировнинг мулк эгаси сифатида ҳуқуқ-



ларини поймол қилишаётганлигини кўрсатиб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Дастлабки суд мажлисида сўралган жавобгар А. Хасанов, даъво талабларини тан олмасдан, низоли хонадонда 2009 йилдан бери оила аъзолари билан яшаб келаётганлиги, хонадонга маҳалла кўмитаси томонидан киритиб қўйилиб, далолатнома тузилганлиги, ушбу хонадонни унга М.Қудратов сотганлиги, бу ҳақда унга тилхат ёзиб берганлиги, шу давр мобайнида уни уйига бир марта С. Носиров ва “Ихтиёр” исмли шахслар келиб, ушбу хонадонни уларга ҳокимиятдан беришганлигини айтишганлиги, туман ҳокимиятига бориб ҳеч қандай уйга ордер берилмаганлигини билишганлиги, шундан кейин С. Носировга буни суд орқали ҳал қилишини айтганлигини, низоли хонадонни 2000 АҚШ долларига сотиб олганлигини кўрсатиб, химоячи олиши муносабати билан ишни бошқа кунга қолдиришни сўради.

Дастлабки суд мажлисида сўралган жавобгар З. Хасанова А. Хасановни кўргазмаларига ўхшаш кўргазмалар бериб, химоячи олиши муносабати билан ишни бошқа кунга қолдиришни сўради.

Жавобгарлар А. Хасанов ва З. Хасановалар кейинги суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда огоҳлантирилган бўлишига қарамадан, суд мажлисларига келмадилар ва келмаслик сабабларини судга маълум қилмадилар. Шу сабабли, суд жавобгарларнинг ҳаракатларини иш юритишни қасддан чўзиш борасида амалга оширилаётган ҳаракатлар деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 174-моддасининг талабларига асосан ишни жавобгарларнинг иштирокисиз кўришни лозим деб ҳисоблади.

Суд тарафларнинг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, Сергели туман прокурорининг ёрдамчиси Р. Тимуровнинг фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини муҳокама этиб қуйидаги хулосага келади.

Фуқаролик иши ҳужжатларидан кўринишича, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Сергели-5 мавзеси, 33-уйдаги 46-хонадон ИЧТФ “ФАРОИС” томонидан 1995 йил 16 февралдаги 617-сонли маълумотномага асосан 2007 йил 24 сентябрда Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси Сергели туман турар-жой бинолар ва кадастр хизмати томонидан берилган ТА серияли 0403558-сонли гувоҳномага асосан Қудратов Мансур Фирдановичга тегишли.

2013 йил 4 октябрда Сергели туман 3-сонли давлат нотариал идорасида расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига асосан низоли хонадонни М.Қудратов номидан нотариал тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида ҳаракат қилувчи С. Носиров Д. Шокировга сотган, олди-сотди шартномаси расмий китоб рўйхатидан 1-1411-сон





билан қайд қилинган. Олди-сотди шартномаси расмийлаштирилишида М.Қудратовнинг турмуш ўртоғи А. Олимованинг нотариал тартибда расмийлаштирилган розилиги олинган.

17-шаклдаги маълумотномага кўра, М. Ф.Қудратов, А. А. Олимова низоли хонадон рўйхатида бўлиб, жавобгарлар низоли уй хонадон рўйхатида турмайдилар.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўралган С. Носиров, ҳақиқатдан ҳам ушбу Сергели-3 мавзеси, 33-уй, 46- хонадонни эгаси бўлган Қудратов Мансур унинг таниши бўлиб, М.Қудратов ундан 1994 йилда 3700 АҚШ доллари қарз олганлиги, кейин Россия Федерациясига кетиб қолганлиги, 1997 йилда, 2000 йилда, 2003 йилларда Ўзбекистонга қайтиб келганида ҳар сафар “пулингни қайтариб бераман ёки ўзимга тегишли Сергели 3-33-46- хонадонни сени номинга расмийлаштириб бераман”, деб алдаб келганлиги, аммо талаб қилаверганидан кейин, фақат 2013 йил баҳор ойларида М.Қудратов унга шу хонадонни сотиш ҳуқуқини берувчи нотариал тасдиқланган ишонч қоғозини Россия Федерациясидан бир таниши орқали бериб юборганлиги, кейин у хонадонга тегишли ҳужжатларни тиклаганлиги, хонадонга борганида эса у ерда Абдулла Хасанов исмли фуқаро яшашлигини билганлиги, А. Хасановни ўзи билан ва унинг отаси билан гаплашганида, уларни бу хонадонга маҳалла киритиб қўйганлиги, агар унда уйни ҳужжатлари бўлса, бироз вақт берса, бўшатиб беришлигини айтганлиги, кейинчалик уйни сотгандан кейин борганида, А. Хасанов уйни ихтиёрий бўшатишдан бош тортганлиги, уйни сотишга коммунал муассасалардан маълумотларни тўплаётганида, бу хонадонга бир неча йиллардан бери тўловлар умуман амалга оширилмаганлигини билганлиги, барча тўловларни ўзи тўлаганлиги, уйни Д. Шокировга сотганлиги, уй учун пулни тўлиқ олганлиги, А. Хасанов эса хонадонда яшашга ҳуқуқ берувчи ҳеч қандай ҳужжат тақдим қилмаганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўралган Х. Парманов, даъвогар Д. Шокировнинг амакиси бўлишлиги, жияни унга уй олмоқчилигини айтганлиги, шунда улар уй кидириб, уй олиб сотиш билан шуғулланадиган “маклер”лар орқали Сергели 3-33-46 хонадонни топишганлиги, уйни эгаси бўлган С. Носиров билан бирга шу уйни бориб биргаликда кўришганлиги, боришганида уйда ҳеч ким бўлмаганлигини, уйни сотаётган С. Носиров уларга ижарада турувчилар вақтинча туришганлиги, уйни сотилганидан кейин бўшатишликларини айтганлиги, шундан кейин уйни ичкараси ойнадан ҳам бемалол кўринишлиги



сабабли, уйни ташқаридан кўриб кетишганлиги, С. Носиров билан уйни нархини келишиб, сотиб олишганлиги, олди-сотди шартномаси нотариал тартибда тасдиқланганлиги, уйни сотиб олгандан кейин Д. Шокиров билан хонадонга боришганида, у ерда яшовчи А. Хасанов уйни бўшатиб беришдан бош тортганлиги, аммо уйнинг эгаси эканлигини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжат кўрсатмаганлиги, шундан сўнг профилактика нозирига учрашганида, уларга бу масалада судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтирганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 166-моддасига асосан мулк ҳуқуқи дахлсиздир ва қонун билан қўриқланади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 164-моддасига кўра мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат.

Суд низоли хонадон юқорида қайд этилган олди-сотди шартномасига асосан Д. Шокировнинг эғалигига ўтганлиги, Д. Хасанов, З. Хасанова ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари Ш. Хасанова ва С. Хасановнинг мазкур хонадондан фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд эмаслигини инобатга олиб, Д. Шокировнинг даъво талабларини қаноатлантириш ҳақидаги ҳулосага келади.

Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 104-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги қарорига асосан давлат божи ундириш масаласини муҳокама қилиб, даъвогар Д. Шокиров 48 052 сўм давлат божи тўлаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 116-моддасига мувофиқ, ушбу давлат божи суммасини жавобгарлар А. Хасанов ва З. Хасановдан солидар тартибда даъвогар Д. Шокировнинг фойдасига ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Дилмурод Нурахмадович Шокиров жавобгарлар Абдулла Махкамович Хасанов, Зарнигор Арифжановна Хасановага нисбатан уйдан кўчириш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилсин.

Жавобгарлар 1968 йилда туғилган Абдулла Махкамович Хасанов, 1971 йилда туғилган Зарнигор Арифжановна Хасанова, 1999 йилда



туғилган Шоира Абдуллаевна Хасанова ва 2002 йилда туғилган Санжар Абдуллаевич Хасановлар Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Сергели-3 мавзе, 33-уйдаги 46-хонадондан бошқа турар жой бермасдан кўчирилсинлар.

Жавобгарлар Абдулла Махкамович Хасанов, Зарнигор Арифжановна Хасановалардан солидар тартибда даъво ариза тақдим қилишда тўланган 48 052 сўм давлат божи суммаси даъвогар Дилмурод Нурахмадович Шокировнинг фойдасига ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:       имзо       В. Т. Валиев



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Уйдан кўчиришни рад қилиш  
тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг  
намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2014 йил июнь ойининг 16 куни фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик этувчи судья В. Т. Валиев,

3. Бекназаровнинг котиблигида, Сергели туман прокурорининг ёрдамчиси Р. А. Жалолов ҳамда адвокат И. М. Каримованинг, тарафларнинг иштирокида даъвогар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг жавобгар Баҳром Валишерович Султоновга нисбатан бошқа турар жой бермасдан турар жойдан кўчириш ва уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги фуқаролик ишини кўриб, қуйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси жавобгар Б. В. Султоновга нисбатан Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Спутник даҳаси, 5-мавзе, 48-уйнинг 18-хизмат хонадонидан бошқа уй-жой билан таъминламасдан кўчириш ҳамда мазкур уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида сўралган даъвогар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг вакили Р. М. Собиров даъво талабларини қувватлаб, 1999 йил 10 февраль куни Тошкент вилоят божхона бошқармасининг собиқ ходими Б. В. Султоновга низоли хонадон хизмат уй сифатида оила аъзолари билан фойдаланишга берилганлиги, жавобгар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилоят божхона бошқармасининг 2008 йил 5 октябрдаги 153-сонли буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси ДБҚ Интизомий уставининг 16-банди “ж”-кичик бандига биноан божхона органларидан бўшатирилганлиги, ДБҚ томонидан 2013 йил 9 февралдаги 04-05/5-159-сонли, 2013 йил 3 мартдаги 04-05/5-264-сонли ҳамда 2013 йил 18 мартдаги 04-1/5-0072-М-сонли хатлари билан жавобгарга турар жойни бўшатиш тўғрисида



мурожаат этилганлиги, шунга қарамасдан жавобгар томонидан уй бўшатилмаганлиги, низоли хонадон хусусийлаштирилмаганлиги ва ДБҚнинг балансидан чиқарилмаганлиги, низоли хонадон жавобгарга хизмат турар жой сифатида ДБҚда хизмат қилиш вақтида вақтинчалик фойдаланиш учун берилганлиги ва жавобгар 2008 йил 5 октябрь куни божхона органларидан ишдан бўшатирилганлиги сабабли уни низоли уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиб, уйдан чиқаришни сўраган.

Суд мажлисида жавобгар Б. В. Султонов даъво талабларни тан олмасдан, божхона органларида яхши ишлаганлиги сабабли 1999 йил февраль ойида низоли хонадон унга хизмат турар жой сифатида ажратилганлиги ва шу вақтдан бошлаб у мазкур хонадонда барча коммунал тўловларни тўлаб, оила аъзолари билан яшаётганлиги, божхона органларида 1999 йил январь ойидан 2008 йил октябрь ойига қадар ишлаганлиги, 2013 йилдан бошлаб ДБҚдан унинг номига хатлар кела бошлаганлиги, лекин бунгача ундан ҳеч ким уйдан чиқиб кетишни талаб қилмаганлиги, 2013 йилда низоли хонадонни хусусийлаштириш учун ҳужжатларни топширганлиги, Тошкент вилоятида хизмат қилганлиги сабабли унинг 1 йиллик хизмати 1,5 йилга тенглаштирилиши, шу сабабли унинг умумий иш стажини 12,5 йилга тенг эканлиги, ҳозирги вақтда низоли хонадонда ундан ташқари унинг турмуш ўртоғи, ўғли Ихтиёр ва келини Дилфузалар рўйхатда туриб яшашликлари ҳақида кўрсатув бериб, унинг иш стажини ишдан бўшатирилганда 12 йил 2 ой 22 кунни ташкил қилинишини ҳамда у божхона органларида ишлаб ўз соғлиғини йўқотиб, ҳозирги вақтда 2-гурӯх ногирони бўлиб қолганлигини инобатга олиб, даъвогарнинг даъво талабларини рад этишни сўради.

Суд мажлисида сўралган қўшимча жавобгар М. М. Султонова даъво талабларни тан олмасдан, жавобгарнинг турмуш ўртоғи эканлиги, улар мазкур уй-жойга 1999 йилда кўчиб келганликлари, ушбу уй унинг турмуш ўртоғига Давлат божхона қўмитаси томонидан хизмат турар жой сифатида ажратилганлиги, турмуш ўртоғи 2008 йилда божхона органларидан ишдан бўшатирилганлиги, 2008 йилдан 2014 йилгача улардан низоли уйни бўшатиш талаби билан ҳеч ким мурожаат қилмаганлиги ҳақида кўрсатув бериб, даъво талабларни рад қилишни сўради.

Суд мажлисида қўшимча жавобгарлар Б. Б. Султонов ва Д.Қ.Султонова даъво талабларни тан олмасдан, жавобгар Б. В. Султоновнинг кўрсатувларини тўлиқ қувватлашликларини баён



қилиб, унга ўхшаш кўрсатув бериб, даъво талабларни рад этишни сўрадилар.

Суд тарафларнинг кўргазмаси, Сергели туман прокурори ёрдамчисининг фикрини тинглаб, иш материаллари билан танишиб, қуйидаги хулосага келади.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 75-моддасига кўра, хусусий, муниципал, идоравий уй-жой фонди ёки аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларида жойлашган, ўз меҳнат муносабатлари хусусиятига кўра иш жойига бевосита яқин ерда яшаши керак бўлган фуқаролар кўчиб киришига мўлжалланган турар жойлар хизмат турар жойлари деб ҳисобланади.

Суд томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, Ўзбекистон Республикаси собиқ Давлат солиқ қўмитаси Божхона Бош бошқармасининг (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси) 1998 йил 26 июндаги 120-сонли буйруғи билан низоли 18-хонадон жойлашган Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Спутник даҳаси, 5-мавзедаги 18та квартиралардан иборат бўлган 48-уй Божхона Бош бошқармасининг ҳисобига (балансига) олинган.

Тошкент шаҳар Сергели туман ҳокимининг 1999 йил 9 февралдаги 60-2 сонли қарорига асосан жавобгар Ўзбекистон Республикаси божхона органларида хизмат ўтаётган Султонов Баходир Вахабовичнинг номига 006-серияли 018764-ракамли яшаш ордери расмийлаштириб берилган ва шу вақтдан бошлаб жавобгар оила аъзолари билан шу низоли хонадон рўйхатида туриб, яшашни бошлаган.

Суд даъвогар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг жавобгар божхона органларидан 2008 йил 5 октябрь куни бўшатирилганлиги сабабли уни низоли хизмат турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиб, жавобгарни бошқа уй-жой билан таъминламасдан уй-жойдан кўчириш ҳақидаги даъво талабларини муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра ушбу даъво талабларни рад этишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 79-моддасига кўра корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларини узган ходимлар, шунингдек, сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаб турган шахслар, ҳарбий хизматчилар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда улар билан бирга яшаётган барча шахслар билан биргаликда бошқа турар жой бермасдан хизмат турар жойидан кўчириладилар.

Агар хизмат турар жойи ижара шартномаси муддати тугагач, ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган



фуқаролар шу турар жойни бўшатиб беришдан бош тортсалар, улар бошқа турар жой бермасдан суд тартибида кўчириладилар, ушбу Кодекснинг 80-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Суд Б. Султоновнинг унинг божхона органларидаги иш стажии шаҳардан ташқаридаги жойларда ишлаганлиги сабабли 12,5 йилни ташкил қилиши ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, ушбу важларни эътиборга молик эмас деб ҳисоблайди. Чунки, иш бўйича тўпланган ҳужжатларга кўра жавобгар 1999 йил 22 январдан 2008 йил 5 октябрь кунига қадар божхона органларида, яъни 10 йилдан камроқ ишлаган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси 80-моддаси 1-қисмининг 1-бандига мувофиқ 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари бошқа турар жой берган ҳолда хизмат турар жойлардан кўчириладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарорининг 26-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 80-моддаси талабига мувофиқ хизмат турар-жойларда истиқомат қилувчи айрим тоифадаги фуқаролар бошқа турар-жой ажратилмасдан кўчирилиши мумкин бўлмаганлигидан келиб чиқиб, суд, бундай фуқаролар мазкур моддада кўзда тутилган имтиёзларга эга эканликларини аниқлаши зарур. Бундай имтиёзга эга бўлган фуқаролар хизмат турар-жойларидан фақат бошқа санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга жавоб берадиган, шу аҳоли пункти чегараси доирасида бўлган турар-жой берилиши билан кўчирилиши мумкин.

Жавобгар Б. Султонов томонидан ўзининг 2-гуруҳ ногирони бўлганлиги сабабли Уй-жой кодексининг 80-моддасига мувофиқ бошқа турар жой бермасдан хизмат турар жойидан кўчирилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги важларини асос қилиб кўрсатган 06Б серияли №2893 сонли ТМЭК томонидан 2014 йил 7 март куни берилган маълумотномага кўра Баҳром Валишеревич Султоновга умумий касаллик бўйича 2015 йил 7 март кунигача 2 гуруҳ ногиронлиги белгиланган.

Тошкент шаҳар 19-сонли тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг 2014 йил 13 апрелдаги 7-сонли суднинг сўровномасига асосан олинган хати билан жавобгар Б. В. Султоновга бир йил муддатга 2-гуруҳ ногиронлиги белгиланганлиги ва унга 06Б серияли №2893-сонли маълумотнома берилганлиги тасдиқланган.

Бундай ҳолатда суд даъвогар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси жавобгар Б. Султоновни низоли хонадондан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиб, уни бошқа турар жой бермасдан низоли уйдан кўчиришни сўраётганлиги сабабли,



жавобгар 2-гурӯх ногирони эканлигини, у оила аъзолари билан узлуксиз ушбу хизмат-турар жойда 1999 йилдан буён рўйхатда туриб, яшаётганлигини инobatга олиб, юқорида қайд этилган қонун талабларидан келиб чиқиб, даъвогарнинг даъво талабларини рад этиш ҳақидаги ҳулосага келади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг жавобгар Баҳром Валишерович Султонов хонадонга нисбатан турар жойдан бошқа турар жой бермасдан кўчириш ва уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги даъво талаблари рад этилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:      имзо      Г. Ибодов





## 2.2.6. Уйни бўлиш ҳақидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар

Уйни бўлиш ҳақидаги низолар юзасидан Олий суд Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги "Уй-жой низолари буйича суд амалиёти ҳақида"ги 22-сонли (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги 6-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан), 1997 йил 2 майдаги "Хусусийлаштирилган турар жойларга эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 3-сонли (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 24-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) қарорларида тушунтиришлар берилган бўлиб, суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида Пленум тушунтиришларини қоида тариқасида кўрсатмоғи лозим бўлади.

Улушли мулкдаги уй-жойларни бўлишда мулкдорлар ўзаро келиша олмаган дагина суд тартибида ҳал қилинади.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида суд низоли уй тарафларга улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишлилигини, улушли мулк ҳуқуқи юзага келганлиги ҳолатларини, моддий ҳуқуқ нормасини (масалан, Оила кодексининг 23-моддаси) кўрсатиши лозим.

Улушли ёки умумий мулкда бўлган уй-жойларни бўлишда судлар, низоли уй-жойда мавжуд бўлган хоналар ва фойдаланишда бўлган умумий майдонни ҳисобга олиб, ҳисса бўйича тенг ёки ҳиссадан унча кўп, унча кам бўлмаган ҳолда бўлишни, ёхуд айрим хоналарни қайта қуриш ҳисобидан уй-жойни бўлиш имконияти мавжудлиги тўғрисида тегишли экспертиза хулосаларини инobatга олишлари ва ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида юқорида қайд этилган ҳолатлар юзасидан суднинг хулосаси кўрсатилиши лозим.

Суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида уй-жойларни бўлишда тарафларга ажратилган барча хона ҳамда қўшимча ва ёрдамчи иморатларни ўз қароридан аниқ кўрсатиши лозим.

Улушли мулк сифатида бўлган турар-жойлар мулкдорларга уларнинг улушини асл ҳолда ажратиб бериш ўрнига бошқа мулкдор томонидан компенсация тўланишига мулкдорларнинг розилиги билан йўл қўйилади. Мулкдорларнинг улуши шу турар-жойга нисбатан бошқа мулкдорнинг улушидан анча кам бўлса, улушга тенг тақсимлашнинг имкони бўлмаса, мулкдор низоли уйда яшамаётган



бўлса, у бошқа уй-жой билан таъминланган бўлса, мулкдан фойдаланишда катта манфаатга эга бўлмаган ҳолларда суд ушбу мулкдор розилик бермаган тақдирда ҳам улушли мулкнинг қолган иштирокчилари зиммасига мазкур мулкдорга компенсация тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин.

Турар-жойни умумий эгалик иштирокчилари ўртасида уларнинг ҳиссаси бўйича бўлишда алоҳида яшаш хонасидан ташқари ёрдамчи хоналарни, алоҳида кириш-чиқиш йўллари мавжудлигини ёки уларни жиҳозлаш йўли билан бўлишга имконият бўлган тақдирдагина даъво қаноатлантирилиши лозим. Бундай имконият бўлмаган тақдирда, суд даъвогарнинг илтимосига кўра, тарафларга турар-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаб бериши ёки ушбу турар-жойни тарафлар тегишли тартибда алмаштириш ёхуд иккинчи тарафга ҳиссасига тенг бошқа турар-жой олиб бериш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтириши лозим.



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Уй-жойни бўлиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2010 йил январь ойининг 5 куни фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья В. Т. Валиев,

З. Бекназарованинг котиблигида, адвокатлар М. Шарипов ва М. Ботировларнинг, тарафлар ҳамда мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар иштирокида, даъвогар Аҳад Мелибоевич Толиповнинг жавобгар Манзура Закировна Толиповага нисбатан биргаликдаги мол-мулкни бўлиш ҳақидаги фуқаролик ишини кўриб, қуйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар А. Толипов жавобгар М. Толиповага нисбатан биргаликдаги мол-мулкни бўлиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида даъвогар А. Толипов даъво талабларини қувватлаб, жавобгар билан 1982 йил 17 октябрь куни қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурганлиги, биргаликдаги турмушларидан икки нафар Ақром, Садуллажон исмли фарзандлари борлиги, турмушлари аввалидан яхши бўлмаганлиги, турмушлари даврида Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Нафис кўчаси 24-уйни олганлиги, унга 1986 йилда колхозда ишлаганида қишлоқ советининг қарори билан низоли уй жойлашган ер берилганлиги, у шу ерда низоли уйни куриб битказганлиги, фарзандларидан бири у билан яшашига қаршилиги йўқлиги, низоли уй саккиз хонадан иборатлиги, бундан ташқари ҳаммом, молхона, ҳожатхона, ошхона қурилганлиги, уйнинг кириш эшиги иккита эканлиги, низоли уй қурилганда икки оила яшашига мўлжаллаб қурилганлиги, ҳовлининг ўртасидан девор тортилганлиги, уйнинг ярмида жавобгар фарзандлари ва келини билан яшаб келаётганлиги, катта ўғли 2008 йилнинг июнь ойида уйланганлиги, ҳовлида ўзбошимчалик билан қурилган



қурилмалар мавжудлиги, унга ер ажратилганда 4 та яшаш хонаси, хожатхона ва ошхона қурган хоналар расмийлаштирилганлиги, кейинчалик бошқа хоналарни ҳам қурганлиги, 2002 йилдан бери жавобгар билан бирга яшаётганлиги, ҳозирда бошқа бир аёл билан қонуний никоҳдан ўтмасдан яшаб келаётганлиги, у билан биргаликдаги турмушларидан бир нафар кизи борлиги, жавобгар билан биргаликдаги оилани сақлаб қолишнинг имкони йўқлиги, низоли уйни қуришда унга укаси ёрдам берганлиги, уйда укасининг ҳам ҳаққи борлиги, суддан низоли уйни тенг иккига бўлишни сўраётганлиги, жавобгар билан муносабатларини ёмонлашишининг сабаби жавобгарнинг бўлар-бўлмасга жанжал чиқариши, уни турмуш ўртоғи сифатида кўрмаслиги, буларнинг натижасида жавобгар билан муносабатлари бузилиб, алоҳида-алоҳида яшашига сабаб бўлганлиги, у фарзандларига қўлидан келган ёрдамани берганлиги, ундан маслаҳат сўрамасдан фарзандларининг тўйи бўлганлиги, у аввалдан низоли хонадонни унга тегишли қисмини сотиб, уйдан тушган пулларни савдога қўйиб олган фойдасидан ўғилларини уйлантиришини айтганлиги, ўзига тегишли ҳиссасини қонуний равишда бўлиб берилишини сўраётганлиги ҳақида тушунтириш бериб, суддан даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар М. Толипова даъво талабларини тан олмасдан, даъвогар унинг турмуш ўртоғи эканлиги, даъвогар билан 1982 йил 17 октябрь куни қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурганлиги, биргаликдаги турмушларидан икки нафар фарзандлари борлиги, 2006 йил май ойидан буён даъвогар билан бирга яшамаётганлиги, у хотин сифатида ҳамма вазифаларини бажарганлиги, жавобгар ҳозирда бошқа аёл билан яшаётганлиги, даъвогар 1983 йилда фабрикада ишлаганлиги, кейинчалик даъвогар қолхозга ишга ўтганлиги, ўша ердан унга низоли уй жойлашган ер майдони берилганлиги, биргаликда низоли уйни қурганликлари, фарзандлари низоли хонадонни ярмида у билан яшаётганлиги, уй-жойни бўлинишига қарши эканлиги, даъвогар билан бирга яшашга кўзи етиши, даъвогар фарзандларининг отаси эканлиги, даъвогар билан келишмовчиликларни асосий сабаби, даъвогар ҳеч қаерда ишламаганлиги, гоҳида спиртли ичимликларни ичиб келиб, жанжал чиқарганлиги, буларнинг натижасида оилаларида жанжал бўлганлиги, 2006 йилнинг май ойида даъвогар уйдан чиқиб кетганлиги, шунча вақтнинг ичида оилани сақлаб қолишга ҳаракат бўлмаганлиги, ҳозирда жавобгар бошқа бир аёл билан яшаб, ўрталарида бир нафар



фарзандлари борлиги, у турмушга чикканидан сўнг даъвогар уни ишлатмаганлиги, низоли хонадоннинг 4 та хонаси қайнотасининг бошчилигида қурилганлиги, қолган хоналарни қурилишида даъвогар билан фарзандларининг меҳнати синганлиги, низоли хонадон даъвогарнинг номидалиги, 2006 йилда уй ўртасидаги деворнинг бир қисми қурилганлиги, кейинчалик деворнинг қолган қисми битказилиб, уй ўртасидан девор тортилганлиги, даъвогар “фарзандларим бўлак яшайди” деб уйнинг ўртасидан девор тортишни бошлаганлиги, у уйни бўлинишига қарши эканлиги, у яшаб турган уйнинг қисмига эри қатта қилиб “уй сотилади” деб ёзиб қуйганлиги, у ўзи уй тўловларини тўлаб келаётганлиги, даъвогар келиб бемалол уйда яшаши мумкинлиги ҳақида кўрсатма бериб, даъвоғи рад этишни сўради.

Суд мажлисида мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида сўралган А. А. Толипов даъво талабларини тан олмасдан, низоли хонадон Яккасарой тумани Нафис кўчасида жойлашганлиги, уйнинг ўртасидан девор тортилганлиги, уйнинг ярмида у, аёли, онаси ва укаси билан яшаётганлиги, ота-онаси 2006 йилдан бери бирга яшамаётганликлари, шу вақт давомида низоли хонадонда яшаб келишаётганликлари, уйнинг ўртасидан девор тортилганлиги, уйнинг иккинчи қисмида алоҳида эшик очилганлиги, уй-жойнинг бўлинишига қарши эканлиги, отаси улар билан бирга бир оила бўлиб яшашини хохлаши ҳақида кўрсатув бериб, қонуний қарор қабул қилишни сўраган.

Суд мажлисида мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида сўралган С. А. Толипов даъво талабларини тан олмасдан, низоли хонадон Яккасарой тумани Нафис кўчасида жойлашганлиги, уйнинг ўртасидан девор тортилганлиги, уйнинг ярмида у, акаси, келиниси, онаси билан яшаётганлиги, уй икки хона ва айвондан иборатлиги, уларнинг яшашига хоналар етишмаслиги, шу сабабли уйни бўлинишига қарши эканликлари, уй иккига девор билан ажратилганлиги, уйнинг иккинчи томонида алоҳида эшик очилганлиги, уйнинг иккинчи томонида тўртта яшаш хонаси борлиги, низоли уй уларнинг ёшлигида қурилганлиги, уйни буваси қурганлиги, кейинчалик бузиб, қайта қурилганлиги, қурилишда улар ҳам иштирок этганликлари, низоли хонадонда битта ҳаммом ва ҳожатхона борлиги, уй-жойнинг бўлинишига қарши эканлиги, отаси билан бирга бир оила бўлиб яшашини хохлаши ҳақида кўрсатув бериб, қонуний қарор қабул қилишни сўради.



Суд мажлисида мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида сўралган Яккасарой туман ҳокимиятининг вакили С. Тайиров Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, А. Нафис кўчасидаги 24-уй Аҳад Мелибоевич Толипов номига берилганлиги, 1992 йилдаги ҳокимият қарорига асосан режалаштирилган уйлар бўйича қурилган уйларни бўлиб бериш мумкинлиги, ноқонуний қурилган иморатлар бўлиб берилмаслиги, улар ҳокимиятга ариза билан мурожат қилмаганликлари, улар ўз уйларида қуриб қуйилган ноқонуний қурилмаларга эгалик сўраб мурожат қилишлари кераклиги, қонуний қурилган иморат билан ноқонуний қурилмаларни ажратиш мумкинлиги, томонлар ўзлари келиша олмаса, ҳокимият томонидан судга даъво ариза киритилиб, ноқонуний қурилган қурилмалар бузиб ташланиши ҳақида тушунтириш берди.

Суд тарафларнинг тушунтиришларини, мутахассисларнинг, иш бўйича иштирок этган адвокатларнинг фикрини тинглаб, иш материаллари билан танишиб, қуйидаги хулосага келади.

Суд томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, даъвогар Аҳад Мелибоевич Толипов ва жавобгар Манзура Закировна Толиповалар 1982 йил 17 октябрь куни Яккасарой ФХДЁ бўлимида никоҳдан ўтганлар ва бу ҳақда никоҳ тузиш актларини қайд қилиш дафтарида 4910-сонли ёзув қайд қилинган.

Тарафларнинг ўрталаридаги турмушларидан икки нафар вояга етган фарзандлари бор.

Ҳозирги вақтда тарафлар никоҳдан ажратилмаган, лекин 2006 йил май ойидан бери улар алоҳида яшамокдалар ва суднинг иш юритувида уларни никоҳдан ажратиш ҳақидаги фуқаролик иши мавжуд.

Иш ҳужжатларига қараганда, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, А. Нафис кўчасидаги 24-уй жойлашган 800 кв.м. ер майдони 1992 йил 22 июндаги Тошкент шаҳар, Яккасарой туман ҳокимининг 336р-сонли фармойишига асосан Толипов Аҳад Мелибоевичга берилган.

Низоли уйда қуйидаги қонунийлаштирилган иморатлар мавжуд: “А” ифодали-яшаш уйи, “А-3” ифодали — яшаш уйи, “А-1” ифодали — йўлак, “Г” ифодали — ошхона-омбор.

Шунингдек, ушбу уй-жойда қуйидаги ўзбошимчалик билан қурилган иморатлар мавжуд: “А-4” ифодали- яшаш уйи, “А-5” ифодали- яшаш уйи, “А-7” ифодали — ертўла, “А-8” ифодали — ертўла, “А-6” ифодали — соябон, “З” ифодали — соябон, “И” ифодали — соябон, “Л” ифодали- соябон, “О” ифодали — соябон, “К” ифодали- ҳожатхона, “М” ифодали- омборхона, “Н-2” ифодали — омборхона.



Айни пайтда низоли уй девор билан икки қисмга бўлинган бўлиб, ҳар бир қисмда алоҳида кириш дарвозаси мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 23-моддасининг 1-қисмига кўра эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг бирга-лиқдаги умумий мулки ҳисобланади.

Бундай ҳолатда, суд низоли уй тарафларнинг никоҳи давомида қурилиб, ушбу уйга нисбатан А. Толиповнинг эгалик ҳуқуқи белги-ланганлигини инобатга олиб, юқоридаги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, низоли уй-жой тарафларнинг умумий мулки эканлиги ҳақидаги хулосага келади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 27-моддасига мувофиқ, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажралишгандан кейин ҳам, шунингдек кредитор эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига ундирувни қаратиш учун умумий мол-мулкни бўлиш талаби билан арз қилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Оила кодексининг 28-моддасида эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкдаги улушларини аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасида никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Суд вояга етмаган болалар манфаатларидан ва (ёки) эр ва хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манфаатини ҳисобга олиб, жумладан, агар эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра даромад олмаган бўлса ёхуд эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушлари тенглигидан чекинишига ҳақлидир.

Низоли уйни тарафлар ўртасида бўлишни имконияти мавжуд-мавжуд эмаслигини текшириш мақсадида суд томонидан суд техник-қурилиш экспертизаси ўтказилиши тайинланган.

Судга оид техник-қурилиш экспертизасининг 2009 йил 29 майдаги 3901/19-сонли хулосасига кўра низоли уйнинг бозор қиймати 16 779 715 сўмни ташкил қилади.

Шунингдек, экспертлар томонидан низоли уйни иккига бўлиш варианты ҳам таклиф қилинган. Ушбу вариантга кўра бир тарафга “А”



ифодали- яшаш уйи, иккинчи тарафга эса “А-3” ифодали — яшаш уйи, “А-1” ифодали- йўлак, “Г” ифодали-ошхона-омбор қолдириш таклиф қилинган.

Бундай ҳолатда, суд низоли уйни икки қисмга бўлишнинг имконияти мавжудлигини инобатга олиб, суд техник-қурилиш экспертиза хулосасидан келиб чиқиб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириб, низоли уйни бўлиб, “А” ифодали-яшаш уйини даъвогар А. Толиповга, “А-3”ифодали- яшаш уйи, “А-1” ифодали-йўлакни, “Г” ифодали-ошхона-омборни жавобгар М. Толиповага қолдиришни ҳамда улушлар ўртасидаги фарқ 2 496 252 сўмни М. Толиповадан А. Толиповнинг фойдасига ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Суд мажлисида мутахассис сифатида сўралган Яккасарой туман ТЖБКХ вакили А. Алимов Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, А. Нафис кўчасидаги 24-уй Ахмадjon Мелибоевич Толипов номига берилганлиги, уй 4 яшаш хона, йўлак, бостирма, ошхоналардан иборат бўлганлиги, 1992 йилдаги фармойишга асосан режалаштирилганлиги, бундан ташқари А4, А5 литерлар остидаги ноқонуний қурилмалар, 2 та яшаш уйи, 2 та даҳлиз, равон, А7 ва А8 ергула, А6, З, И, Л ва О литерлардан иборат бешта соябон, Лит К ҳожатхона, Лит М, Н иккита омборхона борлиги, ўзбошимча қурилмалар бўйича мурожаатлар бўлмаганлиги, чизмаларини ҳам чиздиришмаганлиги, ўзбошимча қурилмаларга мулк ҳуқуқини олиш учун иморатларни қурмасдан олдин мурожаат қилиш кераклиги, ҳокимиятга уйда қурилган ноқонуний иморатларига эгаликни белгилаш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилишлари мумкинлиги, ўзбошимчалик билан қурилган қурилмани ҳадя қилиш, сотиш ёки бошқа тарзда тасарруф этиш мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 212-моддасининг 1 ва 2- қисмларига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуриш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмастан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга — сотишга,





ҳадя этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.

Суд низоли уй-жойда қонуний қурилмалардан ташқари яна ўзбошимчалик билан қурилган қурилмалар ҳам мавжудлигини инобатга олиб, ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларни бўлмасликни лозим ҳисоблайди.

Суд иш юзасидан давлат божини ундириш масаласини муҳокама қилишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 337-моддасининг

1-қисмига мувофиқ, мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги, мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги, мол-мулкдаги улушга бўлган ҳуқуқни эътироф этиш тўғрисидаги, умумий мол-мулкдан улуш ажратиш тўғрисидаги ва меросхўрларнинг ўзларига тегишли мол-мулк улушини талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъво аризалари учун давлат божи ушбу мол-мулк ёки унинг улуши қийматидан келиб чиққан ҳолда тўланиши лозимлиги ҳақидаги талабни раҳбарликка олиб, қўйидаги хулосага келади.

Суд даъвогар даъво аризани тақдим этишда давлат божини тўлашдан озод қилинганлигини, низоли уй-жой 16 779 715 сўмга баҳоланганлигини инобатга олиб, жавобгардан 1 677 971 сўм ( $16\ 779\ 715 : 2 = 8\ 389\ 857 \times 20\% = 1\ 677\ 971$ ) давлат божи давлат даромадига ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 116-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Даъво талаблари қаноатлантирилиши муносабати билан суд техник-қурилиш экспертизаси ўтказилиши учун тўланиши лозим бўлган 160 000 сўм чиқим даъвогар А. Толипов томонидан тўланганлигини инобатга олиб, шу суд харажатларини даъвогарга жавобгар М. Толиповдан ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Аҳад Мелибоевич Толиповнинг жавобгар Манзура Закировна Толиповага нисбатан биргаликдаги мол-мулкни бўлиш ҳақидаги даъво талаблари қаноатлантирилсин.



Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Нафис кўчасидаги 24-уй Аҳад Мелибоевич Толипов ва Манзура Закировна Толиповаларнинг ўртасида бўлиниб, даъвогар Аҳад Мелибоевич Толиповнинг “А” ифодали — яшаш уйига нисбатан эгалик ҳуқуқи белгилансин. Жавобгар Манзура Закировна Толипованинг “А-3” ифодали — яшаш уйи, “А-1” ифодали — йўлак, “Г” ифодали — ошхона-омборхонага нисбатан эгалик ҳуқуқи белгилансин.

Жавобгар Манзура Закировна Толиповадан даъвогар Аҳад Мелибоевич Толиповнинг фойдасига улушлар ўртасидаги фарқ 2 496 252 сўм ундирилсин.

Жавобгар Манзура Закировна Толиповадан даъвогар Аҳад Мелибоевич Толиповнинг фойдасига суд техник-қурилиш экспертизаси ўтказилиши учун тўланган 160 000 сўм ундирилсин.

Жавобгар Манзура Закировна Толиповадан давлат даромадига 1 677 971 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:      имзо      В. Т. Валиев



### 2.2.7. Уйга эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар

Уйга (хонадонга) мулк ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги ишларни кўришда, суд мазкур муносабатлар Фуқаролик кодексининг 112, 164, 187, 210–212, 216–226, 479–488-моддалари, Оила кодексининг 23–25-моддалари билан тартибга солинганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида амал қилинган тегишли қонун нормасини кўрсатмоғи лозим.

Уйга (хонадонга) мулк ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги низолар юзасидан Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 16-сонли (*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли ва 2004 йил 24 сентябрдаги 14-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан*), 2004 йил 24 сентябрдаги “Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 14-сонли қарорларида тушунтиришлар берилган бўлиб, суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида Пленум тушунтиришларини қоида тариқасида кўрсатмоғи лозим бўлади.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 14-сонли қароридаги тушунтиришларига кўра, якка тартибда қурилган уйга нисбатан мулк ҳуқуқи белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича ФПКнинг 45-моддасига мувофиқ зарур деб топилган ҳолларда, мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида тегишли ҳокимият ишда иштирок этиш учун жалб этилмоғи лозим.

Шунингдек, уйни қуришда иморат солувчининг оила аъзолари ёки унга ёт шахсларнинг иштирокига асосланган уйнинг бир қисмига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳақидаги низоларни ҳал этишда суд ер участкасини ажратиш ҳақида қарор чиқарган тегишли ҳокимиятни арз қилинган талабга муносабатини аниқлаши ва низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиши керак.

Ҳокимиятнинг низо бўйича фикри суд томонидан ишда мавжуд бўлган бошқа далиллар йиғиндиси билан биргаликда баҳоланади. Ушбу фикр билан келишмаган тақдирда суд бунинг сабабини ҳал қилув қарорида асослантириши лозим.

Эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мулки бўлган уйни бўлиш тўғрисида низо келиб чиққан тақдирда, уйнинг улардан ҳар бирига тегишли улуши миқдори Оила кодексининг 28-моддасига мувофиқ белгиланади. Агар хотин (эр) уйдан ўз улуши учун пул компенсацияси олишга рози бўлса, эрга (хотинга) берилиши



ёки уларнинг умумий улушли мулки қилиб қолдирилиши мумкин. Уй умумий улушли мулк қилиб қолдирилган тақдирда, суд ўзининг ҳал қилув қарорида уйнинг эр-хотиндан ҳар бирига тегишли улуши миқдорини кўрсатиши шарт.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида суд томонидан аниқланган ҳолатлари, ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалар, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилади.



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Уй-жойга эгаллик ҳуқуқини белгилашни рад қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2010 йил июнь ойи 12 кун фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья А. Т. Валиев,

А. Шариповнинг котиблигида, Яккасарой туман прокурори ёрдамчиси Э. А. Қодиров, тарафлар иштирокида, даъвогар Шоҳида Купайсиновна Самадованинг жавобгар “Тошкентлифт” трестига нисбатан эгаллик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан юритилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Шоҳида Купайсиновна Самадова жавобгар “Тошкентлифт” трестига нисбатан эгаллик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида сўралган даъвогар Ш. Самадова даъво талабини қувватлаб, Тошкент шаҳар, Бошлик мавзеси, 5-уй, 165-хонадонда 1993 йилдан бери яшашлиги, ўша вақтдан бошлаб барча коммунал тўловларни тўлаб келаётганлиги, мазкур уй унга “Лифт қурилиш” корхонасида 20 йил ишлаганлиги учун берилганлиги, зарурат туфайли у хонадон ҳужжатларини расмийлаштириш учун “Лифт қурилиш” корхонасига борганида рад жавобини олганлиги, ҳозирги кунда “Лифт қурилиш” корхонаси тугатилганлиги сабабли, у Тошкент шаҳар Яккасарой туман ҳокимиятига хонадонга нисбатан эгаллик ҳуқуқини бериш учун ариза билан мурожаат этганлиги, лекин унга бу масалада “Лифт қурилиш” ташкилотига ёки судга мурожаат қилиши кераклиги тушунтирилганлиги, даъвогар 1993 йилдан бери ушбу низоли уйдан ўзиники каби ҳалол, узликсиз, доимий эгаллик қилиб келаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 187-моддасида мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка нисбатан ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка нисбатан беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узликсиз эгаллик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олиши



мумкинлиги кўрсатилганлиги, низоли уйда икки нафар қизи ва вояга етмаган неваралари билан бирга яшаб келаётганлиги ҳақида кўргазма бериб, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бошлиқ мавзеси, 5-уй, 165-хонадонга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўради.

Суд мажлисларида жавобгар “Тошкентлифт” трестининг ишончли вакили Х. Икромов даъвогарнинг даъво талабларини тан олмасдан, қурилиш бўйича нормалар асосида кўп қаватли уй-жой хоналари қурилаётган пайтларда лифтларни таъмирлаш учун “Тошкентлифт” трестига диспетчер ходимлари учун алоҳида хизмат хоналари ҳам ажратилиши шарт бўлганлиги ва олдин мазкур хоналар Тошкент шаҳар территориал коммунал эксплуатация бошқармаси ҳисобида бўлганлиги, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 28.04.2000 йил 247-сонли қарори билан ушбу диспетчер хизмат хоналари “Тошкентлифт” трести балансига ўтказилганлиги, фуқаро Ш. К. Самадова ноконуний равишда ўзбошимчалик билан вақтинча бўш турган “Тошкентлифт” трестининг хизмат диспетчерлик хонасига кириб олиб яшаганлиги ва уларга қарашли хизмат хонасини кейинчалик суднинг қарорига асосан ўзлаштириб олганлиги, ушбу хонага кейинчалик қизи Г. Ф. Самадованинг ҳам боласи билан яшашига руҳсат берганлиги, натижада улар фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг қарори устидан кассация шикоят ва Яккасарой туман прокуратураси кассация протести келтирганлиги ҳамда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан Яккасарой туманлараро судининг қарори бекор қилиниб, янгидан кўриб чиқиш учун юборилганлиги ҳақида тушунтириш бериб, даъвогарнинг даъво талабини рад қилишни сўради.

Суд мажлисида мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида сўралган Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси вакили С. Рамизов даъвогарнинг даъво талабини тан олмасдан, 2000 йилда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан, ҳар бир 9 қаватли уйнинг тўққизинчи қаватидаги уйдан битта хона лифт корхонаси учун ажратилганлиги, даъвогар ўзбошимчалик билан “Тошкентлифт” трестига тегишли бўлган хонадонга кириб олганлиги ҳақида кўргазма бериб, даъвогарнинг даъво талабини рад қилишни сўради.

Суд мажлисида қўшимча жавобгар Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси вакили С. Рамизов ариза билан мурожаат қилиб, фуқаролик ишини ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишни сўради.

Бундай ҳолатда суд, мазкур фуқаролик ишини Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 174-моддасига асосан, қўшимча жавобгар



Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси вакили иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Суд тарафларнинг тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўрсатувларини, Яккасарой туман прокурори ёрдамчисининг даъво талабини рад қилиш ҳақидаги фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, уларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда қуйидаги хулосага келади.

Суд томонидан аниқланган ҳолатларга қараганда, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 2000 йил 28 апрелдаги 247-сонли “Уй-жойларни ўрнатилган лифт жиҳозларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш учун сарфланадиган харажатларни камайтириш, уй-жой фондиди сақлаш ва фойдаланиш маблағларни кўпайтириш мақсадида” чиқарган қарорининг 1-бандига кўра, Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси ҳозирги кунда уй-жойларда лифт хизматига қарашли диспетчерлик пунктлари жойлашган хонадонларни “Тошкентлифт” трестининг эгалигига иловага мувофиқ топширган. Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 2000 йил 28 апрелдаги 247-сонли қарорига илова қилинган рўйхатга Яккасарой тумани, Бошлиқ мавзеси, 5-уй, 165-хонадон ҳам киритилган.

Даъвогар Ш. К. Самадова мазкур низоли хонадонда оила аъзолари билан яшаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 187-моддасига мувофиқ, мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узликсиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади (эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат).

Кўчмас ва бошқа мол-мулкка давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган мулк ҳуқуқи ушбу мол-мулкга эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли олган шахсда ана шундай рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли мулк ҳуқуқини олганга қадар мол-мулкка ўзиники каби эгалик қилиб турган шахс ўз эгалигини мол-мулкнинг эгалари бўлмаган, шунингдек қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа асосларга кўра эгалик қилиш ҳуқуқи бўлмаган учинчи шахслардан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Эгалик қилиш муддатини вақт қилиб келтирадиган шахс ўзи ҳуқуқий вориси бўлган шахснинг бу мол-мулкка эгалик қилиб келган барча вақтини ўзининг эгалик қилиш вақтига қўшиши мумкин.

Шахс ихтиёрида бўлиб, ушбу Кодекснинг 228, 229, 230 ва 232-моддаларига мувофиқ унинг эгалигидан талаб қилиб олиниши мумкин бўлган ашёларга доир эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи



муддат тегишли талаблар бўйича даъво муддати тамом бўлганидан кейин ўта бошлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 16-сонли қарорининг 12-бандида, амалда эгалик қилиш муддати асосида ашёга эгалик ҳуқуқини олиш учун у ҳалол йўл билан эгалланган бўлиши лозимлиги (яъни амалда эгалик қилувчи ўзганинг мулкани мулкдорнинг эрк-хоҳишига зид равишда қасддан эгаллаб олган ўғри ва шу каби шахс бўлмаслиги керак) судларга тушунтирилган. Бундай эгалик қилиш бошқа шахслар учун ошқора ва аниқ кўринадиган бўлиши, шунингдек эгалик қилувчи тегишли мулкка ўзиники каби муносабатда бўлиши (фақатгина ундан фойдаланибгина қолмай, балки уни лозим даражада сақлаш чораларини кўрганини ҳам назарда тутиш) зарур. Эгалик қилиш қонунда белгиланган муддатларда узлуксиз давом этган бўлиши ҳам зарур. Фақатгина кўрсатилган уччала шартларга риоя қилинган тақдирда, эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат амалда эгалик қилувчининг мулк ҳуқуқига асос бўлиши мумкин.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Р. Д. Маликов ХУЖМШ раҳбари бўлганлиги, даъвогар беш-олти йилдан бери Яккасарой тумани, Бошлиқ мавзеси, 5-уй, 165-хонадонда оила аъзолари билан бирга яшаб, барча коммунал тўловларни тўлаб келаётганлиги, коммунал тўловлардан қарзлари йўқлиги тўғрисида кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган О. Р. Ганиев даъвогар Самадова Шоҳида Купайсиновнанинг қачондан бери Яккасарой тумани, Бошлиқ мавзеси, 5-уй, 165-хонадонда яшашлигини билмаслиги, эшитиши бўйича у 1992 йилдан бери истиқомат қилишлиги, низоли уй “Лифт Монтаж” қурилиш корхонасига тегишли бўлганлиги, ҳозирда мазкур корхона тугатилганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Т. Б. Бокиев Яккасарой тумани, 31-мавзе, 41-уйнинг 47-хонадонда истиқомат қилишлиги, у Яккасарой тумани, Бошлиқ мавзеси, 5-уй, 165-хонадонда 1993 йилдан 1996 йилга қадар яшаганлиги, бу ҳақда ҳокимият томонидан берилган ордер ҳам мавжуд эканлиги, даъвогарни танимаслиги, 1993 йилда мазкур низоли хонадон хизмат турар-жойи бўлганлиги, уни 1993 йилдан 1996 йилга қадар низоли хизмат турар-жойида яшаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган М. Л. Латипов “Тошкентлифт” трестида 2007 йилга қадар ишлаганлиги, у лифтларни





тузатиб юрганлиги, шу сабабли диспетчер хона бўлган Яккасарой тумани, Бошлиқ мавзеси, 5-уй, 165-хонадонга кирганида даъвогарни у ерда яшаб юрганлигини кўрганлиги, лекин бу ҳақда “Тошкентлифт” ташкилотига айтмаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган, Г. А. Саидова 2002 йилдан то 2010 йилнинг январь ойига қадар “Тошкентлифт” трестида ишлаганлиги, низоли уй 2007 йилда инвентаризация бўлганлиги, ўша вақтда уйни бир хонаси механикларга, бир хонаси лифтёрларга ажратилганлиги, ўша вақтда уйда ҳеч ким яшамаганлиги, уй ширкат раиси томонидан муҳрланганлиги, кейин улар ширкат раисини чакириб, хонани очганлиги, кейинчалик, 2008 йилда борганда низоли хонада даъвогар Ш. Самадованинг яшаётганлигини кўрганлиги, ундан уйни хужжатини сўраганда, у уйни сотиб олганлигини айтганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган И. А. Ибодов 1984 йилдан бери “Тошкентлифт” трестида ишлашлиги, низоли хонадон “Тошкентлифт” трестига тегишли эканлиги, у уйни кўздан кечириш учун 2009 йилда борганида даъвогар Ш. Самадованинг яшаётганлигини кўрганлиги, ўшанда уйни даъвогарнинг қизлари очганлиги, у улардан нимага асосан яшайпсизлар деб сўраганида, улар “ордеримиз бор” деб айтганлиги, шундан сўнг у қайтиб кетганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 57-моддасига кўра ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Суд мажлиси давомида даъвогар 1993 йилдан бери ушбу низоли уйдан ўзиники каби ҳалол, узлуксиз, доимий эгалик қилиб келаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 187-моддасида мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка нисбатан ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка нисбатан беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олиши мумкинлиги тўғрисида важ келтирган бўлсада, ўзининг мазкур талабларини асослайдиган далилларни судга тақдим эта олмади.

Даъвогар Ш. К. Самадова 1993 йилдан буён низоли хонадонда яшаб келаётганлигини кўрсатиб, эгаликни белгилаш ҳақидаги даъво ариза билан 2009 йил, яъни 16 йилдан кейин мурожаат қилган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 187-моддаси 5-бандига мувофиқ, эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тегишли талаблар бўйича даъво муддати тамом бўлганидан кейин ўта бошлаши белги-ланган.



Суд юқорида қайд қилинган ҳолатларни ва Олий суд Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларини инобатга олган ҳолда, даъвогарнинг даъво талабларини рад қилиш ҳақидаги хулосага келади.

Суд давлат божини ундириш масаласини муҳокама қилиб, низоли хонадоннинг инвентар баҳоси 3 200 000 сўмни ташкил этиб, Ш. Самадова даъво аризани тақдим этишда 640 000 сўм давлат божини тўлиқ тўлаганлигини инобатга олади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Шоҳида Купайсиновна Самадованинг жавобгар “Тошкентлифт” трестига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:      имзо      Д. Т. Валиев



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Эғалик ҳуқуқини белгилаш  
тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг  
намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2013 йил март ойининг 4 куни фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья В. Т. Валиев,

З. Бекназарованинг котибалигида, Яккасарой туман прокурори ёрдамчиси С. М. Холиков, адвокат Ш. Б. Каримованинг иштирокида, даъвогар Роза Акбаровна Зокированынг жавобгар Яккасарой туман ҳокимиятига нисбатан эғалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Р. А. Зокирова жавобгар Яккасарой туман ҳокимиятига нисбатан эғалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, унда Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Мурувват кўчаси, 12-уйга эғалик ҳуқуқини белгилашни сўраган.

Суд мажлисида сўралган даъвогар Р. А. Зокирова (айни вақтда мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган Зокирова Наргиза Қобиловнанинг ишончли вакили) ўзининг даъво талабларини қувватлаб, 1972 йил 12 февраль куни Қобил Норович Зокиров билан қонуний никоҳдан ўтиб, оила қурганлиги, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Мурувват кўчасидаги турмуш ўртоғининг амакиси Зокиров Нормаматга тегишли бўлган 12-уйга келин бўлиб тушганлиги, шу вақтдан буён ушбу уйда яшаб келаётганлиги, биргаликдаги никоҳларидан бир нафар 1978 йил туғилган Наргиза Қобиловна Зокирова исмли фарзандлари борлиги, низоли уйда 1991 йилдан буён рўйхатдан ўтган холда истиқомат қилишини қўшнилар ҳам тасдиқлашлари, турмуш ўртоғининг амакиси 1976 йилда вафот этганлиги, Зокиров Нормаматнинг оиласи ва фарзандлари бўлмаганлиги, шу сабабли у жияни Қобил Норович Зокировни ёшлигидан фарзанд қилиб олганлиги, лекин бу муносабат расмийлаштирилма-



ганлиги, турмуш ўртоғи билан никоҳдан ажрашгандан кейин ҳам 15 йилдан буён низоли уйда истиқомат қилаётганлиги, турмуш ўртоғи эса турмушлари бекор қилингандан сўнг бошқа жойга кўчиб кетганлиги, 2008 йилда эса вафот этганлиги, юқорида қайд этилган уйда 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида, яъни 41 йилдан бери яшаб келиб, вақти-вақти билан уйни таъмирлаб, тегишли коммунал хизматлари учун тўловларни амалга ошириб ҳамда солиқларни тўлаб, амалда эгалик қилиб келганлигини тушунтириб, даъвони қаноатлантиришни ва низоли уйга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилашни сўради.

Суд мажлисида сўралган жавобгар Яккасарой туман ҳокимияти вакили Р. Д. Жалолов даъвогарнинг даъво талабларини қисман тан олиб, низоли уй 1940–60 йиллар давомида Нормамат Зокиров томонидан қурилганлиги, халқ депутатлари Яккасарой туман совет ижроия қўмитасининг 1991 йил 29 августдаги 567/17-сонли қарори билан Тошкент шаҳар, Мурувват кўчаси, 12-уйга Н. Зокировнинг эгалик ҳуқуқи белгиланганлиги, уй-жой давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, низоли уй-жойнинг умумий фойдаланиш майдони 28,50 кв.м. яшаш майдони 23,00 кв.м., 2 та хона турар-жойдан иборат бўлиб, ашёвий баҳоси 379 209 сўмга баҳоланганлиги, Н. Зокиров 1977 йил вафот этганлиги, ушбу низоли уй эгасиз уй сифатида туман ҳокимиятида рўйхатга олинмаганлиги, агар ушбу уй-жойдан даъвогарнинг узок йиллар давомида ўз мулки каби очикдан-очик фойдаланиб келаётганлиги ўз тасдиғини топса, туман ҳокимияти даъвогарнинг ушбу уй-жойга эгалик ҳуқуқини белгиланишига эътирозни йўқлиги ҳақида кўргазма бериб, низоли ҳал қилишни судга ҳавола қилди.

Мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган Яккасарой тумани “Бобур” маҳалла фуқаролар йиғини раиси А. Ф. Набиев сайёр суд мажлисида сўралганда, даъвони тан олиб, 2006 йилнинг ноябрь ойидан буён маҳалла оқсоқоли лавозимида ишлаётганлиги, даъвогарнинг низоли уйда яшаб келаётганлигини билиши, уй дафтарида уч киши, яъни даъвогар, унинг қизи ва набираси рўйхатдан ўтганлиги, низоли уйга ҳеч ким даъво қилиб келмаганлиги, Н. Зокировни танимаганлиги, даъвогарнинг эрини охириги маротаба қачон кўрганлигини эслай олмаслиги, аҳоли рўйхатини тузганларида низоли уйда фақат даъвогар, қизи ва набираси билан яшаётганликлари аниқланганлиги, ушбу низоли уй-жойни маҳалла балансига ўтказиш ҳақида судга мурожаат қилмаганлиги, сабаби бу уйда даъвогар оиласи билан яшашлиги, ушбу уй-жойга даъвогарнинг эгаллиги белгиланишига маҳалла фуқаролар йиғинининг эътирозини йўқлиги ҳақида кўргазма бериб, даъвони ҳал қилишни судга ҳавола қилди.



Яккасарой тумани “Бобур” маҳалла фуқаролар йиғини раиси А. Ф. Набиев судга ариза билан мурожаат қилиб, кейинги суд мажлисларини маҳалла фуқаролари йиғини вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни сўради. Шунга кўра суд мазкур фуқаролик ишини ФПКнинг 174-моддасига асосан Яккасарой тумани “Бобур” маҳалла фуқаролар йиғини вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд тарафларнинг, мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахснинг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўргазмалари, Яккасарой туман прокурори ёрдамчисини фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини муҳокама қилиб, тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги хулосага келади.

Фуқаролик иши ҳужжатларидан кўринишича, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Мурувват кўчасидаги 12-уй халк депутатлари Яккасарой район Совети Ижроия комитетининг 1991 йил 29 августдаги 567/17 — сонли қарорига асосан Нормамат Зокировга тегишли.

Яккасарой туман турар жой бинолари ва кадастр хизмати томонидан берилган 1995 йил 25 мартдаги кўчмас мулк объектининг кадастр ишидан кўринишича, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Мурувват кўчаси 12-уйнинг ер участкасининг умумий майдони 153,97 кв.м, қурилиш остидаги участка майдони 58,21 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 28,50 кв.м., яшаш майдони 23,00 кв.м., асосий бинолар сони 1 та, ёрдамчи иншоотлар сони 3 та, яшаш хоналар сони 2 та бўлиб, инвентар нархи 4 550 000 сўмни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 187-моддасига мувофиқ, мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби халол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади (эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат).

Кўчмас ва бошқа мол-мулкка давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган мулк ҳуқуқи ушбу мол-мулкга эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли олган шахсда ана шундай рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли мулк ҳуқуқини олганга қадар мол-мулкка ўзиники каби эгалик қилиб турган шахс ўз эгалигини мол-мулкнинг эгалари бўлмаган, шунингдек қонунда еки шартномада назарда тутилган бошқа асосларга кўра эгалик қилиш ҳуқуқи бўлмаган учинчи шахслардан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Эгалик қилиш муддатини вақт қилиб келтирадиган шахс ўзи ҳуқуқий вориси бўлган шахснинг бу мол-мулкка эгалик қилиб келган барча вақтини ўзининг эгалик қилиш вақтига қўшиши мумкин.



Шахс ихтиерида бўлиб, ушбу Кодекснинг 228, 229, 230 ва 232-моддаларига мувофиқ унинг эгалигидан талаб қилиб олиниши мумкин бўлган ашёларга доир эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат тегишли талаблар бўйича даъво муддати тамом бўлганидан кейин ўта бошлайди.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Қобил Норович Зокиров ва Роза Акбаровна Зокировалар ўрталаридаги қонуний никоҳларидан 1991 йил 13 февраль куни ажрашиб, бу ҳақда Россия Федерацияси, Кемерево ФХДЁ бўлимида 22-сон билан далолатнома ёзуви қайд қилинган. Уларнинг ўзаро турмушларидан бир нафар 1978 йилда туғилган Наргиза Қобиловна Зокирова исмли фарзандлари бор.

Зокиров Нормамат 1976 йил 13 июль куни 76 ёшида 3 даражали атеросклероз хасталигидан вафот этган ва бу ҳақда Яккасарой тумани ФХДЁ бўлимида 200-сонли далолатнома ёзуви қайд қилинган.

Қобил Норович Зокиров 2008 йил 12 февраль куни вафот этган ва бу ҳақда Россия Федерацияси, Кемерево ФХДЁ бўлимида 11-сонли далолатнома ёзуви қайд қилинган.

Тошкент шаҳар Яккасарой туман 1-сонли давлат нотариал идорасининг 2013 йил 15 январдаги 13456-сонли маълумотномасига кўра 1976 йилда вафот этган Н. Зокировдан сўнг нотариал идорада 2013 йил 1 январь кунига қадарли мерос иши очилмаган.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ФХДЁ бўлими томонидан 2012 йил 12 декабрда берилган маълумотномадан кўринишича, Нормамат Зокировнинг никоҳ ва никоҳдан ажралганлиги ҳақида далолатнома ёзуви Яккасарой туман ва Тошкент шаҳар ФХДЁ архивида мавжуд эмас.

Сайёр мажлисида гувоҳ сифатида сўралган М. Хошимова даъвогар Р. А. Зокировнинг қўшниси бўлиши ва уни 1980 йиллар, яъни Яккасарой туманига кўчиб келганидан буён яхши таниши, даъвогарнинг турмуш ўртоғи анчадан буён низоли хонадонда яшамаслиги, даъвогар кизи ва набираси билан истиқомат қилиб келиши, даъвогар аввал низоли хонадонда эрининг амакиси билан яшаганлиги, амакиси вафот этганига анча вақт бўлганлиги, бу вақт оралиғида Р. А. Зокировнинг уйига ҳеч ким даъво қилиб келмаганлиги, Н. Зокировнинг фарзандлари бўлмаганлиги ҳақида кўргазма берди.

Сайёр суд мажлисида гувоҳ сифатида сўралган М. Шомуротова Мурувват кўчаси, 3-уйда 30 йилдан буён яшаши ва шу вақтдан буён даъвогарни таниши, даъвогарнинг бир нафар кизи борлиги, у эри ва эрининг амакиси билан яшаганлиги, амакисининг вафотидан кейин даъвогарнинг эри кетиб қолганлиги, низоли уйга ҳеч ким даъво



қилиб келмаганлиги, амакиларининг фарзандлари йўқлиги, ҳозирги кунда низоли уй яхши ҳолатдалиги, яъни даъвогар томонидан уйни таъмирлаш ишлари олиб борилганлиги, низоли уйда даъвогар қизи ва набираси билан истиқомат қилаётганлиги ҳақида кўргазма берди.

Сайёр суд мажлисида сўралган гувоҳ С. Абдукаримова даъвогар Р. А. Зокировани кўп йиллардан бери таниши, улар бир-бирларининг уйларига кириб-чикиб туришлари, низоли уйда даъвогар қизи ҳамда набираси билан яшаши, улар аввал амакилари билан яшаганликлари, амакилари вафот этгандан кейин даъвогарнинг эри кетиб қолганлиги, шундан бери уни кўрмаганлиги, уй ким томонидан қурилганлигини билмаслиги, Н. Зокировнинг фарзандлари бўлмаганлиги ва низоли уйга ҳеч ким даъво қилиб келмаганлиги ҳақида кўргазма берди.

Сайёр суд мажлисида гувоҳ сифатида сўралган Ҳ. Усарова, М. Ходжаева, С. Алимова, И. Қодирова гувоҳлар М. Хошимова, М. Шомуротова ва С. Абдукаримоваларнинг кўргазмаларига ўхшаш кўргазма бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 1996 йил 24 сентябрдаги 16-сонли қарорининг 11-бандида тушунтирилишича, ФКнинг 187-моддасига кўра эгалик ҳуқуқини олиш ҳақидаги низоларни ҳал этишда судлар шунинг назарда тутишлари лозимки, эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ўзганинг мулкка амалда асоссиз эгалик қилиб келиш ҳоқларига ҳам татбиқ этилади. Мулкдорда бирон-бир эгалик қилиш ҳуқуқий асоси мавжудлиги, масалан, узоқ муддатли ижара шартномаси борлиги эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддатларни ҳисоблашни инкор қилади.

Шу Пленум қарорининг 12-бандида тушунтирилишича, амалда эгалик қилиш муддати асосида ашёга эгалик ҳуқуқини олиш учун у ҳалол йўл билан эгалланган бўлиши лозим, (яъни амалда эгалик қилувчи ўзганинг мулкни мулкдорнинг эрк-хоҳишига зид равишда қасдан эгаллаб олган ўғри ва шу каби шахс бўлмадлиги керак). Бундай эгалик қилиш бошқа шахслар учун ошқора ва аниқ кўринадиган бўлиши, шунингдек эгалик қилувчи тегишли мулкка ўзиники каби муносабатда бўлиши (фақатгина ундан фойдаланибгина қолмай, балки уни лозим даражада сақлаш чораларини кўрганини ҳам назарда тутиш) зарур. Эгалик қилиш қонунда белгиланган муддатларда узлуксиз давом этган бўлиши ҳам зарур (ФКнинг 187-моддаси 4-қисми талабларига асосан мулкка амалда эгалик қилиш муддатини вақт қилиб келтираётган шахснинг ўзи ҳуқуқий вориси бўлган шахс томонидан бу мулкка



амалда эғалик қилиб келган барча вақтини қўшиши мумкин, масалан, мерос қолдирувчи ёки юридик шахс таркибидан кейинчалик алоҳида ажралиб чиққан юридик шахс-мулкдор).

Фақатгина кўрсатилган учала шартларга риоя қилинган тақдирда, эғалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат амалда эғалик қилувчининг мулк ҳуқуқига асос бўлиши мумкин.

Судда низоли уйнинг мулкдори Н. Зокиров ва даъвогар Р. Зокирова ўртасида ҳеч қандай ижара ёки бошқа турдаги уй-жойдан фойдаланиш шартномаси тузилмаганлиги, низоли уй-жойни даъвогар мулкдорнинг эрк-хоҳишига зид равишда қасдан эғаллаб олмаганлиги, даъвогар низоли уй-жойдан ошқора фойдаланиб, шунингдек мулкка ўзиники каби муносабатда бўлганлиги, фақатгина ундан фойдаланибгина қолмай, балки низоли уй-жойни лозим даражада сақлаш чораларини кўрганлиги гувоҳларнинг кўргазмаси билан ўз тасдиғини топди.

Бундай ҳолатда, суд даъвогар Р. А. Зокирова Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Мурувват кўчасидаги 12-уйда 1972 йилдан буён яшаётганлиги, уйнинг мулкдори Н. Зокировнинг вафотидан кейин ҳам шу уйда яшаб, уй-жойнинг барча коммунал тўловларини тўлаган ҳолда фойдаланиб келаётганлиги, Н. Зокировнинг вафотидан кейин, яъни 1976 йилдан буён низоли уй-жой туман ҳокимияти, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан эгасиз мулк сифатида рўйхатга олинмаганлиги, туман ҳокимияти вакиллари ва маҳалла фуқаролар йиғини раисига суд томонидан низоли уй-жойни эгасиз деб топиш ҳақидаги қарши даъво келтириш ҳуқуқи тушунтирилган бўлсада, туман ҳокимияти ва маҳалла фуқаролар йиғини томонидан бундай қарши даъво киритилмаганлиги, даъвогар 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида низоли уй-жойдан ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эғалик қилиб келаётганлигини инобатга олиб, даъво талабини қаноатлантириб, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Мурувват кўчаси, 12-уйга нисбатан даъвогар Роза Акбаровна Зокированинг эғалик ҳуқуқини белгилашни лозим топди.

Суд давлат божи ундириш масаласини муҳокама қилар экан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 104, 120-модда талабларига асосан, низоли уй-жойнинг инвентар баҳоси 4 550 000 сўмни ташкил қилишлиги, тўланиши лозим бўлган давлат божи ( 4 550 000 сўмни 15%) 682 500 сўмни ташкил қилиши, даъвогар даъво ариза тақдим қилишда 685 000 сўм давлат божи тўлаганлигини инобатга олади.

Юқоридагиларга биноан ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддаларини қўллаб, суд



**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Даъвогар Роза Акбаровна Зокированинг жавобгар Яккасарой туман ҳокимиятига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилсин.

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Мурувват кўчасидаги умумий фойдаланиш майдони 28,50 кв.м, яшаш майдони 23,00 кв.м., 3 та ёрдамчи иншоот ва 2 та яшаш хонасидан иборат 12-уй-жойга нисбатан Роза Акбаровна Зокировага эгалик ҳуқуқи белгилансин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:      имзо      В. Т. Валиев



## 2.3. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА

### 2.3.1. Ишга тиклаш ҳақидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар

Ишга тиклаш ҳақидаги ишларни кўришда, суд мазкур муносабатлар Меҳнат кодексининг 97–112, 268–275-моддалари билан тартибга солинганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида амал қилинган тегишли қонун нормасини кўрсатмоғи лозим.

Ишга тиклаш ҳақидаги низолар юзасидан Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги 12-сонли (*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 11-сонли, 2002 йил 25 октябрдаги 28-сонли, 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли ва 2004 йил 24 сентябрдаги 15-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартiriш ва қўшимчалар билан*) қарорида тушунтиришлар берилган бўлиб, суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида Пленум тушунтиришларини қоида тариқасида кўрсатмоғи лозим бўлади.

Юқорида қайд этилган қарорнинг 3-бандига мувофиқ, судья даъво қилиш муддати ўтказиб юборилган деган асос билан даъво аризани қабул қилмасликка ҳақли эмас. Суд даъво муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган деб топса, бу муддатни тиклайди. Агар суд ишдаги ҳужжатларни ҳар томонлама текшириб, судга мурожаат қилиш муддати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилганлигини аниқласа, даъвони рад этади.

Даъво муддатини тиклаш ҳақидаги суднинг хулосаси ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида баён этилиши лозим.

Ҳайриқонуний меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки ходимни ноқонуний бошқа ишга ўтказишни буйруғи билан амалга оширган мансабдор шахсни ишга жавобгар тарафидан учинчи шахс сифатида жалб этиш масаласини одатда судья ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида ҳал этади, бу масала ишнинг суд мажлисида кўрилиш жараёнида ҳам ўз ечимини топиши мумкин.

Ишга тиклаш ҳақидаги ишларни кўришда юқорида қайд этилган мансабдор шахс мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилинганида, ҳал қилув қарорининг баён қисмида унинг тушунтиришлари кўрсатилиши керак.

Агар жавобгар тарафидан учинчи шахс сифатида ишга жалб этилган мансабдор шахс зиммасига ходимнинг бўш юрган вақти (прогули) учун ўртача иш ҳақи тўлаш



билан келтирилган зарарни ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлиги туфайли ўртадаги ҳақнинг фарқини қоплаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас деган хулосага келса, суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида тегишли асосларни баён этиши керак.

Меҳнат кодексининг 274-моддаси бўйича меҳнат шартномасини ғайриқонуний бекор қилиш ёки ноқонуний бошқа ишга ўтказганлик учун моддий жавобгарлик суд томонидан фақат ўзига берилган ваколат доирасида, аммо қонунни очиқ-ойдин бузган ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарган мансабдор шахсга юклатилиши мумкин.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида суд томонидан аниқланган ҳолатлари (ходим муайян асос билан ишдан бўшатирилганида айнан шу асос бўйича қонун белгиланган тартибга риоя қилинганлиги, масалан, интизомий жазо қўллаш учун белгиланган муддатларга амал қилинганлиги, меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда касаба уюшмаси кўмитасининг олдиндан розилиги олинганлиги, ходимга қўшимча кафолат ва имтиёзлар берилганлиги, бошқа иш таклиф қилинганлиги ва ҳоказо), ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалар, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилади.

Солиқ кодексининг 329-моддаси 1-бандига мувофиқ, меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган талаблар юзасидан даъвогарлар давлат божини тўлашдан озод қилинишини инобатга олиб, даъво рад қилинганда даъвогардан давлат божи ундирилмаслиги, даъво қаноатлантирилганда давлат божи жавобгардан ундирилиши ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида кўрсатилиши лозим.



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Ишга тиклаш тўғрисидаги ҳал  
қилув қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2013 йил июль ойининг 15 куни фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья Б. Зокиров,

Ф. Шариповнинг котиблигида, Зангиота туман прокурорининг ёрдамчиси Н. Муротованинг, адвокат Х. Болиев иштирокида даъвогар Босит Сагатович Содиковнинг жавобгар “Бумсаноат” МЧЖга нисбатан буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш ва мажбурий прогул вақти учун ҳақ ҳамда маънавий зарар учун компенсацияни ундириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, куйидагиларни

#### АНИҚЛАДИ:

Б. Содиков судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, “Бумсаноат” МЧЖ ижрочи директори вазифасида ишлаб келганлигини, 2013 йил

26 апрел куни бетоблиги сабабли ишда бўлмаган вақтда текширув ўтказилиб, унинг иштирокисиз ўтказилган текширув актига асосан 2013 йил 29 апрелдаги 63-сонли буйруқ чиқарилиб, вазифасидан озод этилганлигини, бундан ташқари, ишдан бўшатишдан олдин касаба уюшмаси кўмитасидан розилик олинмаганлигини, 2013 йил 19 апрелда унга хайфсан эълон қилиш тўғрисидаги 39-сонли буйруқ чиқарилиб, буйруқ қайси моддага асосан қабул қилингани кўрсатилмай, умумий талабга жавоб бермаслигини баён этиб, “Бумсаноат” МЧЖ раҳбари томонидан 2013 йил 19 апрелда чиқарилган 39-сонли буйруқни бекор қилиб, ижрочи директор лавозимида тиклашни, мажбурий прогул вақти учун маошини ҳамда 3 млн. сўм маънавий зарар учун компенсацияни ундиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар Б. Содиков даъвони қувватлаб, жамиятда 2012 йил 8 ноябрдан бери ижрочи директор лавозимида ишлаб келганлигини, 2013 йил апрель ойида бош директорни олдида ишлаб чиқариш масаласида борганлиги сабабли ўзининг иш жойида бўлмаганлигини, кейинчалик ишдан бўшатилганини ва ўрнига бошқа одам келганини,



аслида у ҳеч қандай тартибни бузмаганлигини, унга нисбатан чиқарилган буйруқларни асоссиз деб ҳисоблашини, корхонада текшириш ўтказилган кунни у касал бўлганлигини баён қилиб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар “Бумсаноат” МЧЖнинг ишончли вакили Ф. Аскарлов даъвони тан олмай, даъвогар 2012 йил ноябрь ойдан Янгийўлдаги ишлаб чиқариш комплексидаги корхонада ижрочи директор лавозимида ишлаб келганлигини, даъвогар раҳбариятни кўрсатмаларига риоя қилиб ишлаши лозим бўлганлигини, ўрама ва тўқиш цехларини таъмирлаш ишларида қатнашганлигини, 2013 йил 26 апрель кунни ишлаб чиқариш бўйича ижрочи директор иш жойида бўлмаганлигини, бу ҳақда далолатнома тузилганлигини, 5 ва 6 май кунлари комиссия томонидан иккита буйруқ тузилиб келинганлигини, улардан бири даъвогарга хайфсан эълон қилиш, иккинчиси ишдан бўшатирилганлиги ҳақида бўлганлигини, даъвогар ушбу буйруқларга эътироз билдирганлигини, буйруқларга даъвогар томонидан имзо қўйдирилмаганлигини баён этиб, даъвони рад қилишни сўради.

Суд тарафларнинг тушунтиришини, адвокатнинг нутқини, прокурорнинг даъвони қаноатлантириш лозимлиги ҳақидаги фикрини тинглаб, даъво талабларини иш ҳужжатлари билан биргаликда таҳлил қилиб, куйидаги асосларга кўра даъвони қисман қаноатлантириш лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги 1998 йил 17 апрелдаги (кейинчалик киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) 12-сонли қарорининг 30-бандига асосан ўз меҳнат вазифаларини бузганлиги учун меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимларни ишга тиклаш ҳақидаги ишлар бўйича қонуний ва асосли ҳал қилув қарорлари чиқариш мақсадида қуйидагилар:

- меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлган меҳнат вазифаларини бузганлик айнан нимадан иборатлигини ва у МК 100-моддаси 2-қисмининг 3 ёки 4-бандлари бўйича меҳнат шартномаларини бекор қилиш учун асос бўла олиши мумкин ёки мумкин эмаслиги;
- меҳнат шартномасини бекор қилишда содир қилинган ноҳўя хатти-ҳаракатнинг оғирлиги, уни содир қилиш ҳолатлари, ходимнинг аввалги иши ва хулқ-атвори иш берувчи томонидан ҳисобга олинган-олинмаганлиги;



- иш берувчи томонидан интизомий жазолар бериш белгиланган муддатлар ва тартибга риоя қилинган-қилинмаганлиги аниқланиши зарур.

Суд ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланишини, жумладан, МК 100-моддаси 2-қисмининг 3 ёки 4-бандлари бўйича меҳнат шартномасининг бекор қилинишини нафақат иш берувчи томонидан интизомий жазо чораси қўллаш муддати ва тартибларига риоя қилинмаган ҳолларда, балки ножўя хатти-ҳаракат ҳақиқатдан ҳам содир этилган, аммо меҳнат шартномасини бекор қилиш содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг оғирлик даражаси, хатти-ҳаракат содир этилган ҳолатлар, ходимнинг олдинги хулқ-атвори ва унинг ишга бўлган муносабати ҳисобга олинмаган ҳолда (МК 184-моддаси 2-қисми) бекор қилинган деган хулосага келган тақдирда ҳам ғайриқонуний деб топишга ҳақли.

Суд томонидан аниқланишича, 2012 йил 8 ноябр куни “Бумсаноат” МЧЖнинг директори О. Шодиев ва Б. Содиқовлар ўртасида даъвогарни ишлаб чиқариш бўйича ижрочи директор лавозимига ишга олиш тўғрисида 1145-сонли меҳнат шартномаси имзоланган.

Иш берувчининг 2013 йил 19 апрелдаги 39-сонли буйруғига асосан даъвогар Б. Содиқов узрсиз сабабларга кўра ишга чиқмаганлиги сабабли хайфсан эълон қилиниб, келажакда меҳнат интизомини такроран бузган тақдирда у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилган. Бироқ, иш берувчи даъвогар Б. Содиқовдан тушунтириш хатини олмаган кўринади.

Ўзбекистон Республикаси МК 182-моддасининг 2-қисмига асосан интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Суд мажлисидаги Б. Содиқовнинг тушунтиришидан кўринишича, 2013 йил 19 апрель куни у ишлаб чиқаришга доир масала билан жамият раҳбари О. Шодиевнинг олдига борган ва шу сабабли ўз меҳнат жойида бўлмаган. Лекин даъвогарнинг 2013 йил 19 апрель куни айнан ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар юзасидан жамият раҳбарининг қабулида бўлганлиги ҳақидаги важи ишда тўпланган далиллар билан ўз тасдиғини топмади.

Тарафлар ўтасида 2012 йил 8 ноябрда тузилган 1145-сонли меҳнат шартномасининг 4.1.8-бандига асосан, иш берувчи, ходим меҳнат вазифаларини тўлиқ ёки маълум даражада бажармаган тақдирда



унга амалдаги қонунлар ва Ички меҳнат тартиби қоидаларига асосан интизомий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига эга.

Шунга асосан, даъвогар Б. Содиковнинг даъво талабларини қаноатлантириш учун асослар мавжуд эмаслиги сабабли суд шу даъво талабини рад қилишни лозим топди.

Иш ҳужжатларидаги жамиятнинг ишчилари томонидан раҳбар О. Шодиевнинг номига йўлланган аризада ижрочи директор Б. Содиковнинг буйруғига асосан 2013 йил январдан ҳар куни якшанбадан ташқари 12 соатдан, яъни эрталаб 8-00дан соат 20-00га қадар, кечки сменалар эса соат 20-00дан эрталаб 8-00гача узлуксиз равишда ишлаб келаётганликлари ва ортиқча ишлаган иш вақти учун ҳозирга қадар ҳеч қандай қўшимча иш ҳақи олмаганликлари сабабли чора қўриш сўралган.

Мазкур аризага асосан жамият директорининг кўрсатмасига биноан комиссия тузилиб, корхонадаги ишлаб чиқариш интизоми текширилганида, бошқа камчиликлар билан бир қаторда ижрочи директор Б. Содиков ҳамда тўқув цехи бошлиғи Б. Мирзаевлар томонидан 2013 йил январдан текширув қунига қадар 12 соатлик икки смена ташкил қилинганлиги аниқланиб, ушбу ҳолат меҳнат қонунчилигига зид эканлиги далолатномада баён қилинган.

Иш берувчининг 2013 йил 29 апрелдаги 63-сонли буйруғига асосан даъвогар Б. Содиков билан 2012 йил 8 ноябрда тузилган 1145-сонли меҳнат шартномаси Меҳнат кодекси 100-моддаси 2-қисмининг 3-бандига асосан 2013 йил 29 апрелдан бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 115-моддасининг 1, 2-қисмларига асосан ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

Қайд этилган қонун нормаси асосида ишчиларнинг иш вақти жавобгар “Бумсаноат” МЧЖнинг жамоат шартномасининг 4.2-бандида ҳам қайд этилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳлар Д. Ботирова ва Ш. Гаиповалар ҳақиқатдан ҳам уларга раҳбарият томонидан 2013 йилнинг январидан бошлаб 12 соатлик иш вақти белгиланганлиги, бироқ меъеридан ортиқ ишлаганликлари учун ўзларига тегишли бўлган иш ҳақини ололмаётганликларини маълум қилдилар.

Жамиятнинг касаба уюшмаси билан 2013 йил 15 февралда келишилиб, директор томонидан 2013 йил 18 февралда тасдиқланган ишлаб чиқариш бўйича ижрочи директорнинг мансаб йўриқномасининг



13 ва 18-бандларига асосан, ижрочи директор ўзига бириктирилган ишчи ва хизматчиларни меҳнат фаолиятини Меҳнат қонунчилиги ҳамда жамоат шартномасига биноан ташкил этиши лозим.

Аммо даъвогар Б. Содиқов ўзининг зиммасига юклатилган меҳнат вазифаларини сидқидиллик билан бажармаганлиги оқибатида унинг қўл остидаги тўқув цехининг ишчилари 2013 йилнинг январидан бошлаб меъёридан ортиқ меҳнат қилиб, ҳозирга қадар ўз иш ҳақларини олмаган.

Шу билан бирга, иш берувчи даъвогар Б. Содиқов ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги сабабли у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги интизомий жазо чорасини асосли қўллаган бўлишига қарамасдан, меҳнат шартномасини бекор қилишда қонун бузилишга йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 101-моддасининг 1-қисмига мувофиқ башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун қасаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Жамиятнинг жамоа шартномасининг 2.3-бандига асосан иш берувчи ходимнинг манфаатига тегишли қарорни қабул қилишдан аввал қасаба уюшмаси қўмитаси билан маслаҳат ўтказиб, унинг розилигини олиши лозимлиги қайд этилган.

“Бумсаноат” МЧЖ қасаба уюшмаси қўмитасининг 2013 йил 27 майдаги 03/7-2013-сонли баённомасига асосан, Б. Содиқовга нисбатан ёзилган шикоят хатлари ҳаққоний деб топиб, иш берувчининг ишлаб чиқариш ва умумий масалалар бўйича директор вазифасини бажарувчи ходим Б. Содиқов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилинишига розилик берилган. Лекин жамият қасаба уюшмасининг даъвогар Б. Содиқов билан меҳнат шартномасини бекор қилинишига берган розилиги меҳнат шартномаси бекор қилинганидан сўнг берилганлиги қонун талабига жавоб бермайди.

Қонун талабидан келиб чиқиб, суд жавобгар “Бумсаноат” МЧЖнинг 2013 йил 29 апрелдаги даъвогар Б. Содиқов билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги 63-сонли буйруғини жамиятнинг вакиллик органи, қасаба уюшмаси қўмитаси билан келишилмаганлиги сабабли ғайриқонуний деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 111-моддасининг 1-қисмига асосан меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор





қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишига тикланиши лозим.

Кодекснинг 112-моддаси 1-қисмига асосан ишга тикланганда иш берувчига ходимга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилади.

Зарарни қоплаш: мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш шартлигидан; меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ёки ходим бошқа ишга ўтказилганлиги устидан шикоят қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар (мутахассислардан маслаҳат олиш, иш юритиш учун кетган харажатлар ва бошқалар) учун компенсация тўлашдан; маънавий зарар учун компенсация тўлашдан иборатдир. Маънавий зарар учун тўланадиган компенсациянинг миқдори иш берувчининг хатти-харакатига берилган баҳони ҳисобга олиб, суд томонидан белгиланади, лекин бу миқдор ходимнинг ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Қайд этилганларни инобатга олиб, суд даъвогар Б. Содиқовнинг ишга тиклаш ва мажбурий прогул вақти учун ҳақ ундириш ҳамда маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво талабларини асосли деб ҳисоблаб, қаноатлантиришни лозим топди.

Иш ҳужжатларида мавжуд “Бумсаноат” МЧЖ томонидан 2013 йил 26 июнда берилган маълумотномага қараганда, даъвогар Б. Содиқов 2012 йил ноябрдан 2013 йил май ойига қадар барча мажбурий тўловларни чегириб ташлаганда жами 5 318 126 сўм 89 тийин ойлик иш ҳақи олган. Шунга кўра, унинг ўртacha ойлик иш ҳақи  $759\,732,41$  сўмни ( $5\,318\,126$  сўм  $89$  тийин /  $7 = 759\,732,41$ ), кунлик иш ҳақи  $31\,655,51$  сўмни ( $759\,732,41/24$  иш куни =  $31\,655,51$ ) ташкил этади. Даъвогар Б. Содиқов 2013 йил 29 апрелдан 2013 йил июлга қадар икки ой 14 кун мажбурий прогулда бўлган ( $31\,655,51 * 14$  кун =  $443\,177,14$ ). Шу сабабли суд, жавобгар “Бумсаноат” МЧЖдан даъвогар Б. Содиқовнинг фойдасига мажбурий прогул учун иш ҳақини  $1\,962\,641,96$  сўм миқдоридан ундиришни лозим топди ( $759\,732,41 * 2 + 1\,519\,464,82 + 443\,177,14 + + 1\,962\,641,96$ ).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли қарорининг (киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) 6-бандига асосан меҳнат кодексининг 112-моддасига биноан суд меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлик ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказганлик оқибатида ходимга етказилган маънавий азобларни қоплаш мажбуриятини иш берувчига юклаши мумкин.



Юқори турувчи суднинг раҳбарий кўрсатмаси ҳамда одиллик ва оқилоналик принципларидан келиб чиқиб, суд ундирилиши лозим бўлган маънавий зарар учун компенсация даъвогарнинг ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслигини инобатга олиб, маънавий зарар суммасини 760 000 сўм миқдорида белгилаб, жавобгардан унинг фойдасига ундиришни лозим топди.

Даъвони қаноатлантириш билан бир қаторда суд, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 120-моддасига асосан жавобгар “Бумсаноат” МЧЖдан давлат даромадига 196 264 сўм 96 тийин миқдорида давлат божини ундиришни лозим топди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203–206-моддаларига асосан, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Босит Сагатович Содиковнинг жавобгар “Бумсаноат” МЧЖга нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий прогул вақти учун ҳақ ҳамда 3 000 000 (уч миллион) сўм миқдорида маънавий зарар учун компенсация ундириш тўғрисидаги даъвоси қисман қаноатлантирилсин.

Даъвогар Босит Сагатович Содиков “Бумсаноат” МЧЖнинг ишлаб чиқариш бўйича ижрочи директори лавозимига ишга тиклансин.

Жавобгар “Бумсаноат” МЧЖдан даъвогар Босит Сагатович Содиков фойдасига мажбурий прогул вақти учун 1 962 641 (бир миллион тўққиз юз олти минг икки минг олти юз қирқ бир) сўм, маънавий зарар компенсацияси учун 760 000 (етти юз олти минг) сўм ҳамда давлат даромадига 236 059 (икки юз ўттиз олти минг эллик тўққиз) сўм миқдорида давлат божи ундирилсин.

Даъвогар Босит Сагатович Содиковнинг буйруқни бекор қилиш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қарорининг ишга тиклаш ҳамда иш ҳақини ундириб бериш тўғрисидаги қисми дарҳол ижрога қаратилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:     имзо     Б. Зокиров



## 2.4. БИТИМЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА

### 2.4.1. Битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар

Битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишларни кўришда, суд ушбу тоифадаги ишлар Фуқаролик кодексининг 9-бобида назарда тутилганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида амал қилинган тегишли қонун нормасини кўрсатмоғи лозим.

Битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолар юзасидан Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 17-сонли қарорида тушунтиришлар берилган бўлиб, суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида Пленум тушунтиришларини қоида тариқасида кўрсатмоғи лозим бўлади.

Мазкур фуқаролик ишларини кўришда, агарда даъво предмети умумий мулк бўлса (масалан, эр-хотиннинг умумий мулки, хусусийлаштирилган уй-жой ва ҳ.к.), суд барча мулкдорларни ишга жалб қилиши лозим бўлади. Бунда даъво предметининг аввалги мулкдорлари ҳамда битим тузилганидан кейин мулк ҳуқуқини қўлга киритган мулкдорлар ишга жалб қилинади.

Юқорида қайд этилган шахслар мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида тегишлича даъвогар ёки жавобгар тарафидан ишга жалб қилиниб, ҳал қилув қарорининг баён қисмида уларнинг тушунтиришлари кўрсатилиши керак.

Фуқаролик кодекси 113-моддасининг 3-қисмига мувофиқ, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўллаиш тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин. Суд бундай оқибатларни ўз ташаббуси билан қўллашга ҳақли.

Мазкур қонун талабидан келиб чиққан ҳолда, суд Фуқаролик процессуал кодексининг 207-моддаси талаблари асосида битимни ҳақиқий эмас деб топганда бунинг оқибатларини қўллаши лозим. Бу борада суд ўзининг хулосаларини ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида кўрсатмоғи лозим. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида эса қўлланилган оқибатларни (яъни, тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши ва ҳ.к.) кўрсатиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида суд томонидан аниқланган ҳолатлари (битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун ФКнинг 9-бобида белгиланган асослари, битимни шакли ва тузилиши тартиби қоидаларига риоя қилинганлиги ёки қилинмаганлиги), ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалар, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилади.



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Олди-сотди шартномасини  
ҳақиқий эмас деб топиш тўғри-  
сидаги ҳал қилув қарорининг  
намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2013 йил июль ойининг 25 куни фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья Б. Зокиров,

Ф. Шукуровнинг котиблигида, Зангиота туман прокурорининг ёрдамчиси Н. Муминова, адвокатлар Х. Боқиев, Х. Шарипов, тарафлар иштирокида, даъвогар Илхом Учқунович Абидовнинг жавобгарлар Толип Ғофурович Тиллаев ва Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент вилоят филиалига нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъвоси бўйича фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар И. Абидов судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, “Туркистон” к.ф.й., Истиклол маҳалласида жойлашган қурилиш ости майдони 541,51 кв.метр, фойдаланиш майдони 706,94 кв.метр бўлган ўзига тегишли ферма биносини жавобгар Т. Тиллаевга Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилоят филиали орқали 2011 йил 29 март куни 127-сонли олди-сотди шартномаси асосида сотганлигини, шартноманинг 1.4-бандига кўра, ферма биносига нисбатан мулкий ҳуқуқ шартнома давлат рўйхатида қайд этилганидан сўнг вужудга келиши, шартноманинг 2.2 ва 3.6-бандларига кўра шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун ичида жавобгар пулларни тўлаб бериши, аке ҳолда тўлов ўтказилган кунлар учун 0,4 фоиз миқдорида, лекин шартномада белгиланган нархнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлаши кўрсатилганлигини, жавобгар ферма биноси нархи юзасидан келишилган 17 000 АҚШ долларидан 6 000 АҚШ долларини тилхат асосида бериб, қолган пулларни беришдан бош тортиб юрганлигини баён этиб, ферма биносининг олди-сотди



шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни ва тўлов кечиктирилган қуллар учун жавобгардан 0,4 фоиз пеня ундиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар И. Абидов даъво талабларини қувватлаб, 2011 йил 29 мартда жавобгар Т. Тиллаевга Зангиота тумани, Туркистон қ.ф.й., Истиклол маҳалласида жойлашган молхона биносини 17 000 АҚШ долларига сотганлиги, шундан сўнг жавобгар унга келишилган суммадан бор-йўғи 6 000 АҚШ долларини бериб, қолган 11 000 АҚШ долларини пайсалга солиб бермай келаётганлигини, уч йил ичида жавобгарга бир неча маротаба оғзаки мурожаат қилганлигини, кейинчалик ёзма равишда мурожаат қилганлигини, олди-сотди шартномасига асосан у молхона биносининг бир қисмини сотганлигини, лекин у хизмат биносини сотмаган бўлсада, жавобгар молхона атрофини тўсиб олганлигини, ҳозирда хизмат биносига киролмаётганлигини, жавобгар билан олди-сотди шартномаси бўйича оғзаки келишган 17 000 АҚШ долларини тўлиқ олмаганлигини баён этиб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар Т. Тиллаев даъво талабларини тан олмай, Зангиота тумани, Туркистон қ.ф.й., Истиклол маҳалласида жой сотилаётганлигини эшитиб, ўғли билан жойга бориб объектни кўрганлигини, даъвогар унга объектни сотишини айтиб, нархи юзасидан 17 000 АҚШ долларига келишилганлигини, келишув гувоҳларсиз бўлиб ўтганлигини, объектни расмийлаштиришдан олдин жавобгарга жами бўлиб 6 000 АҚШ долларини берганлигини, объектни расмийлаштириш борасида ҳокимиятга анча борганликларини, чунки даъвогар сотган объектнинг ер майдонини 30 сотих қилиб беришини ваъда қилганлигини, лекин ҳозирга келиб ер майдони 22 сотих бўлиб қолганлигини, ваъда қилинган 30 сотихни ҳал қилиб бермаганлигини, шартнома расмийлаштирилганидан кейин даъвогар билан ўрталарида ҳеч қандай келишмовчилик бўлмаганлигини, 2011 йил 29 март куни объектни қабул қилиш-топшириш далолатномасини имзолаганликларини, даъвогарга аввалига 6 000 АҚШ доллари, кейинчалик 11 000 АҚШ доллари тўлиқ берганлигини, бу тўғрисида даъвогар турмуш ўртоғи билан биргаликда унга тилхат ёзиб берганлигини, ҳозирда объектни ишлатиб келаётганлигини баён қилиб, даъво талабларини рад қилишни сўради.

Жавобгар “Республика мулк маркази” ЁАЖ ишончли вакили суд мажлисини вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда огоҳлантирилишига қарамасдан ҳозир бўлмади. Шу сабабли суд мазкур фуқаролик ишини унинг ишончли вакилисиз Ўзбекистон Республикаси ФПК 174-моддаси 3-қисмига асосан кўришни лозим топди. 2013 йил 25 июль куни “Республика мулк маркази” ЁАЖнинг ишончли вакили А. Аҳмедов



томонидан берилган аризага асосан, И. Абидов томонидан берилган даъво аризасини уларнинг иштирокисиз кўрилишини, иш бўйича низо жамият фаолиятига дахлдор эмаслигини, қарор қабул қилишни судга ҳавола қилишини, 2011 йилда “Республика кўчмас мулк биржаси” ЁАЖ “Республика мулк маркази” ЁАЖга айлантирилганлигини, унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланишини, даъво аризада кўрсатилган олди-сотди шартномаси қонун талаблари асосида тузилганлигини баён қилган.

Мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида сўроқ қилинган “Мулк хизмати” МЧЖ директори А. Йўлдошев даъвони тан олмай, “Мулк хизмати” МЧЖ брокерлик идорасида раҳбар бўлиб ишлашини, 2009 йил 29 мартда жамият ҳамда “Тохир автосервис” Х. К. брокерлик идоралари иштирокида электрон савдо ташкил этилганлигини, мазкур савдо бўйича кўчмас мулк объекти савдога чиқарилганлигини ва олди-сотди шартномаси савдо баённомасига асосан низоли мулк Т. Тиллаевга сотилганлигини, шартномадаги шартларнинг барчаси тарафлар томонидан белгиланганлигини, 2011 йил 23 июнда Ўзбекистон Республикаси “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун кучга киргандан кейин барча брокерлик идоралари ва “Республика кўчмас мулк биржаси”нинг фаолияти тугатилганлиги баён этиб, низоли қонуний ҳал қилишни сўради.

Суд тарафларнинг, мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахснинг баёнотларини, адвокатларнинг нутқини, прокурор ёрдамчисининг даъвогар И. Абидовнинг даъво талабларини рад қилиш лозимлиги тўғрисидаги фикрини тинглаб, даъво важларини иш ҳужжатлари ва йиғилган далиллар мажмуаси билан биргаликда ўрганиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабларини қаноатлантиришни рад этишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 479-моддасига кўра, кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига (кўчмас мулкни сотиш шартномасига) биноан сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни (ушбу Кодекснинг 83-моддаси) ўз зиммасига олади.

Суд томонидан аниқланишича, даъвогар И. Абидов ўзига тегишли бўлган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, “Туркистон” қ.ф.й., Истиклол маҳалласида жойлашган, қурилиш ости майдони 541,51 кв.м, фойдаланиш майдони 706,94 кв.м бўлган ферма биносини жавобгар Т. Тиллаевга “Республика кўчмас мулк биржаси” Тошкент вилоят филиали 1-сонли савдо майдони маклери А. Юзбошев орқали 2011 йил 29 март куни 127-сонли олди-сотди шартномаси асосида



31 000 000 сўмга сотган. Кўчмас мулк давлат кадастр хизматидан рўйхатдан ўтказилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 15-бандига асосан мажбуриятларнинг айрим турлари, жумладан, гаров, олди-сотди, акцияларни ўзганинг эгаллигига ўтказиш тўғрисидаги битимларни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ низоларни кўришда судлар ишни тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган битимни ҳақиқий эмас деб топиш асосини аниқлашлари лозим.

Даъвогар И. Абидовнинг важига қараганда, у низоли объектни 17 000 АҚШ долларига сотишга келишган. Бирок, жавобгар Т. Тиллаев уч йил мобайнида келишилган пулларини тўлиқ тўламай шартнома шартларини бажармай келмоқда.

Олди-сотди шартномасининг 2.1 ва 2.2.-бандларига асосан объектнинг сотилиш баҳоси 31 000 000 сўмни ташкил этади.

Объект учун тўловларни сотиб олувчи ушбу олди-сотди шартномаси имзоланган кундан бошлаб 30 банк иш куни ичида сотувчига ўрнатилган тартибда тўлаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 486-моддасининг 1, 2-қисмларига асосан кўчмас мулкнинг сотувчи томонидан топширилиши ва сотиб олувчи томонидан қабул қилиниши тарафлар имзолайдиган топшириш далолатномаси ёки топшириш тўғрисидаги бошқа ҳужжатга биноан амалга оширилади.

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчининг кўчмас мулкни сотиб олувчига топшириш мажбурияти бу мулк сотиб олувчига топширилганидан ва топшириш тўғрисидаги тегишли ҳужжатни тарафлар имзолаганидан кейин бажарилган ҳисобланади.

Тарафлар ўртасида 2011 йил 29 март куни тузилган топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан шартнома юзасидан келишилган пул қиймати даъвогар И. Абидов томонидан Т. Тиллаевдан тўлиқ олиниб, бир-бирига даъвоси йўқлиги қайд қилиниб, кўчмас мулк жавобгарга топширилган. Далолатнома ҳар икки тараф томонидан тегишлича имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги “Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 11-сонли қарорининг 7-бандига асосан қонун бўйича



ишнинг муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши лозим бўлган ҳолатларини бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқлаш мумкин эмас (ФПКнинг 59-моддаси). Бунда низоли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи тегишли моддий ҳуқуқ нормаларига асосланмасдан исботлашга йўл қўйилмайди.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогар И. Абидов алоқа бўлими орқали 2013 йил 23 апрель куни жавобгар Т. Тиллаевга шартнома талаблари асосида мулкнинг қолган қийматини тўлаш ҳақида ёзма талабнома жўнатган. Талабномага нисбатан берилган санасиз огоҳлантириш хатидан кўринишича, жавобгар Т. Тиллаев даъвогар билан келишилган 30 сотих ер майдони ўрнига 22 сотих берилганлиги, агар И. Абидов ушбу ер майдонини нотариал идораси орқали расмийлаштириб берса, олди-сотди битимини 2.2-бандини бажаришга тайёр эканлиги баён қилинган бўлсада, у томонидан имзоланмай, матн компьютерда ёзилган.

Даъвогар И. Абидов ўзининг вазини тасдиқлаш учун қонунда кўрсатилган бошқа исботлаш воситасини тақдим қилмади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 57-моддасига кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Шунга кўра, гарчанд даъвогар И. Абидов ферма биносини 17 000 АҚШ долларига сотганлиги, ушбу пулдан 6 000 АҚШ долларини жавобгар Т. Тиллаевдан қабул қилиб олганлиги ҳамда қолганини олмаганлиги ҳақида ваз келтирган бўлсада, ушбу ҳолатни исботловчи ёзма далилларни судга тақдим этмаган. Айни пайтда, тарафлар имзолаган ва тегишлича расмийлаштирилган шартнома талабларидан ташқарида келишилган мулк баҳоси ушбу олди-сотди шартномасини Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 113–126-моддаларида кўзда тутилган белгиларга кўра ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўла олмайди.

Бундай ҳолатда, суд қайд этилган моддий-процессуал ҳуқуқ нормалари талаблари ҳамда юқори турувчи суднинг раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, ишда тўпланган исботлаш воситаларига Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 67-моддаси талаби асосида баҳо бериб, даъвогар И. Абидовнинг жавобгарлар Т. Тиллаев ва Республика кўчмас мулк Биржаси Тошкент вилоят филиалига нисбатан кўчмас мулк олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво талабини асосиз деб ҳисоблайди ва уни рад этишни лозим топди.

Даъвони рад қилиш билан биргаликда суд, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 120-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори





билан тасдиқланган “Давлат божи ставкалари”нинг а-1-бандига асосан даъвогар И. Абидовдан давлат даромадига шартнома суммасининг 20 фоизи миқдорида, яъни 6 200 000 сўм миқдорида давлат божини ундиришни лозим топди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ФПК 203–206-моддаларига асосан, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Илҳом Учқунович Абидовнинг жавобгарлар Толип Ғофурович Тиллаев ва Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент вилоят филиалига нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъвосини қаноатлантириш рад этилсин.

Даъвогар Илҳом Учқунович Абидовдан давлат даромадига 6 200 000 (олти миллион икки юз минг) сўм миқдорида давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:       имзо       Б. Зокиров



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Олди-сотди шартномасини  
ҳақиқий эмас деб топиш тўғри-  
сидаги ҳал қилув қарорининг  
намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2014 йил апрель ойининг 21 куни фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик этувчи судья Б. Тошбеков

Г. Раимовнинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида даъвогар Абдулатиф Зокирович Пирназаровнинг жавобгарлар Мухтабар Нишоновна Жалилова, Султон Зоирович Холиқов ва Оҳангарон туман давлат нотариал идорасига нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъвоси юзасидан юритилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, куйидагиларни,

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар А. Пирназаров жавобгарлар М. Жалилова, С. Холиқов ва Оҳангарон туман давлат нотариал идорасига нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида даъвогар А. Пирназаров даъво талабларини тўлиқ қувватлаб, жавобгар М. Жалилова билан 1995 йил 28 октябрь куни қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурганлиги, биргаликдаги турмуши даврида фақат бир ўзи ишлаб пул топганлиги, жавобгар ҳеч қаерда ишламаганлиги, 2005 йилда жавобгарнинг номига “ГАЗ 3102-103” русумли, давлат рақами 10W865EA (аввалги давлат рақами 11 P 2278), двигатель рақами 53083328, кузов рақами 31020050148628, шасси рақами Х9631020051293458, ранги “айсберг” бўлган автомашинани сотиб олганлиги, 2009 йил 14 декабрдаги суднинг ҳал қилув қарорига асосан жавобгар М. Жалилова билан бўлган никоҳи бекор бўлганлиги, узрли сабабларга кўра никоҳдан ажратиш ҳақидаги суд жараёнида иштирок этаолмаганлиги, никоҳдан ажрашганидан сўнг жавобгар уни хабардор қилмасдан ғараз ниятларда у билан қонуний никоҳда бўлганлиги ҳақида белгиси мавжуд бўлган эски фуқаролик паспор-



тининг ўрнига янги фуқаролик паспорти олиш орқали илгари никоҳда бўлганлиги ҳақида маълумотни йўқ бўлишига эришиб, ўзаро қонуний никоҳ даврида орттирилган барча мол-мулкларни сотиб бошлаганлиги, 2012 йил 1 февралда М. Жалилова биргаликдаги никоҳ даврида орттирилган юқорида кўрсатилган автомашинани жавобгар С. Холиқовга ноқонуний равишда сотганлиги ва бундан хабари бўлмаганлиги, чунки 2009 йил 11 ноябрдан 2012 йил 24 февралгача жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаганлиги, ушбу ноқонуний олди-сотди шартномаси сабабли қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етказилганлигини маълум қилиб, суддан 2012 йил 1 февраль куни М. Жалилова ва С. Холиқовларнинг ўртасида тузилган Оҳангарон туман давлат нотариал идораси давлат нотариуси томонидан реестрда 318-рақам билан тасдиқланган юқорида кўрсатилган автомашина олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд мажлиси ҳақида жавобгар М. Жалилова тегишли тартибда чақиртирилиб, тайинланган вақти ва жойи тўғрисида огоҳлантирилган бўлсада, суд мажлисига келмаган ва келмаслик сабаблари ҳақида маълумот бермаган.

Суд мажлисига жавобгар С. Холиқов ва мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс тариқасида иш кўрилишига жалб қилинган Р. Холиқова келмай, судга ариза билан мурожаат қилиб, унда даъво аризани рад этишни ва ишни ўзларининг иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Суд мажлисига Оҳангарон туман давлат нотариал идораси давлат нотариуси Д. Рискиева келмай, судга ариза билан мурожаат қилиб, унда иш бўйича қонуний қарор чиқаришни ва ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Бундай ҳолатда, суд мазкур фуқаролик ишини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 174-моддасига асосан Оҳангарон туман давлат нотариал идораси давлат нотариуси, жавобгарлар М. Жалилова ва С. Холиқов, учинчи шахс Р. Холиқованинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Суд даъвогарнинг тушунтиришини тинглаб, иш ҳужжатлари билан танишиб, қуйидаги хулосага келади.

Суд томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, даъвогар А. Пирназаров жавобгар М. Жалилова билан 1995 йил 28 октябрь куни қонуний никоҳдан ўтиб, оила қурганлар ва бу ҳақда Шахрисабз туман ФХДЁ бўлими томонидан 50-сон билан далолатнома ёзуви қайд этилган. Ўрталаридаги турмушларидан 1997 йил 31 март куни туғилган 3. Пирназарова, 1998 йил 14 август куни туғилган М. Пирназаров,



2007 йил 4 апрель куни туғилган А. Пирназаров ва 2001 йил 5 январь куни туғилган Б. Пирназаров исмли вояга етмаган тўрт нафар фарзандлари бор. Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 2009 йил 14 декабрдаги ҳал қилув қарори билан тарафлар никоҳдан ажратилганлар.

Жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг 2010 йил 13 январдаги ҳукми билан А. Пирназаров Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганлигида айбдор деб топилиб, 6 йил 6 ойлик муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Гулистон туман судининг 2012 йил 24 февралдаги ажрими билан озодликка чиқарилган. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ томонидан берилган 2012 йил 24 февралдаги 058057-сонли маълумотномага кўра даъвогар А. Х. Пирназаров 2009 йил 14 ноябрдан 2012 йил 24 февралгача озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафларнинг ўзаро турмуши даврида 2005 йилда ишлаб чиқарилган “ГАЗ 3102-103” русумли, давлат рақами 10W865EA (аввалги давлат рақами 11P2278), двигатель рақами 53083328, кузов рақами 31020050148628, шасси рақами X9631020051293458, ранги “айсберг” бўлган автомашина жавобгар М. Жалилованинг номига сотиб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига кўра эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар конун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Шунга кўра, юқорида кўрсатилган автомашина даъвогар А. Пирназаров ва жавобгар М. Жалиловаларнинг никоҳи давомида сотиб олинганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига асосан уларнинг умумий мол-мулки бўлган.

2012 йил 1 февраль куни жавобгар М. Жалилова низоли автомашинани Оҳангарон туман давлат нотариал идораси давлат нотариуси томонидан реестрда 318-рақам билан тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан жавобгар С. Холиқовга 800 000 сўмга сотган. Олди-сотди шартномасини расмийлаштиришда жавобгар М. Жалилова ўз ёзма аризаси билан низоли автомашинани сотишга даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлган эри йўқлигини билдирган. Даъвогар А. Пирназаров низоли автомашинани сотилишига ўз розилигини бермаган ва жазони



ижро этиш муассасасида жазо муддатини ўтаганлиги сабабли низоли автомашина олди-сотди шартномаси тузилганидан хабари бўлмаган.

Даъвогар А. Пирназаров билан ўзаро қонуний никоҳ даврида орттирилган мол-мулкларни сотиб юборганлиги ҳолати юзасидан жавобгар М. Жалиловага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 229-моддаси ва 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан жиноят иши қўзғатилиб, жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг 2014 йил 14 апрелдаги ажрими билан мазкур жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарорининг 6-бандига мувофиқ иш юритувидан тугатилган.

Дастлабки тергов жараёнида аниқланган ҳолатларга кўра, М. Жалилова турмуш ўртоғи А. Пирназаровнинг қамокқа олинганидан фойдаланиб, ўзи томонидан ишлаб чиқилган жиноий режа асосида дастлаб фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро суди томонидан 2009 йил 14 декабрь куни турмуш ўртоғи А. Пирназаров билан бўлган қонуний никоҳдан ажратишга ва 2010 йил 22 январь куни янги фуқаролик паспорти олиш орқали паспортдаги никоҳ тузилганлиги ҳақидаги белгини янги фуқаролик паспортига қайд этилмаслигига эришиб, ўзаро қонуний никоҳ даврида орттирилган мол-мулкларни сотиб юборган. Хусусан, М. Жалилова турмуш ўртоғи А. Пирназаров Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ УЯ 64/61-сонли муассасасида жазони ўтаётганлигидан фойдаланиб, уни хабардор қилмасдан, ўзининг номига расмийлаштирилган “ГАЗ 3102-103” русумли, давлат рақами 10W865EA (аввалги давлат рақами 11 P 2278) бўлган автомашинани 2012 йил 1 февраль куни Оҳангарон туман давлат нотариал идораси давлат нотариуси томонидан реестрда 318-рақам билан тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан фуқаро С. Холиқовга 800 000 сўмга сотиб юбориб, пул маблағларини ўз эҳтиёжига сарфлаган. Бунда С. Холиқов М. Жалилованинг турмуш ўртоғи борлигини, автомашинани сотилишига М. Жалилованинг турмуш ўртоғи А. Пирназаровнинг розилиги олинмаганлигини билган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 24-моддасига кўра, эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эгадир. Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга ошириладиганлигини англатади. Эр-хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиш юзасидан амалга оширган



битими бошқасининг бунга розилиги бўлмаганлиги сабаблигина билдирган талабига биноан ва фақат битимни амалга оширган иккинчи томон амалга оширилган битим юзасидан эр (хотин) рози эмаслигини олдиндан билгани ёки билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳолларда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Кўрсатилган битимни тузишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибда ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 116-моддасига кўра қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 114-моддаси 1-қисмига кўра ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир.

Бундай ҳолатда, суд юқорида қайд этилган қонун талаблари ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, низоли автомашина даъвогар А. Пирназаров ва жавобгар М. Жалиловаларнинг биргаликдаги никоҳи давомида сотиб олинганлиги ва демак, уларнинг умумий мулки эканлиги, жавобгар М. Жалилова низоли автомашинани даъвогар А. Пирназаровнинг розилигисиз сотиб юборганлиги, низоли автомашина олди-сотди шартномаси ҳуқуқ-тартибот ва ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим эканлигини инобатга олиб, 2012 йил 1 февраль куни М. Жалилова ва С. Холиқовларнинг ўртасида тузилган Оҳангарон туман давлат нотариал идораси давлат нотариуси томонидан реестрда 318-рақам билан тасдиқланган низоли автомашина олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 114-моддаси 2-қисмига кўра битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан, олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.



Шунга кўра, суд олди-сотди шартномаси бўйича низоли автомашина жавобгар М. Жалилова томонидан 800 000 сўмга сотилганлигини инобатга олиб, ундан С. Холиқовнинг фойдасига ушбу пулни ундиришни ҳамда тарафларни дастлабки ҳолатга келтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 116-моддасига кўра ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлсада, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Бундай ҳолатда, суд жавобгар М. Жалиловадан даъвогар А. Пирназаровнинг фойдасига даъво ариза билан судга мурожаат қилишда тўланган 39 795 сўм давлат божини ундиришни лозим топади.

Суд давлат божини ундириш масаласини муҳокама қилишда, даъвогар А. Пирназаров томонидан даъво ариза билан судга мурожаат қилишда тўланган 39 795 сўм миқдорида давлат божини ва олди-сотди шартномасига кўра низоли автомашина 800 000 сўмга сотилганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 120-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарорига асосан жавобгар М. Жалиловадан давлат фойдасига 205 сўм (800 000 x 5% — 39795) миқдорида давлат божини ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Абдулатиф Зокирович Пирназаровнинг жавобгарлар Мухтабар Нишонова Жалилова, Султон Зоирович Холиқов ва Оҳангарон туман давлат нотариал идорасига нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

2012 йил 1 февраль куни Мухтабар Нишонова Жалилова ва Султон Зоирович Холиқовнинг ўртасида тузилган Оҳангарон туман давлат нотариал идораси давлат нотариуси томонидан реестрда 318-рақам билан тасдиқланган 2005 йилда ишлаб чиқарилган “ГАЗ 3102-103” русумли, давлат рақами 10W865EA (аввалги давлат рақами 11 P 2278), двигател рақами 53083328, кузов рақами 31020050148628, шасси рақами Х9631020051293458, ранги “айсберг” бўлган автомашина олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас деб топилсин.



Олди-сотди шартномаси тарафлари дастлабки ҳолатда келтирилсин.  
Жавобгар Мухтабар Нишонова Жалиловадан Султон Зоирович Холиқовнинг фойдасига 800 000 сўм ундирилсин.

Жавобгар Мухтабар Нишонова Жалиловадан даъвогар Абдулатиф Зокирович Пирназаров фойдасига даъво ариза билан судга мурожаат қилишда тўланган 39 795 сўм давлат божи ундирилсин.

Жавобгар Мухтабар Нишонова Жалиловадан давлат фойдасига 205 сўм миқдорида давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:           имзо           Б. Тошбеков





## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2015 йил июнь ойининг 26 куни фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг, очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик этувчи судья Б. Тошбеков

Г. Раимовнинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида даъвогарлар Хуршида Кабировна Қодирова ва Нодира Джахоновна Икромованинг жавобгарлар “PROM NICE BIZNES” МЧЖ, ТИФ Миллий банки Оҳангарон филиали, Тошкент вилоят адлия бошқармаси ва Жасур Джахонович Юсуповларга нисбатан гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан юритилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогарлар Х. Қодирова ва Н. Икромова жавобгарлар “PROM NICE BIZNES” МЧЖ, ТИФ Миллий банки Оҳангарон филиали, Тошкент вилоят адлия бошқармаси ва Ж. Юсуповларга нисбатан гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида даъвогарлар Х. Қодирова ва Н. Икромоваларнинг ишончли вакили Н. Турсунова даъво аризани қувватлаб, ҳозирги кунда даъвогарлар оила аъзолари билан бирга Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Иқбол кўчаси, 34-уйда яшаб келаётганлиги, илгари ушбу уй 2008 йил 29 март куни Оҳангарон тумани давлат нотариал идораси томонидан реестрда 23-326 рақам билан тасдиқланган қонун бўйича ворислик ҳақида гувоҳномага асосан тенг улушларда Ж. Юсупов, С. Юсупова, Н. Икромова ва С. Шоназароваларга тегишли бўлганлиги, ТИФ Миллий банки Оҳангарон филиали ва “PROM NICE BIZNES” МЧЖ ўртасида 2008 йил 26 декабрь куни имзоланган 1035-сонли кредит шартномасига асосан банк маблағлари ҳисобидан 36 ой муддатга йиллик 20% миқдориди устама ҳақ тўлаш шарти билан шифер ишлаб чиқариш технологик линиясини сотиб олиш мақсадида банк томонидан



“PROM NICE BIZNES” МЧЖга 470 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилганлиги, кредит таъминоти сифатида Оҳангарон туман хусусий нотариуси Н. Болиев томонидан 2008 йил 28 май куни реестрда Г-70 рақам билан тасдиқланган гаров шартномасига ва 2008 йил 30 декабрь куни реестрда Г-195 рақам билан тасдиқланган ушбу гаров шартномаси қўшимчасига асосан юқорида қайд этиган уй гаровга қўйилганлиги, “PROM NICE BIZNES” МЧЖ ТИФ Миллий банки Оҳангарон филиалидан олган кредитни қайтара олмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ТИФ Миллий банки манфаатида даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, кредит қарздорликни ундириш ва ундирувни гаров мулкига қаратишни сўраганлигини, фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 2011 йил 2 декабрдаги ҳал қилув қарорига асосан кредит қарздорлик ундирилганлиги ва ундирув юқорида қайд этилган уйга қаратилганлиги, гаров шартномалари даъвогарларнинг розилигисиз тузилганлиги оқибатида уларнинг мазкур уй-жойда яшаш ҳуқуқлари қўпол равишда бузилганлиги ва бунинг натижасида улар вояга етмаган беш нафар фарзандлари билан бирга кўчада қолиб кетганлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 30 март куни 2090-сон билан рўйхатга олинган “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқноманинг 125-бандига кўра, ипотека шартномасини тасдиқлаш учун нотариус ипотекага қўювчи ва ипотекага олувчидан, агарда ипотекага қўйилаётган турар жойда доимий рўйхатга қўйилган шахслар вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган бўлса, тегишлича уларнинг қонуний вакиллари ёки васийлик ва ҳомийлик органларининг ёзма розилигини талаб қилиши белгиланганлиги, бироқ Оҳангарон туман хусусий нотариуси Н. Болиев томонидан бундай ҳаракатлар амалга оширилмаганлиги, шунингдек юқорида қайд этилган гаров шартномаларида даъвогар Н. Икромова номидан қўйилган имзо унга тегишли эмаслиги, даъвогар Н. Икромова гаров шартномалари тузилганлигидан хабари бўлмаганлигини маълум қилиб, 2008 йил 28 майдаги гаров шартномасини ва 2008 йил 30 декабрдаги ушбу гаров шартномасига қўшимчани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд мажлисида жавобгар Ж. Юсуповнинг ишончли вакили Ш. Зуфаров даъво талабларини тан олиб, даъвогар Х. Қодирова унинг турмуш ўртоғи, даъвогар Н. Икромова эса — синглиси эканлиги, низолашаётган гаров шартномаларини расмийлаштириш тартиби бузилганлиги, ҳуқуқий билимга эга бўлмаганлиги учун ҳам ўша вақтда бунга эътибор бермаганлиги, фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон



туманлараро судининг 2011 йил 2 декабрдаги ҳал қилув қарорига асосан кредит бўйича ундирув Оҳангарон тумани, Иқбол кўчаси, 34-уйга қаратилганлиги, гаров шартномаларидаги имзо Н. Икромовага тегишли эмаслигини маълум қилиб, суддан даъво аризани қаноатлантиришни сўраган.

Суд мажлисида ТИФ Миллий банки Оҳангарон филиалининг ишончли вакиллари Ж. Мирзаев ва Б. Аллаяров даъво аризани тан олмай, юқорида қайд этилган гаров шартномалари қонун талаблари асосида расмийлаштирилганлиги, даъвогарлар Х. Қодирова ва Н. Икромова шахсан ўзлари нотариал идорага борганликлари ва гаров шартномаларига ҳам ўзлари нотариус олдида имзо қўйганликларини маълум қилиб, суддан даъво аризаларни рад этишни сўраганлар.

Суд мажлисида мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс Ф. Ортиқов даъво аризани тан олмай, фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 2013 йил 11 сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан унинг жавобгар Ж. Юсуповга нисбатан Оҳангарон тумани, Иқбол кўчаси, 34-уйдан қўчириш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилганлиги, даъвогарлар Х.Қодирова ва Н. Икромова ишни чўзиш мақсадида турли хил баҳоналар билан судга даъво ариза киритаётганликлари, даъвогарлар шахсан ўзлари бориб гаров шартномаларига имзо қўйганликлари бошқа суд жараёнларида ҳам ўз тасдиғини топганлиги, лекин шунга қарамасдан жавобгар Ж. Юсупов ва унинг оила аъзолари атайин юқорида қайд этилган уйдан чиқмаслик мақсадида турли хил баҳоналар топиб келаётганлиги, мазкур уйни 2012 йил 22 май куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдосида сотиб олганлиги ва ўша вақтдан бери жавобгар Ж. Юсупов ва унинг оила аъзоларини ушбу уйдан чиқара олмаётганлигини маълум қилиб, суддан даъво аризани рад этишни сўраган.

Хозирги кунда “PROM NICE BIZNES” МЧЖ тугатилганлиги, ҳуқуқий вориси йўқлиги инобатга олинди.

Суд мажлисига тегишли тартибда қақирилган Тошкент вилоят адлия бошқармаси вакили судга номаълум сабабларга кўра келмаганлиги туфайли суд мазкур фуқаролик ишини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 174-моддасига асосан Тошкент шаҳар адлия бошқармаси вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Суд тарафлар, учинчи шахснинг кўрсатмасини эшитиб, иш материаллари билан танишиб, қуйидаги хулосага келади.

Суд томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Иқбол кўчаси, 34-уй илгари 2008 йил 29 март



куни Оҳангарон тумани давлат нотариал идораси томонидан реестрда 23-326 рақам билан тасдиқланган қонун бўйича ворислик ҳақида гувоҳномага асосан тенг улушларда Ж. Юсупов, С. Юсупова, Н. Икромова ва С. Шоназароваларга тегишли бўлган.

ТИФ Миллий банки Оҳангарон филиали ва “PROM NICE BIZNES” МЧЖ ўртасида 2008 йил 26 декабр куни имзоланган 1035-сонли кредит шартномасига асосан банк маблағлари ҳисобидан 36 ой муддатга йиллик 20% миқдорида устама ҳақ тўлаш шарти билан шифер ишлаб чиқариш технологик линиясини сотиб олиш мақсадида банк томонидан “PROM NICE BIZNES” МЧЖга 470 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилган.

Кредит таъминоти сифатида Оҳангарон туман хусусий нотариуси Н. Болиев томонидан 2008 йил 28 май куни реестрда Г-70 рақам билан тасдиқланган гаров шартномасига ва 2008 йил 30 декабр куни реестрда Г-195 рақам билан тасдиқланган ушбу гаров шартномаси қўшимчасига асосан Ж. Юсупов, С. Юсупова, Н. Икромова ва С. Шоназароваларга тегишли тарафлар келишувига биноан 270 миллион сўмга баҳоланган Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Иқбол кўчаси, 34-уй гаровга қўйилган.

Ушбу уйга нисбатан 2008 йил 28 май куни Оҳангарон туман хусусий нотариуси Н. Болиев томонидан реестрда 25-475 рақам билан тасдиқланган тақиқномага асосан тақиқ қўйилган.

Гарчанд юқорида қайд этилган кредит шартномаси шартларига асосан ТИФ Миллий банки Оҳангарон филиали шартнома бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган бўлсада, бироқ “PROM NICE BIZNES” МЧЖ кредитни қайтариш жадвалига асосан кредитни тўлиқ ва вақтида қайтариш мажбуриятини бажармасдан келган. Натижада Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ТИФ Миллий банки манфаатида судга даъво ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 2011 йил 2 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ТИФ Миллий банки манфаатида жавобгарлар “PROM NICE BIZNES” МЧЖ, Ж. Юсупов, С. Юсупова, Н. Икромова, С. Шоназарова ва Н. Рашидовга нисбатан кредит қарздорлигини ундириш ва ундирувни кредит таъминотига қаратиш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилиб, барча жавобгарлардан солидар тартибда ТИФ Миллий банкнинг фойдасига 2008 йил 26 декабрдаги 1035-сонли кредит шартномаси бўйича 345 882 054,79 сўм миқдорида қарздорлик ундирилган.



Ундирув гаровдаги Оҳангарон тумани, Иқбол кўчаси, 34-уйга қаратилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2012 йил 21 февралдаги ажрими билан суд қарори тўлдирилиб, Оҳангарон тумани, Иқбол кўчаси, 34-уйнинг бошланғич сотув нархи 375 000 000 сўм деб белгиланган.

Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 2011 йил 2 декабрдаги ҳал қилув қарори 2012 йил 21 февраль куни қонуний кучга кириб, ижрога қаратилган. Мазкур ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Оҳангарон туман суд ижрочилари бўлими томонидан низоли уй қонунда белгиланган тартибда очик аукцион савдосига қўйилган.

2012 йил 22 май куни “REALTOR GARANT BUSINESS” МЧЖ томонидан икки нафар харидор С. Ашуров ва Ф. Ортиқовлар иштирокида Оҳангарон тумани, Иқбол кўчаси, 34-уйнинг очик аукцион савдоси ўтказилиб, унда ушбу уй 390 миллион сўмга очик аукцион савдоси ёлиби Ф. Ортиқовга сотилган ва бу ҳақда 22.05.2012 йилдаги 014-сонли баённома тузилган. Кейинчалик, Оҳангарон туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан 2012 йил 1 июнь куни берилган ТА 1508004 сонли гувоҳномага асосан юқорида қайд этилган уй ҳозирги мулкдори Ф. Ортиқовнинг эгалигига ўтган.

Фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 2013 йил 11 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Ф. Ортиқовнинг жавобгар Ж. Юсуповга нисбатан турар жойдан кўчириш ва уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилиб, жавобгарлар Ж. Юсупов, Х.Қодирова, Н. Иқромова вояга етмаган оила аъзолари билан Оҳангарон тумани, Иқбол кўчаси, 34-уйдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топилиб, бошқа турар жой бермасдан мажбурий кўчирилганлар.

Мазкур суд қарори қонуний кучга кирган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 17 сонли “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги қарорининг 6-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 9 боби 113–126 моддаларида кўзда тутилган битимларнинг ҳақиқий эмаслигини тартибга солувчи нормаларда баён этилган асослар бўйича шартномаларнинг ҳақиқий эмас деб топилишига йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи



қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 9-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 9-бобида қайд этилган қондалар битимларни ҳақиқий эмас деб топишнинг қатъий асослари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 30 март куни 2090-сон билан рўйхатга олинган “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқ-номанинг 125-бандига кўра, ипотека шартномасини тасдиқлаш учун нотариус ипотекага қўювчи ва ипотекага олувчидан, агарда ипотекага қўйилаётган турар жойда доимий прописка қилинган шахслар вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган бўлса, тегишлича уларнинг қонуний вакиллари ёки васийлик ва ҳомийлик органларининг ёзма розилигини талаб қилади.

Суд томонидан даъвогар Н. Икромованинг важларини текшириш мақсадида суд хатшунослик экспертизаси тайинланиб, уни ўтказиш Х. Сулайманова номидаги Республика суд экспертиза маркази экспертларига юклатилган. Ўтказилган суд хатшунослик экспертизасининг 2015 йил 17 июндаги 3767/1 сонли хулосасига асосан Оҳангарон туман хусусий нотариуси Н. Болиев томонидан 2008 йил 28 май куни реестрда Г-70 рақам билан тасдиқланган гаров шартномасига ҳамда 2008 йил 30 декабрь куни реестрда Г-195 рақам билан тасдиқланган ушбу гаров шартномаси қўшимчасига Н. Икромова шахсан ўзи имзо қўйганлиги аниқланган.

Бундай ҳолатда, суд юқорида қайд этилган қонун талаблари ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, мазкур фуқаролик иши юзасидан ўтказилган суд хатшунослик экспертизаси билан юқорида қайд этилган гаров шартномаларига даъвогар Н. Икромова шахсан ўзи имзо қўйганлиги аниқланганлиги, даъвогарлар Х. Қодирова ва Н. Икромовалар ўз фарзандларининг қонуний вакили бўла туриб, низолашаётган гаров шартномаларига ўз имзоларини қўйганлиги Оҳангарон тумани, Иқбол кўчаси, 34-уйни гаровга қўйилишига ёзма розиликларини билдирганлигини тасдиғи эканлиги, низолашаётган гаров шартномалари Оҳангарон туман хусусий нотариуси Н. Болиев томонидан тасдиқланганлиги инобатга олиб, низолашаётган гаров шартномаларини ҳақиқий эмас деб топишга ҳеч қандай асос йўқлиги ҳақидаги хулосага келиб, даъво аризани асоссиз деб қаноатлантирилишини рад этишни лозим топади.

Суд давлат божини ундириш масаласини муҳокама қилишда, даъвогарлар кам таъминланган оила сифатида маҳалла кўмитасида



рўйхатда туришлигини, кўчмас мулк ёки бошқа қимматбаҳо мулкка эга эмаслигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, Фуқаролик процессуал кодексининг 111-моддасини қўллаб, даъво ариза билан судга мурожаат қилишда тўланган 200 000 сўм миқдоридаги давлат божи билан чегараланиб қолишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОП ҚИЛАДИ:

Даъвогарлар Хуршида Кабировна Қодирова ва Нодира Джахоновна Икромованинг жавобгарлар “PROM NICE BIZNES” МЧЖ, ТИФ Миллий банки Оҳангарон филиали, Тошкент вилоят адлия бошқармаси ва Жасур Джахонович Юсуповларга нисбатан гаров шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Даъвогарлар Хуршида Кабировна Қодирова ва Нодира Джахоновна Икромова томонидан тўланган 200 000 сўм давлат божи билан чекланиб, давлат божининг қолган миқдорини тўлашдан озод қилинсинлар.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:       имзо       Б. Тошбеков



## 2.4.2. Ҳадя шартномасини низолашиши ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар

Ҳадя шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ишларни кўришда суд ушбу тоифадаги ишлар Фуқаролик кодексининг 502–511-моддаларида назарда тутилганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида амал қилинган тегишли қонун нормасини кўрсатмоғи лозим.

Мазкур фуқаролик ишларини кўришда, агарда даъво предмети умумий мулк бўлса (масалан, эр-хотиннинг умумий мулки, хусусийлаштирилган уй-жой ва ҳ.к.), суд барча мулкдорларни ишга жалб қилиши лозим бўлади.

Юқорида қайд этилган шахслар мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида ишга жалб қилиниб, ҳал қилув қарорининг баён қисмида уларнинг тушунтиришлари кўрсатилиши керак.

Ҳадя олувчи ҳадя қилувчининг, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши атайлаб жиноят содир қилган ҳолларда ҳадяни бекор қилишга суд тартибида йўл қўйилади.

Ҳадя олувчи ҳадя қилувчини қасддан ўлдирган тақдирда ҳадя қилувчининг ворислари судда ҳадяни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга.

Агар ҳадя олувчининг ҳадя қилувчи учун катта номулкий қийматга эга бўлган ҳадя буюмга нисбатан муомаласи унинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши хавфини солса, ҳадя қилувчи ҳадя бекор этилишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

Манфаатдор шахснинг талабига биноан суд яқка тадбиркор ёки юридик шахснинг банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қоидаларини бузиб, банкрот деб эълон қилинишидан олдинги бир йил ичида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ маблағлар ҳисобидан қилган ҳадясини бекор қилиши мумкин.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида суд томонидан аниқланган ҳолатлари (507-моддада белгиланган асослари), ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалар, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилади.

Ҳадя шартномасига оид низоларни кўришда шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ва шартномани бекор қилиш тушунчаларини бир-биридан фарқлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 9-боби 113–126- моддаларида кўзда тутилган битимларнинг ҳақиқий эмаслигини тартибга солувчи нормаларда баён этилган асослар бўйича шартномани ҳақиқий эмас деб топилишига йўл қўйилади.

Шартномани бекор қилиш эса тўлиқ ёки қисман бажарилмаган шартномани ва унинг оқибатида вужудга келган тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини келгусида бекор қилишга қаратилган ҳаракатдир.





## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Ҳада шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### **Ўзбекистон Республикаси номидан**

2014 йил декабрь ойининг 10 куни фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик этувчи судья Б. Олимов,

Ф. Шариповнинг котиблигида, адвокат Р. Муслимов, тарафларнинг иштирокида даъвогарлар Муҳаббат Шокировна Солиева, Матлюба Ботировна Солиева, Малика Шокировна Обидова ва Комила Солиеваларнинг жавобгарлар Шокир Солиев, Шукур Солиев ва Яккасарой туман 1-сонли давлат нотариал идорасига нисбатан уйнинг ҳада шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъвоси юзасидан юритилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, куйидагиларни,

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогарлар М. Солиева, М. Солиева, М. Обидова ва К. Солиевалар жавобгарлар Ш. Солиев, Ш. Солиев ва Яккасарой туман 1-сонли давлат нотариал идорасига нисбатан уйнинг ҳада шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида даъвогар М. Солиева даъво аризани тўлиқ қувватлаб, жавобгар Ш. Солиев унинг отаси, даъвогар М. Солиева — онаси, даъвогарлар М. Обидова ва К. Солиевалар эса — опа-синглиси бўлишлигини, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Янгиобод 5-гор кўчаси, 26-уй илгари жавобгар Ш. Солиевга тегишли бўлганлиги, жавобгар Ш. Солиев ушбу уйни 2011 йил 28 апрель куни Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси томонидан реестрда 8-2500 рақам билан тасдиқланган ҳада шартномасига асосан жавобгар Шукур Солиевга (яъни амакисига) ҳада қилганлиги, ҳада шартномасини расмийлаштириш вақтида у низоли уйнинг доимий рўйхатида турган бўлсада, бироқ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 225-моддаси талабларига зид равишда унинг уйни ҳада қилинишига розилиги олинмаганлиги, отаси 10 йилдан бери сурункали равишда спиртли ичимликлар истеъмол



қилиб келаётганлиги ҳамда беш маротаба рухий касаллар шифохонасида уч — тўрт ойлаб ётиб даволаниб чиққанганлиги, жавобгар Ш. Солиев отасининг бу ҳолатидан фойдаланиб, онаси, опа-синглиси ва унга нисбатан отасини қарши қўйиб, жавобгарларнинг қўрқитуви ва тазйиқи остида қолган даъвогарлар (яъни онаси ва опа-синглиси) низоли уйни ҳада қилинишига розилик берганликлари, бу ҳолатлар эса низоли уйнинг ҳада шартномаси ноқонуний тузилганлигини тасдиғи эканлигини маълум қилиб, суддан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 225 ва 507-моддаларига асосан 2011 йил 28 апрель куни жавобгарлар Ш. Солиев ва Ш. Солиевлар ўртасида тузилган ва Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси томонидан реестрда 8-2500-рақам билан тасдиқланган ҳада шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд мажлисида даъвогарлар М. Обидова ва К. Солиева ҳамда барча даъвогарларнинг ишончли вакили Р. Муслимов даъво аризани тўлиқ қувватлаб, даъвогар М. Солиеванинг кўрсатмаларига ўхшаш кўрсатмалар бериб, суддан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 225 ва 507-моддаларига асосан 2011 йил 28 апрель куни жавобгарлар Ш. Солиев ва Ш. Солиев ўртасида тузилган ва Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси томонидан реестрда 8-2500-рақам билан тасдиқланган ҳада шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраганлар.

Суд мажлисида жавобгар Шукур Солиевнинг ишончли вакили З. Солиева даъво аризани тан олмай, жавобгарнинг турмуш ўртоғи эканлиги, низоли уйнинг ҳада шартномаси тўғри ва қонуний расмийлаштирилганлиги ва уни ҳақиқий эмас деб топилишига ҳеч қандай асос йўқлиги, жавобгар Шокир Солиев ўз иродаси ва хоҳишига биноан низоли уйни жавобгар Шукур Солиевга ҳада қилганлигини маълум қилиб, суддан даъво аризани рад этишни сўраган.

Суд мажлисида жавобгар Шокир Солиев ҳозир бўлмади. Судга ариза билан мурожаат қилиб, суддан даъво муддатини қўллаб, даъво аризани рад этишни ва ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Суд мажлисида Яккасарой туман 1-сонли давлат нотариал идорасининг ишончли вакили Э. Шодмонова ҳозир бўлмади. Судга ариза билан мурожаат қилиб, ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқиб, қонуний ҳал этишни сўраган.

Бундай ҳолатда, суд мазкур фуқаролик ишини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 174-моддасига асосан жавобгар Ш. Солиев ва Яккасарой туман 1-сонли давлат



нотариал идорасининг ишончли вакили Э. Шодмонованинг иштиросиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд тарафларнинг, вакилларнинг кўрсатмасини эшитиб, иш материалари билан танишиб, қуйидаги хулосага келади.

Суд томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, Шокир Нигманович Солиев ва Матлюба Ботировна Солиева 1984 йил 25 август куни қонуний никоҳдан ўтиб, оила қурганлар ва бу ҳақда Тошкент шаҳар 2-сон никоҳ уйи томонидан 2748-сон билан далолатнома ёзуви қайд этилган.

Биргаликдаги турмушларидан 1986 йил 25 июль куни туғилган Малика Шокировна Обидова, 1989 йил 30 январь куни туғилган Муҳаббат Шокировна Солиева ва 1996 йил 30 октябрь куни туғилган Комила Шокир қизи Солиева исмли уч нафар вояга етган фарзандлари бор.

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Янгиобод 5-тор кўчаси, 26-уй 1984 йил 1 декабрь куни Тошкент шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси томонидан реестрда 2-3082 рақам билан тасдиқланган ҳады шартномасига асосан Шокир Нигманович Солиевга тегишли бўлган.

Мазкур уй 2011 йил 28 апрел куни Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси томонидан реестрда 8-2500 рақам билан тасдиқланган ҳады шартномасига асосан Шокир Нигманович Солиевдан укаси Шукур Нигманович Солиевнинг эгалигига ўтган. Ушбу ҳады шартномасини расмийлаштиришга Тошкент шаҳар Яккасарой тумани “Яккабоғ” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2011 йил 14 апрелдаги 320-сонли маълумотномаси асос бўлган.

Даъвогар К. Солиева 2011 йил 28 апрель куни Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси томонидан реестрда 8-2499 рақам билан қайд этилган аризаси билан низоли уйни жавобгар Ш. Солиевга ҳады қилинишига ўз розилигини билдирган.

Даъвогар М. Обидова 2011 йил 15 апрел куни Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси томонидан реестрда 8-2188 рақам билан қайд этилган аризаси билан низоли уйни жавобгар Ш. Солиевга ҳады қилинишига ўз розилигини билдирган.

Даъвогар М. Солиева 2011 йил 28 апрел куни Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси томонидан реестрда 8-2497 рақам билан қайд этилган аризаси билан низоли уйни жавобгар Ш. Солиевга ҳады қилинишига ўз розилигини билдирган.



Ҳады шартномасини расмийлаштириш вақтида даъвогар М. Солиева низоли уйнинг доимий рўйхатида турган бўлсада, бироқ Тошкент шаҳар Яккасарой тумани “Яккабоғ” маҳалла фуқаролар йиғинининг 2011 йил 14 апрелдаги 320-сонли маълумотномасида уйнинг яшовчиси сифатида кўрсатилмаганлиги сабабли низоли уйни ҳады қилинишига унинг розилиги олинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 225-моддасига кўра, агар биргаликдаги мулк иштирокчилари ўртасидаги келишув билан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар умумий мулкка биргаликда эгаллик қиладилар ва ундан фойдаланадилар. Биргаликдаги мулк бўлган мол-мулк барча иштирокчиларнинг розилиги билан тасарруф этилади, мол-мулкни тасарруф этиш хусусидаги битим иштирокчилардан қайси бири томонидан тузилаётган бўлишидан қатъий назар, бундай розилик талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 164-моддасига асосан мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

Суд юқорида қайд этилган қонун талаблари ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, жавобгар Ш. Солиев ҳады тариқасида мулк ҳуқуқини қўлга киритиб, низоли хонадоннинг ягона мулкдори сифатида уни ўзи хоҳлаган шартларда тасарруф этишга ҳақли эканлиги, ишни кўриш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 113–126-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар аниқланмаганлиги ва демак низоли уйнинг ҳады шартномасини ҳақиқий эмас деб топишга асос йўқлиги, даъвогар М. Солиева низоли уйнинг мулкдори эмас балки фойдаланувчиси эканлиги, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 225-моддаси талаблари фақатгина биргаликдаги мулк иштирокчиларига тааллуқли эканлиги ва ушбу моддага кўра даъвогар М. Солиевнинг низоли уйни ҳады қилинишига розилиги талаб қилинмаслиги, даъвогарларнинг жавобгар Ш. Солиев 10 йилдан бери сурункали равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб келаётганлиги ҳамда беш мартаба руҳий касаллар шифохонасида уч–тўрт ойлаб ётиб даволаниб чиққанлиги, шунингдек жавобгар Ш. Солиевнинг қўрқитуви ва жавобгар Ш. Солиевнинг тазъийқи остида низоли уйни ҳады қилинишига розилик берганликлари ҳақидаги вазжлари ўз исботини топмаганлиги уйнинг ҳады шартномасини ҳақиқий эмас



деб топишга асос бўла олмаслигини инобатга олиб, даъво аризани рад этишни лозим топади.

Суд давлат божини ундириш масаласини муҳокама қилишда Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 104-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарорига асосланиб, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Янгиобод 5-гор кўчаси, 26-уйнинг инвентар баҳоси 5 588 925 сўм эканлигини инобатга олиб, даъвогарлар даъво ариза билан судга мурожаат қилишда тўлаган 838 400 сўм миқдорида давлат божи билан чегараланиб қолишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогарлар Мухаббат Шокировна Солиева, Матлюба Ботировна Солиева, Малика Шокировна Обидова ва Комила Солиеваларнинг жавобгарлар Шокир Солиев, Шукур Солиев ва Яккасарой туман I-сонли давлат нотариал идорасига нисбатан уйнинг ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:                   имзо                   Б. Олимов



### 2.4.3. Қарз ундириш ҳақидаги ишлар бўйича қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар

Қарз ундириш ҳақидаги ишларни кўришда, суд мазкур низолар Фуқаролик кодексининг 322, 324, 348, 732–738-моддалари билан тартибга солинганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида амал қилинган тегишли қонун нормасини кўрсатмоғи лозим.

Қарз ундириш ҳақидаги низолар юзасидан Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 16-сонли *(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли ва 2004 йил 24 сентябрдаги 14-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан)* қарорида тушунтиришлар берилган бўлиб, суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида Пленум тушунтиришларини қоида тариқасида кўрсатмоғи лозим бўлади.

Юқорида қайд этилган қарорда тушунтирилишича, ФКнинг 733-моддаси 1-қисмига биноан қарз берувчи юридик шахс бўлганида ёки фуқаролар ўртасида тузилган қарз шартномасининг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлган ҳолларда қарз шартномасини оддий ёзма шаклда тузилиши талаб қилинади. Судлар қарз шартномасининг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмаслигини назарда тутишлари лозим.

ФКнинг 109-моддаси 1 ва 2-қисмларига мувофиқ бундай ҳолларда тарафларни қарз шартномасининг тузилганлигини ва унинг шартларини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади, лекин бу уларни ёзма ва бошқа далиллар келтириш имкониятидан маҳрум қилмайди.

Агар пул ёки ашё олганлик факти инкор этилмаса, у ҳолда уни ёзма далиллар билан тасдиқлаш талаб қилинмайди, ҳар бир тараф ўз талабларини асослаш учун келтираётган ҳолатларни исботлашга мажбур.

Шунга кўра бир тараф пул ёки ашёни қарз учун берганини тасдиқлаб, иккинчи тараф уни олганини инкор қилмасдан бу пул ёки ашё қарзга эмас, балки ҳадя тариқасида берган деб тасдиқласа, суд пул ёки ашё олган тарафдан қарз эмас, балки ҳадя шартномаси бўлганлигини тасдиқловчи далилларни талаб қилиб олиши ва шу асосга кўра низони ҳал қилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида суд томонидан аниқланган ҳолатлари (қарз шартномаси тузилганлиги ёки тузилмаганлиги), ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалар, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилади.



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Қарз ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2012 йил август ойининг 14 куни фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи судья Б. Зокиров

Ф. Шукуровнинг котиблигида, тарафлар иштирокида, даъвогар Хамид Рустамович Раззаковнинг жавобгар Жаббор Турсунович Ёкубовга нисбатан қарзни ундириш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан юритилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Х. Раззаков судга жавобгар Ж. Ёкубовга нисбатан даъво билан мурожаат этиб, 2010 йил август ойида жавобгарга 200 АҚШ доллари берганлигини кўрсатиб, ушбу қарзни ундириб беришни сўраган.

Суд мажлисида жавобгар Ж. Ёкубов даъвогардан қарзга фоизга 100 АҚШ доллари ва 100 000 сўм олганлигини, даъвогар тилхатда 200 АҚШ доллар деб ёзишни талаб қилганлиги сабабли шу суммани ёзиб берганлиги, кейинчалик даъвогарга 400 АҚШ доллари, 200 000 сўм, тилла занжир “трос”, зирак, 3 қоп шакар берганлигини, олган қарзини тўлиқ тўлаб бериб, ҳеч қандай қарзи йўқлиги кўрсатди.

Суд тарафларнинг баёнотларини тинглаб, иш материалларини ўрганиб ва таҳлил қилиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъвони қаноатлантириш лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 364-моддасига биноан, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Мазкур Кодекснинг 733-моддасига кўра, фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, тарафлар ўртасида 2010 йил 21 августда қарз шартномаси тузилиб, унга кўра Ж. Ёкубов Х. Раззаковдан 200 АҚШ долларини 2 ой муддатга, яъни 2010 йил 21 октябрга қадар



қарзга олган. Мазкур шартнома ёзма равишда тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган. Судда жавобгар шартномага ўзи имзо чекканлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 57-моддаси 1-қисмига асосан, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2007 йил 2 октябрдаги 11-сонли Пленум қарорининг 7-бандига асосан, қонун бўйича ишнинг муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши лозим бўлган ҳолатларини бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқлаш мумкин эмас (ФПКнинг 59-моддаси). Бунда низоли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи тегишли моддий ҳуқуқ нормаларига асосланмасдан исботлашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 1998 йил 17 апрелдаги 13-сонли Пленум қарорининг 3-бандига асосан, суд иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун қонунда кўрсатилган барча чораларни кўришга мажбур, ҳал қилув қарорида ишнинг ҳолатлари ҳақида баён этилган суднинг хулосалари, тарафларнинг ҳақиқий ўзаро муносабатларига тўғри келмоғи лозим. Ҳал қилув қарорида иш учун ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳамма ҳолатлар баён этилган, тегишли далиллар келтирилган ва иш бўйича аниқланган ҳолатлар ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бўйича тўғри хулосага келинган тақдирдагина, у асосли бўлиб ҳисобланади. Ишнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғрисидаги суднинг хулосаси ҳал қилув қарорида ФПКнинг 56-моддасида кўзда тутилган исботлаш воситаларига кўра асослантирилади. Ҳал қилув қарори ФПКнинг 58, 59-моддаларида белгиланган далилларнинг дахлдорлиги ва исботлаш воситаларига йўл қўйилиши ҳақидаги қоидалар эътиборга олинган ҳолда асослантирилади.

Гарчанд, жавобгар Ж.Ёқубов қарзга олган пул суммасини пул ва мулк сифатида тўлиқ қайтариб берганлигини ва мажбуриятларини бажарганлигини кўрсатсада, важларини тасдиқловчи йўл қўйиладиган исботлаш воситаларини тақдим этмади.

Кодекснинг 257-моддасига мувофиқ, кредитор мажбуриятнинг бажарилишини қабул қилиб олган вақтида, қарздорнинг талаби билан унга мажбуриятнинг тўла ёки қисман бажарилишини қабул қилиб олганлиги ҳақида тилхат бериши шарт.

Агар қарздор мажбуриятни тасдиқлаш юзасидан кредиторга қарз ҳужжати берган бўлса, кредитор ижрони қабул қилиб олаётган вақтида





ушбу ҳужжатни қайтариб бериши, қайтариб беришнинг имкони бўлмаганида эса — бунга ўзи бераётган тилхатда кўрсатиши керак. Тилхат ўрнига қайтариб берилаётган қарз ҳужжатига устхат ёзилиши мумкин. Қарз ҳужжатининг қарздорда бўлиши, бошқа бир ҳол исботланмагунча, мажбуриятнинг бекор бўлганлигини тасдиқлайди.

Баён этилганларга кўра, суд Х. Раззаковнинг қарзни ундириш ҳақидаги даъво талабларини асосли деб ҳисоблайди.

Суд Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги сўмлиги, сўм ёзиб кўйилган киймати бўйича қабул қилиниши шарт бўлган қонуний тўлов воситаси тўғрисидаги Фуқаролик кодексининг 94-моддаси талабларидан келиб чиқиб, қарз суммасини суд қарори чиқариладиган кундаги банк курси бўйича сўмда, яъни 380 980 сўм (1904,90 х 200) ундиришни лозим топади.

Даъвони қаноатлантириш билан бир қаторда суд, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 120-моддасига асосан жавобгар Ж. Ёқубовдан давлат даромадига 19049 сўм миқдоридан давлат божини ундиришни лозим топди.

Бинобарин юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Хамид Рустамович Раззаковнинг жавобгар Жаббор Турсунович Ёқубовга нисбатан қарзни ундириш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилсин.

Жавобгар Ёқубов Жаббор Турсуновичдан даъвогар Хамид Рустамович Раззаковнинг фойдасига 380 980 сўм ундирилсин.

Жавобгар Жаббор Турсунович Ёқубовдан давлат даромадига 19 049 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартбида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи: имзо Б. Зокиров



## 2.5. МЕРОС ҲУҚУҚИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА

### 2.5.1. Меросхўр деб топиш, мерос улушини белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорларни тайёрлаш юзасидан услубий тавсиялар

Мерос ҳуқуқи билан боғлиқ ишларни кўришда суд ушбу тоифадаги ишлар Фуқаролик кодексининг 1112–1157-моддалари билан тартибга солинганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида амал қилинган тегишли қонун нормасини кўрсатмоғи лозим.

Мерос ҳуқуқи билан боғлиқ низолар юзасидан Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги (2014 йил 2 октябрдаги 16-сонли қарор билан киритилган ўзгартиришлар билан) 05-сонли қарорида тушунтиришлар берилган бўлиб, суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида Пленум тушунтиришларини қоида тариқасида кўрсатмоғи лозим бўлади.

Мазкур фуқаролик ишларини кўришда, суд даъво аризасида тарафлар сифатида кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъий назар барча меросхўрларни ишга жалб қилиши лозим бўлади.

Юқорида қайд этилган шахслар *мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар* сифатида ишга жалб қилиниб, ҳал қилув қарорининг баён қисмида уларнинг тушунтиришлари кўрсатилиши керак.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида суд томонидан аниқланган ҳолатлари (мерос таркиби, меросхўрлар таркиби, қонун ёки васиятнома бўйича ворислик, мажбурий улуш, тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик, мерос трансмиссияси тартибида ворислик ва ҳ.к.), ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалар, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилади.

Меросхўрлар ўртасида ворислик ҳуқуқини белгилаш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда, суд қонун талабидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир меросхўрнинг улушини белгилаши лозим бўлганлиги сабабли, иш бўйича ҳал қилув қарорида мазкур улушлар фоиз кўринишида эмас, балки каср кўринишида (масалан, 1/4, 1/3, 1/2 ва ҳ.к.) ифодаланиши керак.

Шуни назарда тутишки керакки, Солиқ кодексининг 337-моддасига мувофиқ, суд мол-мулкни мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган тақдирда, давлат божи мол-мулкнинг умумий қийматидан келиб чиққан



ҳолда суд томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва ҳар бир меросхўрдан унинг улушига мутаносиб равишда ундирилади.

Бу борада Олий суд Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисидаги 14-сонли қарорининг 22-бандидаги тушунтиришларига кўра, мулкка нисбатан ворислик ҳуқуқи тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилганда, давлат божи суд томонидан мол-мулкнинг умумий қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади ва ворисларнинг ҳар биридан унинг улушига мутаносиб равишда ундирилади.

Бунда мол-мулкнинг умумий қийматида қуйидагилар кирмайди:

- шахсий ва мулкий суғурта шартномлари бўйича суғурта суммаси;
- Ўзбекистон Республикасининг кредит муассасаларида сақланаётган облигациялар ва омонатлар;
- даромад суммалари (меҳнат ҳақлари), муаллифлик ҳақлари;
- васиятнома ва ҳадя шартномалари бўйича давлат ва юридик шахсларга ўтаётган мол-мулк қиймати;
- Ватанни ҳимоя қилиш, давлат ёки жамият олдидagi бошқа мажбуриятларни бажариш муносабати билан ёки инсон ҳаётини, давлат мулкни ва ҳуқуқ тартиботни сақлаш бўйича фуқаролик бурчини бажариш пайтида вафот этган шахслар мол-мулки;
- уй-жой (квартира) ёки уй-жой қурилиш ширкатидаги пай, башарти ворислар шу уй-жой (квартира)да мерос қолдирувчи билан бирга яшаб келишган, у вафот этган кунга қадар рўйхатдан (пропискадан) ўтишган ва мерос қолдирувчи вафотидан сўнг ҳам яшашни давом эттиришаётган бўлсалар.



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Меросхўр деб топиш ва мерос улушини белгилаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2014 йил август ойининг 14 куни фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик этувчи судья Б. Зокиров

Ф. Шукуровнинг котиблигида, адвокатлар Ф. Алимова, А. Мухамедов, тарафларнинг иштирокида даъвогар Дилноза Носировна Фахриеванинг жавобгар Дилором Хамидовна Фахриевага нисбатан меросхўр деб топиш ва мерос улушини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан юритилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Дилноза Фахриева жавобгар Дилором Фахриевага нисбатан судга даъво билан мурожаат этиб, жавобгар унинг келини бўлишини, ўғли Т. Фахриев билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, уларнинг 2 нафар 2004 йилда туғилган Н. Фахриева ва 2009 йилда туғилган С. Фахриев исмли фарзандлари борлигини, 2010 йил 30 сентябрь куни даъвогарнинг ўғли Т. Фахриев юрак кон томирлари ўткир бузилиши оқибатида вафот этганлигини, унинг вафотидан кейин мерос бўлиб Чилонзор тумани, 25-мавзе, 1-уй, 9-хонадон мерос бўлиб қолганлигини, мазкур хонадон 2007 йил 12 апрелдаги олди-сотди шартномасига асосан келини Дилором Фахриевага тегишлилигини, хонадонни даъвогар ўз пулларига сотиб олиб, фақатгина келинининг номига расмийлаштирганлигини, ҳозирда жавобгар уй ҳужжатларини беришни рад қилаётганлиги сабабли даъвогар нотариал идора оркали мерос мулкани расмийлаштириб ололмаётганлигини кўрсатиб, юқорида кўрсатилган хонадонга нисбатан меросхўр деб топишни ва мерос улушини белгилаб беришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар Д. Фахриева, даъво талабларини қувватлаб, даъво аризасида баён этилган ҳолатларни билдирди.



Жавобгар Д. Фахриева (бир вақтда вояга етмаган фарзандларининг қонуний вакили сифатида ҳам) даъвога норози бўлиб, даъвогарнинг ўғли билан 2003 йил қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, ўзаро турмушларидан 2 нафар фарзанди борлигини, турмуш ўртоғи 2010 йил 30 сентябрь куни вафот этганлигини, никоҳ давомида уй олишганлигини ва унинг номига расмийлаштиришганлигини, уйни эри ўз пулига олганлигини, коммунал тўловларини ўзи тўлаб келишини, эридан бошқа мол-мулк қолмаганлигини кўрсатди.

Суд тарафларнинг тушунтиришларини, адвокатларнинг фикрини тинглаб, иш материалларини ўрганиб ва таҳлил қилиб чиқиб, қуйдаги асосларга кўра даъвони қаноатлантиришни лозим деб топади.

Судда аниқланишича, низоли бўлган Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 25-мавзе, 1-уй, 9-хонадон 2007 йил 12 апрелдаги олди-сотди шартномасига асосан жавобгар Д. Фахриевага мулк ҳуқуқи асосида тегишли. Мазкур олди-сотди шартномаси нотариал тартибда расмийлаштирилиб, Чилонзор ТЖБКХ бўлимида рўйхатдан ўтган.

Жавобгар Д. Фахриева даъвогарнинг ўғли К. Фахриев билан 2003 йил 10 июль куни қонуний никоҳ тузиб, турмуш қуришган, ўргаларида 2 нафар 2004 ва 2009 йилда туғилган Санжар ва Нигора исмли фарзандлари бор.

К. Фахриев 2010 йил 30 сентябрда вафот этиб, унинг вафотидан сўнг биринчи навбатдаги меросхўрлари каторига онаси Д. Фахриева, хотини Д. Фахриева ва 2 нафар фарзандлари киради.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига асосан эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади. Шунингдек, Кодекснинг 28-моддасига кўра, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкдаги улушларини аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Бундай ҳолатда, низоли бўлган Чилонзор тумани, 25-мавзе, 1-уй, 9-хонадонда марҳум К. Фахриевнинг хонадоннинг 1/2 қисмига мулк ҳуқуқи мавжуд бўлиб, унинг ўлиmidан сўнг мазкур 1/2 қисмга мерос очилган.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига асосан К. Фахриевнинг вафотидан сўнг



унинг фарзандлари, хотини ва онаси биринчи навбатдаги меросхўрлар бўлиши ва уларнинг хонадондаги улушлари қуйидагича бўлади: хотини Д. Фахриеванинг улуши  $5/8$  ( $1/2 + 1/8$ ), онаси Д. Фахриева, фарзандлари С. Фахриев ва Н. Фахриеваларнинг ҳар бирининг улуши уйнинг  $1/8$  қисмини ташкил этади.

Суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 207-моддасини қўллаб, Чилонзор тумани, 25-мавзе, 1-уй, 9-хонадонга нисбатан барча меросхўрларнинг улушларини белгилашни лозим топади.

Олий суд Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисидаги 14-сонли қарорининг 22-бандидаги тушунтиришларига кўра, мулкка нисбатан ворислик ҳуқуқи тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилганда, давлат божи суд томонидан мол-мулкнинг умумий қиймагидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади ва ворисларнинг ҳар биридан унинг улушига мутаносиб равишда ундирилади.

Бунда мол-мулкнинг умумий қиймагига, хусусан, уй-жой (квартира) ёки уй-жой қурилиш ширкатидаги пай, башарти ворислар шу уй-жой (квартира)да мерос қолдирувчи билан бирга яшаб келишган, у вафот этган кунга қадар рўйхатдан (пропискадан) ўтишган ва мерос қолдирувчи вафотидан сўнг ҳам яшашни давом эттиришаётган бўлсалар қирмайди.

Суд барча меросхўрлар низоли уй-жойда мерос қолдирувчи К. Фахриев билан бирга рўйхатдан ўтган ҳолда яшаб келишганлигини ва унинг вафотидан сўнг ҳам яшашни давом эттиришаётганлигини инобатга олиб, тарафларни давлат божини тўлашдан озод қилишни лозим топади.

Бинобарин юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Д. Фахриеванинг даъвоси қаноатлантирилсин.

Даъвогар Дилноза Носировна Фахриева, жавобгар Дилором Хамидовна Фахриева, Фахриев Санжар Қодир ўғли, Фахриева Нигора Қодир қизи Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 25-мавзе, 1-уй, 9-хонадоннинг  $1/2$  қисмига меросхўр деб топилсинлар.

Мазкур хонадонда Фахриева Дилором Хамидовнанинг улуши  $5/8$  қисм миқдориди, Фахриев Санжар Қодир ўғли, Фахриева Нигора



Қодир қизи ва Дилноза Носировна Фахриевана ҳар бирининг улуши 1/8 қисм миқдорида белгилансин.

Тарафлар давлат божини тўлашдан озод қилинсинлар.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:      имзо      Б. Зокиров



## **2.6. ЗАРАР ЕТКАЗИШДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР**

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар билан боғлиқ ишларни кўришда, суд ушбу тоифадаги ишлар Фуқаролик кодексининг 985–1022-моддаларида назарда тутилганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида амал қилинган тегишли қонун нормасини кўрсатмоғи лозим.

Мазкур фуқаролик ишларини кўришда, агарда учинчи шахс томонидан етказилган зарарни ундириш масаласи кўйилган бўлса, суд ушбу шахсни мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилиш масаласини ҳал этмоғи лозим.

Юқорида қайд этилган шахсларнинг тушунтиришлари ҳал қилув қарорининг баён қисмида кўрсатилиши керак.

Шунингдек, маънавий зарар учун компенсация ундириш ҳақидаги низолар Фуқаролик кодексининг 1021–1022-моддалари, Меҳнат кодексининг 112, 187-моддалари, бошқа қонун ҳужжатлари (масалан ) асосида ҳал этилади.

Мазкур низолар бўйича Олий суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” (Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) 7-сонли қарорида тушунтиришлар берилган бўлиб, суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида Пленум тушунтиришларини қоида тариқасида кўрсатмоғи лозим бўлади.

Суд тарафларнинг ўзаро муносабатлари характерини ва бу ҳуқуқий муносабатга маънавий зарарни қоплаш бўйича қонунни қўллашга йўл қўйилиши мумкинлиги, агар қонунда бундай жавобгарлик белгиланган бўлса, маънавий зарарни қоплаш тартиби ва шартларини назарда тутган қонуннинг қачон кучга кирганини, шунингдек, маънавий зарарни келтириб чиқарган ҳаракатлар қачон содир бўлганлигини текшириши ва муҳокама қилиб баҳо бериши лозим.

Шунингдек, суд жабрланувчига жисмоний ва маънавий азоблар етказилгани факти нима билан тасдиқланиши, у қандай ҳолатларда ва қандай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) билан етказилганлиги, зарар етказувчининг айб даражаси,





жабрланувчи қандай маънавий ва жисмоний азоблар тортгани, уни қоплашни қандай миқдорда баҳолаши ва низони ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаши зарур.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида суд томонидан аниқланган ҳолатлар, ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалар, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилади.



## СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАСИ

Моддий ва маънавий зарарни  
ундириш тўғрисидаги ҳал қилув  
қарорининг намунаси

### ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси номидан

2015 йил февраль ойининг 18 куни фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик этувчи судья Б. Олимов

Ф. Шариповнинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида даъвогар Ботир Жўраевич Ибодовнинг жавобгар Мунира Ғайратовна Азимовага нисбатан моддий ва маънавий зарарларни ундириш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан юритилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

#### АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Б. Ибодов жавобгар М. Азимовага нисбатан моддий ва маънавий зарарларни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида даъвогар Б. Ибодов даъво талабларини тўлиқ қувватлаб, 2012 йил 4 сентябрь куни соат 07:30ларда жавобгар М. Азимова Матиз русумли давлат белгиси 01L412GA бўлган автоуловини бошқараётганида унинг бошқарувидаги Тико русумли давлат белгиси 20АН688 бўлган автоуловига тўкнашув содир қилганлиги, тўкнашув натижасида “Тико” русумли автоуловига 3 085 000 сўм миқдорида моддий зарар етказилганлиги ва ушбу зарарни баҳолатиш учун 60 000 сўм тўланганлиги, тўкнашув вақтида “Тико” русумли автоулови Бухоро вилояти, Қорақўл тумани, Човли КФЙдаги “Илғор–98” хусусий савдо ва ишлаб чиқариш фирмасига тегишли бўлганлиги, Тико русумли автоуловига етказилган моддий зарар унинг томонидан “Илғор–98” ХСИЧ фирмасига тўлиқ тўланганлиги, суднинг қарори билан жавобгар М. Азимова содир бўлган тўкнашувда айбдор деб топилганлиги, М. Азимова Тико русумли автоуловига етказилган моддий зарарни қоплашдан бош тортиб келаётганлигини маълум қилиб, жавобгардан ўзининг фойдасига 3 145 500 сўм миқдорида



моддий ва 1 500 000 сўм миқдорида маънавий зарарларни ундириб беришни сўраган.

Суд мажлисига мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган “Илғор–98” ХСИЧ фирмаси раҳбари А. Бобоев ҳозир бўлмай, судга ариза билан мурожаат қилиб, даъвогар Б. Ибодов томонидан 3 085 000 сўм миқдорида моддий зарар фирмага тўлиқ қопланганлигини маълум қилиб, суддан ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишни ва даъво аризани тўлиқ қаноатлантиришни сўраган.

Суд мажлисида жавобгар М. Азимова даъво аризани тан олмай, ҳақиқатдан ҳам 2012 йил 4 сентябрь соат 07:30 ларда унинг бошқарувидаги Матиз русумли давлат белгиси 01L412GA бўлган ва даъвогар Б. Ибодовнинг бошқарувидаги “Тико” русумли давлат белгиси 20АН88 бўлган автоуловлари ўртасида тўқнашув содир бўлганлиги, тўқнашув содир бўлишига айбдор эмаслиги, тўқнашув содир бўлган вақтда Матиз русумли давлат белгиси 01L412GA бўлган автоулови отаси А. Иргашевга тегишли бўлганлигини маълум қилиб, суддан даъво аризани рад этишни сўраган.

Суд мажлисига мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилинган А. Иргашев ҳозир бўлмай, судга ариза билан мурожаат қилиб, унда ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган “Ўзагросуғурта” ДАСК ишончли вакили М. Жуманов даъво аризани қувватлаб, “Ўзагросуғурта” ДАСК томонидан жавобгарлар М. Азимова ва А. Иргашевларнинг фуқаролик жавобгарлиги UA 1841938 сонли суғурта полиси билан 2011 йил 29 декабрдан 2012 йил 28 декабргача мажбурий суғурталанганлиги, бироқ 2012 йил 16 февраль куни жавобгар А. Иргашев томонидан жабрланувчи Р. Рузиевга йўл транспорт ходисаси натижасида етказилган моддий зарар “Ўзагросуғурта” ДАСК томонидан қопланганлиги ва шундан сўнг амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар А. Иргашев “Ўзагросуғурта” ДАСКга суғурта суммасини қайта тўламаганлиги сабабли жавобгар М. Азимова томонидан даъвогарлар Б. Ибодов ва “Илғор–98” ХСИЧ фирмасига 3 085 000 сўм миқдорида етказилган моддий зарар “Ўзагросуғурта” ДАСК томонидан қопланмаганлигини маълум қилиб, суддан даъво аризани қонуний ҳал этишни сўраган.

Суд мажбурий фуқаролик ишлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 174 моддасига асосан “Илғор-98” ХСИЧ



фирмаси раҳбари А. Бобоев ва А. Иргашевнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд тарафлар, учинчи шахснинг кўрсатмасини тинглаб, иш ҳужжатлари билан танишиб, куйидаги хулосага келади.

Фуқаролик иши бўйича тўпланган ҳужжатларига кўра, 2012 йил 4 сентябрь соат 07:30ларда жавобгар М. Азимова ўзига ишончнома орқали тегишли бўлган Матиз русумли давлат белгиси 01L412GA бўлган автоуловини бир ўзи юксиз ва йўловчисиз бошқариб, Олмазор тумани Кичик ҳалқа йўли бўйлаб, Собир Рахимов кўчаси томонидан О. Бобожонова кўчаси томонига ҳаракатланиши давомида “Эъзоз” кафеси қаршисидаги қайрилиб олиш жойида орқага қайрилиб олиш учун тўхтаб, қарама-қарши йўналишдаги транспорт воситаларининг тўлиқ ўтиб бўлганлигига ишонч ҳосил қилмай ҳаракатни 20–30 км/соат тезликда бошлаб қайрилиб олаётганида ўзига нисбатан ўнг томонидан яъни 50–60 км/соат тезликда бир нафар йўловчиси билан ҳаракатланиб келаётган “Тико” русумли давлат белгиси 20АН688 бўлган автоуловинининг ҳайдовчиси Б. Ибодов қайрилиб қолган “Матиз” русумли автоуловини кўриб, охири зарурат ҳолатида кескин тормоз бериб, автоулови рулини чапга буриб тўхтаганида бир йўналишда унга нисбатан орқа чап қатордан ҳаракатланиб келаётган ҳайдовчи Ш. Рисқулов бошқарувидаги “Матиз” русумли давлат белгиси 01S699JA бўлган автоулов дастлаб “Тико” русумли давлат белгиси 20АН688 бўлган автоуловга тўкнашиб, шундан сўнг “Матиз” русумли давлат белгиси 01L412GA бўлган автоуловга тўкнашиб тўхтаган.

“JB Partners” МЧЖнинг баҳолаш ҳисоботида кўра, тўкнашув натижасида “Тико” русумли давлат белгиси 20 АН 688 бўлган автоуловга 3 085 500 сўм миқдорида моддий зарар етказилган ва ушбу зарарни баҳолаш учун 60 000 сўм тўланган.

Тўкнашув содир бўлган вақтда Тико русумли давлат белгиси 20АН688 бўлган автоулов 2009 йил 14 февралдаги ААС1652340 сонли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига асосан “Илғор–98” хусусий савдо ва ишлаб чиқариш фирмасига, “Матиз” русумли давлат белгиси 01L412GA бўлган автоулов эса 2011 йил 21 декабрдаги ААС3382883 сонли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасига асосан А. Иргашевга тегишли бўлган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 2013 йил 25 январдаги қарори билан М. Азимова Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ-бузарликни содир қилганликда айбдор деб топилган ва Ўзбекистон



Республикаси МЖТКнинг 36-моддасига асосан у маъмурий жавобгарликдан озод этилиб, унга нисбатан юритилган маъмурий иш Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 271-моддаси 7-бандига асосан тугатилган.

Ҳозирги кунда жавобгар М. Азимова томонидан етказилган 3 085 500 сўм миқдоридаги моддий зарар ва ушбу зарарни баҳолаш учун кетган 60 000 сўм миқдорида сарф-харажат қопланмаган.

“Тико” русумли давлат белгиси 20 АН 688 бўлган автоуловга етказилган моддий зарар Б. Ибодов томонидан “Илғор–98” хусусий савдо ва ишлаб чиқариш фирмасига тўлик қопланган ва улар ўртасида фирмага тегишли бўлган талаб қилиш ҳуқуқи Б. Ибодовга ўтказилиши тўғрисида 04.12.2012 йилда битим тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги “Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 4-бандига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича суднинг қонуний кучга кирган қарори ҳамда жиноят ишини реабилитация асосларисиз тугатиш ҳақидаги тергов органи ва суд ажримида қайд этилган ҳолатлар шу билан боғлиқ фуқаролик иши кўриб чиқилишида қайта исботлашни талаб қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасига кўра, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлик ҳажмда қопланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 999-моддасига кўра, фаолияти теварак-атрофдагиларга ошиқча хавф туғдирадиган юридик шахслар ва фуқаролар (транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт воситаларининг эгалари ва бошқалар) ошиқча хавф манбаи етказган зарарни, агар зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракати оқибатида юзага келганини исботлай олмагалар, тўлашлари шарт. Зарарни тўлаш мажбурияти ошиқча хавф манбаига мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқи ёхуд бошқа ҳар қандай қонуний асосда (мулк ижара шартномаси, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган ишончнома, тегишли органнинг унга ортиқча хавф манбаини топшириш тўғрисидаги фармойишига кўра ва ҳоказо) эгаллик қилувчи юридик шахс ёки фуқарога юкланади. Ошиқча хавф манбаларининг эгалари бу манбаларнинг бир бирига таъсири (транспорт воситаларининг тўқнашуви ва ҳоказо)



натижасида учинчи шахсларга етказилган зарар учун солидар жавобгар бўладилар.

Фуқаролик кодекси 313-моддасининг 1-қисмига кўра, мажбурият асосида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб) унинг томонидан битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиши (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) ёки қонун асосида бошқа шахсга ўтиши мумкин.

Бундай ҳолатда, суд юқорида қайд этилган қонун талаблари ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, Тико русумли давлат белгиси 20АН688 бўлган автоуловга етказилган моддий зарар Б. Ибодов томонидан “Илғор-98” хусусий савдо ва ишлаб чиқариш фирмасига тўлик қопланганлигини, фирма билан Б. Ибодов ўртасида битим тузилиб, фирманинг талаб қилиш ҳуқуқи Б. Ибодовга ўтганлигини инобатга олиб, жавобгар М. Азимовадан даъвогар Б. Ибодовнинг фойдасига етказилган 3 145 500 сўм миқдорига моддий зарарни ундиришни лозим топади.

Шу билан бирга суд куйидаги асосларга кўра даъвогарнинг маънавий зарар ундириш ҳақидаги талабини рад қилишни лозим топди.

Олий суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” (киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) 7-сонли қарорининг 2-бандидаги тушунтиришларига кўра, маънавий зарар деганда жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғрик, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунилади.

Ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)нинг объекти бўлиб фуқарога туғилган вақтидан буён ва қонунга мувофиқ тегишли бўлган номоддий манфаатлари, (хаёти, соғлиғи, шахснинг кадр-қиммати, ишчанлик обрў-эътибори, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сири), шахсий номулкий ҳуқуқлари (ўз номидан фойдаланиш ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа номулкий ҳуқуқларнинг интеллектуал фаолият натижаларини қонунларга кўра ҳуқуқий муҳофаза қилиш) ва мулкий ҳуқуқлари (уй-жой дахлсизлиги, мулк ҳуқуқи ва бошқалар)ни бузилиши бўлиши мумкин.

Иш ҳолатларидан кўринишича, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш оқибатида юридик шахсга тегишли бўлган мулкка шикаст етказилган. Даъвогар Б. Ибодовнинг шахсий ёки мулкий ҳуқуқлари бузилмаган ва жавобгар М. Азимованинг даъвогар олдида маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги мажбуриятлари вужудга келмаган.



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 116-моддасига кўра, ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Шунга кўра, суд жавобгар М. Азимовадан даъвогар Б. Ибодовнинг фойдасига даъво ариза билан судга мурожаат қилишда тўланган 50 000 сўм миқдорида давлат божини ҳам ундиришни лозим топади.

Суд давлат божини ундириш масаласини муҳокама қилишда, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 120-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарорига асосан, даъвогар Б. Ибодов даъво ариза билан судга мурожаат қилишда тўлаган 50 000 сўм миқдорида давлат божини инobatга олиб, жавобгар М. Азимовадан давлат фойдасига 264 550 сўм (3 145 500 x 10% — 50 000 сўм) миқдорида давлат божи ундиришни лозим топади.

Уқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Ботир Жўраевич Ибодовнинг жавобгар Мунира Ғайратовна Азимовага нисбатан моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъвоси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар Мунира Ғайратовна Азимовадан даъвогар Ботир Жўраевич Ибодовнинг фойдасига етказилган 3 145 500 сўм миқдорида моддий зарар ва судга даъво ариза билан мурожаат қилишда тўланган 50 000 сўм миқдорида давлат божи, жами бўлиб 3 195 500 сўм ундирилсин.

Даъвогар Ботир Жўраевич Ибодовнинг маънавий зарар учун компенсация ундириш ҳақидаги даъво талабларини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар Мунира Ғайратовна Азимовадан давлат даромадига 264 550 сўм миқдорида давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичида шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:                    имзо            Б. Олимов

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИ ТУЗИШ БЎЙИЧА  
АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Х. Ёдгоров, Г. Парпиева, И. Косимов

Мухаррир: Д. Таирова

Наشريёт лицензияси АИ № 263 от 31.12.2014  
Босишга рухсат этилди 12.06.2017 г. Бичими 60×90 1/16.  
«Myriad Pro» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.

Босма табағи \_\_\_\_.

Адади \_\_\_\_ нусха

«BAKTRIA PRESS» МЧЖ нашриёт уйи  
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25  
тел.: +998 (71) 233-23-84

«Mega Basim» босмахонасида чоп этилди

ISBN 978-9943-4895-1-6